

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

“Ўзбек адабиётшунослиги ва жаҳон адабиёти” кафедраси

ЭГАМБЕРДИЕВА КАМОЛА нинг

**ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ НАСРИДА
РЕАЛИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**магистрлик илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертацион иши**

**Илмий раҳбар: М. ИСМОИЛОВА,
филология фанлари номзоди**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИДАГИ ЕТАКЧИ ТАМОЙИЛЛАР	
1.1. Истиқлол даври ҳикоячилиги	8
1.2. Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида инсон руҳияти тасвири	20
II БОБ. ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ АСАРЛАРИДА ЖАҲОН АДАБИЁТИГА ХОС ЖИҲАТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ	
2.1. Зулфия Қуролбой қизи асарларида миллий ўзига хослик ва умуминсоний қадриятлар ифодаси	41
2.2. Адиба асарларида аёллар образи	62
ХУЛОСА	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	91

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Адабиётшунослик узоқ вақт мобайнида бадиий асарни асосан ижтимоийлик нуқтаи назаридан текширишга мослашган бўлса, энди мавжуд илмий қолипларни тарк этган ҳолда, эстетик талаблар асосида рухий-ҳиссий сеҳрли ҳодиса тарзида ёндашишга уринмоқда.

Ҳозирги ижтимоий янгиланиш даврида инсон шахсиятида ҳам катта ўзгаришлар, ривожланиш юз бермоқдаки, натижада ўқувчиларнинг маънавий, рухий оламини билиш мураккаб тус олмоқда, уларнинг онгида маънавий уйғониш ва ғоявий янгиланиш сезилмоқда. Бу жараён эса, ўқувчиларга бадиий адабиёт намуналарини тақдим этишнинг таъсир кучини ошириш йўллариини излашни тақозо этади. Гарчи бадиий асарлар таҳлили бўйича ўзбек адабиётшунослигида кенг қўламдаги илмий тадқиқотлар эълон қилинган бўлса-да, ҳозиргача ўқувчига асарни мавзу долзарблигию ижтимоий аҳамияти жиҳатидан текшириб, тақдим этиш ҳоллари камаймаётир. Бадиий асар тадқиқида биринчи навбатда бадиий матннинг ўзигина туриши, ҳеч бир ижодкорнинг ёши, қайси партияга мансублигию жинсининг, қанчалар тажрибага эга эканлигининг буткул аҳамиятсизлиги ҳамиша ҳам ёдда турмайди. Энди адабиётшунослик олдидаги вазифалар ўзгарди: асарни матндан келиб чиққан ҳолдагина тадқиқ этиш ва матн табиатига мос тарзда хулосалаш.

Адабиёт ҳамиша ўзгариш, янгиланишда бўлади. Унда кўпчилик кўниккан, нормага айланган ифода тарзи, фикр йўсинига зид янги жанр, янги талқин мавжуд бўлаверади. Шу боис сўнгги йилларда ўзбек адабиётида сифат ўзгаришлари, турли шаклий ўйинлар тобора кўп кўзга ташлана бошлади. Бундай шаклий янгиликлар ўзбек адабиётини, ифода усулию ўқувчилар дидини ўзгартириб юборди.

Ўтган йигирма йил мобайнида бутун жамият мафкураси хусусан, маданият, санъат ва адабиёт соҳасида мисли кўрилмаган янгиликлар рўй

берди. Бу даврда ўзбек адабиёти социалистик реализм қолиплари доирасидан чиқиб, эркин тараққиёт йўлига кирди. Унинг ривожига урта муҳим йўналиш бугунги кунда тараққиётни белгиловчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг биринчиси, реализмнинг ҳаётбахш анъаналарини новаторона ривожлантириш бўлиб, иккинчиси, муттасил давом этаётган модернистик изланишлар ҳисобланади. Учинчи йўналиш эса, реализм ва модернизмнинг асосий хусусиятларини синтезлаштириш асосида туғилаётган бўлиб, у адабиётшуносликда нореализм деб аталмоқда. Ҳозирги даврда бу йўналишларнинг учаласида ҳам ижод қилаётган кўплаб сўз усталари мавжуд бўлиб, улар орасида реалистик анъаналар изидан бораётганлари жиддийроқ муваффақиятларга эришаётгандек кўринади. Бундай ижодкорлар сафи йилдан йилга ортиб бораётгандек кўринади. Ўтган йигирма йил давомида реалистик адабиётнинг имкониятлари чексиз эканлиги Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Али сингари ёзувчиларнинг асарларида яққол исботланди. XX асрнинг охирларида улар қаторига Абдуқаюм Йўлдош, Лукмон Бўрихон, Ҳалима Аҳмедова, Гулжамол Асқарова, Зулфия Қуролбой қизи каби ёш носир ва нозимлар авлоди келиб қўшилди.

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти жанрлар борасида шаклланган тасаввурларни бузиши, яратилаётган асарларнинг назарий қонун-қоидаларга тўғри келмаслиги билан ҳарактерланади. Зеро, ижод эркинлиги фақат “нимани ёзиш”га эмас, балки, “қандай ёзиш”га ҳам тегишлидир. Истаганидай ёзиш эрки ижодий тажрибалар ўтказиш имконини беради. Бугунги кун адабий жараёнининг салмоқли қисмини наср ташкил қилади. Ҳозирги ўзбек насри тараққиётига катта ҳисса қўшаётган ижодкорлардан бири Зулфия Қуролбой қизи бўлиб, сўнгги йилларда унинг бир қанча эътиборга сазовор асарлари юзага келди. Зулфия Қуролбой қизи ҳикоя ва романлари ўзбек адабиётида яратилган асарлар орасида ўзининг қизиқарлилиги, таъсирчанлиги, ҳаёт ҳақиқати ва инсоний ҳарактерларни

ишонарли гавдалантирганлиги ҳамда турмушнинг мураккаб муаммоларини дадил кўтариб чиққанлиги билан ажралиб туради. Муаллиф асарларида ўқувчи кўниккан қаҳрамонлар, воқеалар ривож ва интиҳо учрамайди. Бу асарлар ўзбек адабиётида эътибор бермаслик мумкин бўлмаган бадиий ҳодисага айланди, ўз ўқувчиларига эга бўлди. Унга хос хусусиятларни тадқиқ қилиш, унинг ички механизми, бадииятини таъминлаган омилларни аниқлаш ҳозирги адабиётни тўла англаш имконини беради. Шу зарурат туфайли мазкур мавзуга қўл урилди.

Тадқиқот мақсади. Зулфия Қуролбой қизи асарлари тадқиқи ва таҳлили асосида истиқлол даври ўзбек адабиётига хос жиҳатлар ва ижодкор насрий асарларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- ҳикоянинг назарий тамойиллари ва тасвир йўсини, тараққиёт босқичларини аниқлаш;
- адиба ҳикояларидаги миллий ва умуминсоний қадриятлар ифодаси тадрижга оид янгиликларни кузатиш ва таҳлил қилиш;
- Зулфия Қуролбой қизи ижоди ўзига хослигини таъминловчи омилларни аниқлаш.

Тадқиқот манбаи. Зулфия Қуролбой қизи қаламига мансуб “Армон асираси”, “Машаққатлар гирдоби” романлари, “Аёл”, “Ҳилола”, “О, ҳаёт!”, “Тафаккур”, “Икки манзил”, “Кўланка” ва шу каби ҳикоялари тадқиқот манбаи сифатида текширилди.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Истеъдодли ёзувчи Зулфия Қуролбой қизи маънавиятимиз хазинасини адабиётда жиддий ҳодиса даражасига кўтарган бир қатор асарлари билан бойитаётган бўлса-да, адабиётшуносликда бугунги кунгача унинг ижодини муфассал таҳлил этувчи тадқиқотлар яратилганича йўқ. Шу вақтга қадар ёзувчи асарлари юзасидан Умарали Норматов, Қозоқбой Йўлдошев, Нусратилла

Жумахўжа, Хуршид Дўстмуҳаммад сингари адабиётшунос олимларнинг мақолалари чоп этилган, Нилуфар Ҳайдарова “Армон асираси” романини Женни Эрпенбек қаламига мансуб “Макон истаб” романи билан қиёслаган, Исроилова Саодат адиба асарларида мисолида миллат маънавиятидаги эврилишларнинг ҳозирги ҳикоячиликдаги ўрнини текширган малакавий битирув ишлари мавжуд. Жумладан, Нилуфар Ҳайдарова олмон ёзувчиси Женни Эрпенбекнинг “Макон истаб” романи бош қаҳрамони билан Зулфия Қуролбой қизи романи “Армон асираси” қаҳрамони Ҳулкар Армон орасида боғлиқлик мавжуд деб ҳисоблайди. Нилуфарнинг фикрича, Женни Эрпенбек қаҳрамони реал уруш оқибатида ўз маконидан, Ватанидан айрилган бўлса, Зулфия Қуролбой қизи қаҳрамони кўнгил истаги ва тирикчилик орасидаги азалий, кўзга кўринмас жанг туфайли ўз маконидан жудо бўлган. Ҳар икки роман асосини инсонларнинг туғилиб ўсган гўшасига талпиниш, фақат ўзиники бўлган гўшасини яратиш истаги ташкил қилади, дейди тадқиқотчи.

Исроилова Саодат эса адиба ҳикояларини таҳлилга тортиб, улардаги шафқатсизлик, қаҳрамонларнинг фожеали тақдири Зулфия Қуролбой қизи ижоди ўзига хослигини таъминлашини таъкидлайди.

Биз ҳар икки тадқиқотчи фикрини инкор этмаган ҳолда, адиба “Армон асираси” романида Ҳулкар Армондан ҳам кўра Насиба ҳамда Дониш зиммасига асосий юкни ортганини, маконини дастлаб Дониш йўқотганини, шунинг оқибатида Насиба ҳам тинчини йўқотганини, уларнинг фарзандларини кутаётган келажак мавҳум қолгани эса маконсизлик давом этиши мумкинлигини кўрсатишини таъкидлашни истардик.

Исроилова Саодат қаҳрамонлар тасвиридаги шафқатсизлик ҳаддан зиёдлигини, бу ўқувчини чарчатишини айтади. Бизнингча эса, айти жихат Зулфия Қуролбой қизи асарлари ҳаётийлигини таъминлайди, ўқувчини сергаклантиради, умуман, адиба ижодининг ўзига хослигини белгилайди.

Бу ва матбуотдаги турли адабиётшунослар қаламига мансуб бошқа чиқишлар ёзувчи ижоди ҳақида ўқувчилар оммасида таассурот ва маълумот ҳосил қилган бўлса-да, уни илмий текшириш ва қатъий хулосага келиш эҳтиёжини қондирмаган эди. 3.Қуролбой қизи асарларини алоҳида иш сифатида тадқиқ этиш заруратини ушбу илмий иадқиқотимиз доирасида бажаришга аҳд қилдик. Ва асосий эътиборни қиссада устувор руҳият, ифода услуби, қаҳрамонлар табиати, асарлар бадииятини ўрганиш ва изоҳлашга қаратдик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Зулфия Қуролбой қизининг бадиий ижод оламига кириб келганидан тортиб, то бугунги кунгача бўлган ижодий камолотини тадрижий тарзда тадқиқ этиш орқали адибанинг насрий асарларидаги ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари сабабларини кўрсатиб беришга уринилди. Хусусан, муаллифнинг “Армон асираси”, “Машаққатлар гирдоби” романлари ва бир неча ҳикоялари мисолида ёш ёзувчи насрига хос кўплаб асосий хусусиятлар аниқланди. Шундай хусусиятлар жумласига ёзувчининг аёл қалбини ва ҳарактерини чуқур бадиий тадқиқ қилиб, улар тўғрисидаги ҳақиқатни ифодалашга интилиши, сюжетнинг қизиқарлилиги ва кўпинча ноанъанавий қурилганлиги, ҳаётнинг муаммолари жасорат билан ёритилганлиги ҳамда эзгу ижтимоий идеаллар тасдиқланганлиги каби белгилар киради. Мазкур хусусиятлар Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл”, “Ҳилола”, “О, ҳаёт!”, “Тафаккур”, “Икки манзил”, “Кўланка”, “Машаққатлар гирдоби” асарлари таҳлили воситасида юзага чиқарилди.

Тадқиқот таркиби. Диссертацион иш кириш, икки боб, тўрт фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I БОБ. ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИДАГИ ЕТАКЧИ ТАМОЙИЛЛАР

1.1. Истиқлол даври ҳикоячилиги

Ҳикоянинг ибтидо кўлами, умри башариятнинг ер юзини макон тутиши ва унда кечираётган улкан тарихи билан тенг, десак хато бўлмайди. Воқеан, илк ҳикоялар, биз сўз юритаётган бадиий жиҳатдан мукаммал жанр талабларига мос келмаса ҳам, инсониятнинг илк аجدодлари руҳиятига хос ҳодиса эди ва бугунги цивилизациялашган одам руҳиятида ҳам бу борада катта фарқ, ўзгачалик кузатилмайди. Инсон бор жойда ҳикояга талаб ҳам, эҳтиёж ҳам бор. Ҳатто бу фикрни бир оз ривожлантириб, ҳар бир инсон ҳаётининг ўзи улкан ҳикоялардан иборат десак ҳам янглишмаймиз.

Ҳикояда бир кишининг маълум вақтдаги ҳаёти орқали унинг характери, ўй-хаёли, руҳияти, кечинмалари ёритилиб, ўқирманга тарбиявий аҳамияти бўлса, ёзувчи мақсадига етган бўлади. Ҳикоя, умуман, барча ижод маҳсули насрдами, назмдами бўлишидан қатъий назар эзгуликка хизмат қилса, у ҳақиқий адабиёт ҳисобланади. Адабиётнинг асл мақсади ҳам кишиларни эзгуликка хизмат қилдириш экан, яратилаётган ҳар бир ижод маҳсули ҳам ижодкорнинг маҳоратига, кузатувчанлигига, ҳаётни кўп ўрганганлигига боғлиқ. Ижодкор асарига хомашёни ҳаётдан олади, фақат бадиий тўқима ёрдамида яхлит асар ҳолига келтиради. Унинг қандай таъсирга эгалиги, ижодкор маҳоратига ҳақиқий баҳони китобхон беради. Зеро, ёзувчи Ўткир Ҳошимов айтганидек: *Иккита энг холис ҳакам – Китобхон ва вақт синовидан ўтган асар ҳақиқий асардир*”¹.

Маълумки, ҳикоянинг шакли нисбатан чекланган эса-да, катта мазмунни ифодалашга қодир. Шу маънода шаклан мухтасарлик, мазмунан лўндалик ва яхлитлик ҳикоя жанрининг специфик белгиси ҳисобланади.

Шу кунгача мавжуд назарий анъаналар ва бадиий мезонларга кўра:

¹ Ҳошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. — Т. Шарқ нашриёт-матба аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. 2008. 179-бет.

- *ҳикоя биргина воқеа асосида қурилади;*
- *ҳикояда характер биргина эпизод орқали намоён бўлади;*
- *характерлар тайёр ҳолда берилади;*
- *характернинг биргина ҳолатигина кўрсатилади;*
- *характернинг ҳикояга киргунча бўлган ва ҳикоя тугагандан сўнгги ҳолати ўқувчига номаълум қолади;*
- *ҳикояда персонажлар сони чекланган бўлади;*
- *ҳажми кичкина бўлади деб ҳисобланади.*

Бу жанр, ижодкорлар маҳорати ва ёзилган ҳикоялар ҳақида адабиётшуносликка оид илмий манбаларда кўплаб танқидчилар фикр билдиришган. В.Белинский, Қ.Йўлдошев, У.Норматов, М.Қўшжонов, А.Расулов, Т.Бобоев, У.Жўрақулов, Х.Дўстмуҳаммад, Д.Холдоров сингари адабиётшунослар шулар жумласидан. В.Г.Белинский ҳикоянинг хусусияти ҳақида шундай дейди: *“...повест (У даврларда “ҳикоя” атамаси кам қўлланилар ва “повест деб аталарди”) бу кишилик тақдирининг поёнсиз поэмасидан бир эпизод”* деб жуда яхши айтилган эди. *Бу жуда тўғри фикр; ҳа “повест”(ҳикоя) қисмларга, минглаб бўлакларга бўлинган романдир; романдан олинган боблардир...*

Шундай воқеалар, шундай ҳодисалар борки, улар драма учун кифоя қилмайди, дейиши мумкин, бироқ улар ниҳоятда чуқур, асрлар давомида унутиши мумкин бўлмаган ҳаёт ҳақиқатини шундай ўзида мужассамлаштирган бўлади; ҳикоя ана шундай воқеа ва ҳодисани танлаб олади ва ўзининг тор рамакасида ифода этади... ”².

Ҳикояда ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг турли-туман масалалари кўтарилиши мумкин, аммо роман ва қиссалардагидек кенг кўламда тасвир этилмайди. Лекин, баъзан ҳикоя учун манба қилиб олинган бирор ижтимоий ҳодиса тасвиридан катта умумлашмалар чиқариш, муайян давр ҳаёт тарзини кенг миқёсда гавдалантириш имконияти туғилади. Унда

² Бобоев Т. “Адабиётшунослик асослари”. –Т., 2002, 470-471-бетлар.

мазмун ва ҳажмига кўра асарни жанр жиҳатдан фарқлаш қийин бўлиб қолади (Ш.Холмирзаевнинг “Булут тўсган ой” ҳикояси).

“Тарихий ва назарий поэтикага доир тадқиқотларда, монография, терминологик лугатлар, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларда ҳикоя жанри турли ракурсларда ўрганилиб, илмий-адабий жиҳатдан талқин этиб келинади. Шунга кўра, ушбу жанрга хос поэтик канонлар (белги ва мезонлар) мукаммал даражада ишлаб чиқилган. Айтиш мумкинки, бугунги мактаб ўқувчиси ҳам ҳикоя жанрининг муайян белгиларидан хабардор. Лекин, шунга қарамасдан, назарий адабиётшунослик, ҳеч қачон, бу жанр хусусида сўнгги хулосани айта олмайдики, бу ҳам ҳикоянинг доимий ҳаракатдаги, мураккаб эстетик ҳодиса эканидан далолатдир...”³.

Ҳикояда “лаконизм” деган тушунча бор. Лаконизм бу – тасвир мезони. Ҳикояда тасвирлаш мезони худди ҳажм каби чегараланган бўлади. Роман ва қиссадагидек ҳикояда қисқартма эпизод ва чекинишлар бўлмайди, тасвир мезони етакчи ўринда туради. Айни пайтда ҳикоя нима, унинг бадий мезонларини белгиловчи элементлар нимада кўринади? Ҳикояда муаллиф замон ва макон ва образлар тизими сюжет линияси қай тартибда келади? *“Ҳикоя, – деб таъкидлайди Жек Лондон, – бу ҳаётнинг яқунланган эпизоди: кайфият, вазият, ҳаракат бирлиги”⁴.* Хулио Кортасар эса Лотин Америкасининг забардаст ёзувчиси, уругвайлик Орасио Кирогадан олган сабоқларини ўзининг **“Қисқа ҳикоя ва унинг ҳудудида”⁵** деб номланган мақоласида эътироф этади, ҳикоя концепциясини адабий жанр сифатида таҳлил қилиб, ўз ижодий услубини баён қиларкан, Кироганинг ҳикоя ёзиш санъати сирлари ҳақидаги ушбу маслаҳатларини самимият билан ёдга олади: *“Шундай ҳикоя қилгинки, гўё бу ҳикоя ўзинг яратган адабий персонажларининг мўъжазгина давраси учун қизиқарли бўлсин. Бу персонажлардан бири ўзинг бўлишинг ҳам мумкин. Фақат*

³ Жўракулов У. “Уммон соғинчи”. Сўз боши. // “XX аср жаҳон ҳикояси”. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 5-б.

⁴ Бобоев.Т. “Адабиётшунослик асослари”. – Т., 2002.. 471-бет.

⁵ J. Cortazar. El ultimo round. Mexiko. Siglo XXI, 1970.

шундагина ёзган ҳикоянг ҳаётӣй чиқади...”. “... Кортасарнинг кўпгина ҳикоялари биринчи шахсдан ёзилади, аммо ёзувчи ҳикояда пайдо бўлган вазиятга ҳукмфармолик қилмайди, уни изоҳлаб бермайди. “Мен ёзаётганимда, инстинктив тарзда яратувчи бўлишга ҳаракат қилмайман, – деб ёзади у. – Истайманки, ҳикоя ўзининг мустақил ҳаётига эга бўлсин, ўқувчи эса ўз-ўзидан тугилган, ўзининг ичидаги, ҳаттоки ўз-ўзидан пайдо бўлган нимадир, қандайдир туйғуни ҳис қила олсин...”⁶, деган фикрларни илгари суради.

Ҳикоя жанрида замон тушунчаси муҳим. XX аср бошидан то ҳозирги давргача қалам тебратган ва тебратаётган ёзувчилар (Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Ҳайриддин Султон, Эркин Аъзам, Назар Эшонкул, Саломат Вафо, Улуғбек Ҳамдам)да замон ва ҳикоя услуби умуман фарқ қилади. Айни шўро даври ҳикоячилигида инсон меҳнати улуғланган асарлар яратиш кучайган бўлса, шу даврнинг етмишинчи йилларидан инсоннинг ўзи асар бош ғоясини ташкил эта бошлади. Бугунги кун ҳикоячилигида фалсафа ва психология билан уйғун ҳолда, инсон руҳияти, ботинини таҳлил этиш авж олди: “...Менинг тасаввуримдаги ҳикоя наинки давр, ижтимоӣй муҳит, миллат, адабий доира, муаллифларнинг алмашинуви билан, балки муайян ижодкорда ёш, руҳият, кайфиятнинг ўзгариши билан ҳам тамомила бошқача шаклий-мазмунӣй моҳият касб этиши мумкин. Шу маънода биз ҳикоя жанри ҳақида сўз юритаётганда унинг оригиналлиги остида ўтмиш, тарихийлиги остида келажак намоён бўлиши мумкинлигини назарда тутишимиз лозим...”⁷.

Авлодлар алмашган сайин ижтимоӣй муҳит ҳам ўзгариб боради. Бу, аввало, бадиӣй тафаккурда акс этади. Ҳар бир бадиӣят намунасида ўша давр руҳи сезилиши табиӣй: киши дарди, муаммолари, кайфияти, жамиятни қийнаётган абадиӣй муаммолар... Битиктошлардан то ҳозирда

⁶ Аҳмедова. М. Хулио Кортасар: XX аср маънавий ҳаётидан бир лавҳа. // Жаҳон адабиёти. 2009 йил, октябрь.

⁷ Жўракулов У. “Уммон соғинчи”. Сўз боши. “XX аср жаҳон ҳикояси”. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 5-бет.

яратилаётган ҳикояларда замон фарқи турли хил. Биргина Шўро даврида шу даврга ишониб, коммунизм қурамиз, деган ғоя сингдирилган ҳикоялар кўплаб бўлса, 80-йилларга бориб бу даврга ишонч сўна бошлаган кайфиятдаги асарлар (Назар Эшонкул: “Маймун етаклаган одам”лар каби) вижудга келди.

Одам ва илоҳиёт, одам ва одам, одам ва табиат, одам ва ўтмиш, одам ва келажак аро маънавий, маърифий, психологик, маиший, ижтимоий, иқтисодий ва ҳ.к. муносабатлар умуман бадиий асарнинг, хусусан, ҳикоя жанрининг туғилиши учун асосий омиллардир. Инсондаги айтиш ва тинглаш эҳтиёжи мавжуд экан, ҳикоя ҳам яшайверади. Агар мана шу эҳтиёж бўлмаганида адабиётнинг ўзи ҳам ҳам бўлмас эди. Адабиётдан ҳам кенгроқ, аввалроқ, юксакроқ мезонлар билан ёндашадиган бўлсак, ҳикоя жанрининг пайдо бўлиши, спецификаси, маънавий-маърифий, бадиий-психологик функцияси энг қадимги замонларга, ҳатто инсоният ҳаётининг ибтидосига бориб тақалади. Шу маънода илк ҳикоя тушунчаси хронотопи (макон-замони) Одам ато замонидан ҳам олисроққа кетади.

Ҳикоя жанри барча адабий жанрларнинг синкретик шакли сифатида лирика, драма ҳамда эпосга хос элементларни синтез қилиши билан бирга, юзаки қараганда ноадабий, аммо моҳият эътибори билан умуминсоний, демакки, адабий, фалсафий, илоҳий элементларга бой эканлиги ҳам юқоридаги фикримизни қувватлайди.

Жаҳон романи структурасига хос ошиқ-маъшуқа-рақиб учлиги, муҳаббат, ҳижрон, висол мотивлари аро систематик муносабат бевосита илоҳий ибтидо режаси билан боғлиқ бўлиб, бунинг бевосита ёзувдаги ифодаси “Забур”, “Таврот”, “Инжил”, “Қуръони карим” сингари илоҳий китоблардан энергия олганидек, илк ҳикоянинг асосларини ҳам мана шундай хронотоп кенгликларидан излаш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, илоҳий китобларда Яратган башарият орасидан танлаб юборган пайғамбарларига космик тизимдаги муайян воқеани юксак этика ва эстетик жиҳатдан баркамол шаклда (“Қуръони карим”да иъжоз

мақомида), ибрат ўлароқ ҳикоя қилиб беради. Мана шу илоҳий ибрат негизида ҳикояга хос барча бадий компонентлар, поэтик канонлар, умумэстетик концепциялар, ўтмиш ва келажакка доир илмлар мужассам эдики, табиатан “буюк тақлидчи” (Ницше) бўлган инсон ҳикоянинг мукаммал намунаси сифатида бу манбага таянмаслиги мумкин эмасди.

Кейинчалик, тақрибан ҳар бир илоҳий китоб ёки пайғамбар орасида ўтган, башарий жоҳилият ҳукм сурган мавсумларда “ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон” (Аристотель) – мифлар пайдо бўлди. Бизгача етиб келган оғзаки ва ёзма шаклдаги мифологик манбаларни кузатганимизда уларнинг таркибида бир учи илоҳиётга, бошқа учи хурофий тасаввурлар ва реал ҳаётий унсурларга боғланган ҳикояларга қайта-қайта дуч келамиз. Жўн материалистик дунёқараш ҳукмрон бўлган даврларда мифларни инсон бадий тафаккури ва илоҳий китобларнинг илк шакли сифатида тушунтирилганини бугун кўпчилик яхши эслайди. Бироқ ҳақиқатнинг ўлмаслиги шундаки, ақлий тараққиётнинг юксак чўққиларини эгаллаган ХХI одами ҳам бугун мифологик ҳикоялар асосида кодланган сирларни кашф этароқ ҳайрат бармоғини тишлашдан бошқа чора топа олмаяпти. Машҳур мифшунос Ж.Ж.Фрэзернинг “Катта Аҳдда фольклор” (Джеймс Джорж Фрэзер. Фольклор в Ветхом завете.-М., 1990) номли асарида қайд этилишича, жаҳон мифологиясида илоҳий китоблар ҳақиқатини баён этган, замонавий фан реаллигини исботлаган Нух (а.с.) тўфонига доир юзлаб ҳикоялар мавжуд. Шу далилнинг ўзи ҳам ўтган аср марксчи ва ленинчиларининг миф ҳақидаги ўринсиз даъволарини йўққа чиқаради.

“Шу тариқа, миф ва дин мотивлари таъсирида аввалига фольклор, кейинроқ эса ёзма адабиёт жанри сифатида шаклланган ҳикоя ўзининг профессионал ижодкорларига, хилма-хил мактабларига эга бўлди...”⁸.

Ҳар бир ҳикоя қайси замонни акс эттириши, қайси миллатга тааллуқли бўлишидан қатъий назар бутун башариятга хизмат қилса, у

⁸ Жўракулов У. “Уммон соғинчи”. Сўз боши. “ХХ аср жаҳон ҳикояси”. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 5-6-7-бетлар.

адабиётнинг ҳақиқий намунаси ҳисобланади. Бу йўлда жаҳон ҳикоячилигида ўз ўрнига эга бўлган адиблар талайгина. Биргина XX аср ҳикоячилигини олсак: *“...Сомерсет Моэм, Жек Лондон, Эрнест Хемингуэй, Уильям Фолкнер, Нодар Думбадзе, Рюноске Акутагава, Умар Сайфиддин, Михаил Шолохов, Николай Гумилёв, Херман Хессе ҳикоялари нафақат муайян давр ёҳуд миллат, балки умумбашарият мулки ҳисобланади. Айнан шундай асарларда юқорида қайд этилган поэтик кўлам, умумбашарий қамров, юксак ахлоққа доир муаммолар акс этади ва айнан шу каби асарлар ҳудудсиз макон ва замон кенгликларида XX аср жаҳон адабиёти қиёфасига муносиб чизги бўла олади. Айнан шу каби асарлар буюкликда соддаликни, ўтмишда келажакни, келажакда кечмишни, нафратда муҳаббатни, ўлимда ҳаётни, изтиробда лаззатни ифода этади...”*⁹.

Миллий адабиётимизда истиқлол даврига келиб аксарият ҳикояларда фикрлаётган одамлар бош қаҳрамонга айланди. Ҳеч кимга ўхшамаган, ноодатий, бетакрорлиги туфайли кўнгилсизликларга дучор бўлиб юрувчи, аммо шу билан бирга эл қатори кишилар образини Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Тоғай Мурод, Назар Эшонкул, Абдуқаюм Йўлдош, Зулфия Қуролбой қизи, Саломат Вафо кабилар ижодида яққол кузатиш мумкин.

XX аср бошидан то ҳозиргача яратилган ҳикояларни ўрганганимизда, сўнгги йиллардаги яратилганларида кўпроқ қаҳрамон руҳияти орқали унинг характери очиқ бериш кучайди. Шукур Холмирзаевда содда, самимий ўзбекни, Тоғай Муродда мардлик, орни, грузин адиби Нодар Думбадзе (“Хелладос” ҳикояси)да Вниция болаларининг, Чингиз Айтматовда қирғиз халқининг характери, Пушкинда аслзода рус табақа вакиллариининг менталитетини учратамиз. Назар Эшонкулда эса ўзбек характери ўзгача жилоларда кўрамыз.

⁹ Жўракулов У. “Уммон соғинчи”. Сўз боши. “XX аср жаҳон ҳикояси”. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 8-бет.

Кейинги йилларда яратилаётган бадий асарларда инсон ички дунёсини ёритишга интилиш кучайиб бораётганини сезиш мумкин. Китобхон ўрганиб қолган анъанавий ёзиш услубидан бошқача асарларга “**модернистик**” сифатининг берилиши ҳам бунинг ёрқин исботидир. Инсон дунёқарашининг шаклланиши жамият ва сиёсатнинг маҳсули эмас, балки улардан ҳам устун турувчи ўзгача бир олам эканини тан олиш анъанага айланиб бормокда.

Дастлаб бу ҳол Ғарб адабиётида юз берди. Ф.Кафка мисолида кўрадиган бўлсак: *“... унинг ижодини ўрганар эканмиз у яшаган давр ва мансуб оқим ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишимиз шарт. Қийин оилавий шароит, жамиятдаги парокандалик, маънавий таназзул — булар барчаси ёзувчининг бадий дунёсига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун Кафка асарларида қолиш хавотири биринчи даражали аҳамият касб этади. Кафка ижодини ўрганишда икки жиҳатга эътибор қаратиш зарур: булар ёзувчининг кундаликлари ва афоризмлари.*

*Кафка сўниб бораётган ишонч ва умидлар харобасидан чинакам эътиқод излайди. Ҳар қандай ёвузлик замирида эгоизм — манманлик туришини у ўз асарларида бадий тасвирлаб берди...”*¹⁰.

Адабиётшунос олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев Кафка ҳикоялари ҳақида, жумладан, “Эврилиш”даги кунларнинг бирида уйқудан ҳашаротга айланган ҳолда уйғонган Грегор Замза, унинг кейинги руҳий ҳолати ҳақида фикр юритар экан: *“... ҳашаротга эврилган йигит ўйлари, изтироблари, умидлари, илтижолари ва ниҳоят ўлими тасвирини тушунган ўқвчи ларзага тушади. Кафка одамни ҳеч ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳолатга солади-да, унинг асл моҳиятини кафтдагидай кўрсатади. Ҳатто айтиши мумкинки, ёзувчи қаҳрамонни эмас, ўз ҳолатини тасвирлаётгандай бўлади. Шунинг учун ҳам рўй бермаганлиги, ҳатто рўй бериши мумкин ҳам эмаслиги шундоққина кўриниб турган воқеалар*

¹⁰ Эшонкулов. Ж. Кафка ва биз. // “Ёшлик” журна. 2004 йил 2-сон. 8-бет.

тасвири кишини ўзига жалб қилади, ўйга толдиради, муносабат пайдо қилади...”¹¹, дейди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб бу ҳол миллий адабиётимизда ҳам кўзга ташлана бошлади. Жумладан: “...Инсоният тарихидаги инсон эрки билан бозлиқ ўзгаришлар даставвал санъат асарларида намоён бўлади. Истиқлол шарофати билан бошланган Янгиланишлар ўзбек бадиий адабиётида ҳам юз оча бошлади. Бу ҳолат айниқса ноанъанавий услубда, воқеликни янгича бадиий талқин этишида, шу билан бирга шаклий ўзгаришларда ҳам кўзга ташланади. ...Бу асарлар бадиий адабиётда янгича тафаккур юритиш, инсон фикрлаши билан характерланади..”¹².

Инсон руҳий оламига янгича қараб, ўзгача бадиий талқин этиш жараёнлари М.Муҳаммад Дўст, О.Отахонов, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Мурод ижодида анча илгари бошланди. Назар Эшонкул, Шодикул Ҳамро, Улуғбек Ҳамдам, Зулфия Қуролбой қизи, Саломат Вафо, Абдуқаюм Йўлдош каби ёш носирлар ижодида бу тамойил давом этди ва етакчи услубга айланди.

Тадқиқотимиз объекти бўлган Зулфия Қуролбой қизи асарларида бош қаҳрамон асосан аёл киши бўлади. Аёл табиатидан келиб чиқиб ижод қилади. Кўп ҳолларда, яшаган даври, муҳит ҳам айнан аёлларга хос тутум, тафаккурга бўйсунган бўлади. Зулфия Қуролбой қизи, шу билан бирга, ўз қарашини асарларига мажбурлаб сингдирмайди, ҳар бир қаҳрамон характерида муносиб тақдирни қўлга киритади. Адиба асарларидаги композицион (образ, характер, сюжет – кульминация, тугун, экспозиция) маҳорат ўқувчи эътиборини тортмай қўймайди. Бу маҳорат ҳар бир воқеа ва персонажга асарда фақат зарурий жойни бериш, баёнда эзмаликка йўл қўймаслик, сюжетнинг етарли суръатда ривожланишига ҳаракат қилишда намоён бўлади.

¹¹ Йўлдошев К. Ёниқ сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. 391-бет.

¹² Холдоров Д. Тавба-тазаррунинг бадиий талқини // ЎзМУ хабарлари, 2006 йил, 3 сон.

Истиқлол даври ўзбек адабиёти мукаммал бўлмаган инсон ва унинг амалга ошмаган орзу-умидлари, армонлари, камчиликларини қораламай тасвирлаш, инсон руҳиятини тадқиқ этиш билан шуғуллана бошлади. Инсон руҳиятини очишда эса пейзаж (фр. *paysage* – жой, юрт – адабий асарда яратилувчи бадиий воқеликнинг муҳим компоненти, воқеалар кечуви очик макон (ёпиқ макон интерьер) тасвири”¹³) муҳим роль ўйнайди.

Адабиётшуносликда пейзаж хусусида турли қарашлар мавжуд. Кўпчилигида, асосан, пейзаж табиат тасвири экани таъкидланади. Шунингдек, баъзи олимлар пейзажни сюжет элементи деб қараса, айрим гуруҳ олимлар эса композиция таркиби сифатида эътироф этишади. Баъзи қарашларда пейзажнинг таркибий қисми сифатида интерьер ҳам санаб кетилган.

Пейзаж қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифодалашда фон вазифасини бажариши, параллелизм ёки контрастга хизмат қилиши мумкин. Пейзаж бадиий асар композициясининг муҳим таркибий қисми сифатида жуда кўп функцияни бажаради. Бадиий асарда табиат тасвири пейзаж, деб аталади. Табиат тасвири сюжетнинг таркибий қисмларидан бўлиб, асарнинг ғоявий, эстетик қувватини оширади¹⁴. Кўпгина асарларда пейзаж ғоятда муҳим ғоявий композицион роль ўйнайди. Ёзувчи табиат лавҳаларини чизиш билан ўзининг табиатга муносабатини ифодалайди. Бу таърифлардан кўринадики, бу борадаги фикрлар турлича. Умуман олганда, пейзаж гоҳ сюжет содир бўлган фаслни билдиради, гоҳ қаҳрамонлар психологиясини очишда унинг ички зиддиятини кўрсатишда муҳим ўринга эга.

Истиқлол даври ўзбек ҳикоячилиги дастлаб йўлини излаётган, кимлигини англашга уринаётган, ҳаётдаги ўрнини топишга интилаётган, сўнгроқ ўзини тадқиқ этаётган, қўлга киритган ёки бой берган ҳар бир муваффақияти ортида касбий маҳорати, ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи эмас, инсоний сифатидан тортиб, ўй-хаёлларигача туришини

¹³ Қуронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Т.: “Академнашр”, 220-бет.

¹⁴ Иззат Султон. Адабиёт Назарияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1986. 188-бет.

англаган, ижтимоийлашувдан шахсийлашувга қараб кетаётган қаҳрамонни тасвирлай бошлади.

Собиқ шўро даврида ёзилган асарларнинг эса барчасини ҳам шундай таърифлаб бўлмайди. Бироқ шўро мафкураси қолипига сиғмай, бугунгача етиб келган ва ўқиладиган асарлар даврнинг эмас, ёзувчининг истеъдоди сабабли шўро мафкурасини четлаб ўтди. Бундай асарлар, агар насрни назарда тутсак, жудаям санокли. Умуман, азалий бадиий дид ва савияга, инсоннинг азалий оғриқлари ва армонларига, инсон кўнглига дахлдор асарлар, бундан минг йиллар олдин яратилган бўлса ҳам ўқиладиган. Чунки жаннатдан қувилгандан буён инсон қалби деярли бир хил оғриқ ва уқубатлар билан тўла. Бу уқубатларни жамлаб инсон ҳақидага изтироблар деб аташ мумкин. Биз шунинг учун ҳам “Шоҳ Эдип”ни ҳали ҳам ҳайрат билан, ҳаяжон билан ўқиймиз. Бундай уқубати бор асарлар эскирмайди. Шўро даврида чоп этилган асарларда инсондан кўра ўша давр мафкураси кучли эди. Ҳар бир қаҳрамон бирор муҳим ижтимоий вазифани бажариши, яшашдан мақсади шиор-чақириқнамо тусга эга бўлиши шарт эди. Образларни инсонга хос бўлган туйғулар, кечинмалар эмас, замонга, мафкурага хос қарашлар, идеологик қарашлар бошқарарди.

Умуман олганда, қайси замонда яратилганидан қатъий назар, бадиий савияси юқори бўлган асарларгина абадий яшаб қолади.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида мазкур фасл юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- *ҳикояда характер биргина эпизод орқали намоён бўлади;*
- *ҳикояда тасвирлаш мезони ҳудди ҳажм каби чегараланган бўлади;*
- *ҳикояда ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг турли-туман масалалари кўтарилса ҳам роман ва қиссалардагидек кенг кўламда тасвир этилмайди;*
- *истиқлол даври ҳикояларининг кўпчилигида фикрлаётган одамлар бош қаҳрамонга айланди;*

– ҳикоя жанрида замон тушунчаси муҳим бўлиб, XX аср бошидан то ҳозирги давргача қалам тебратган ва тебратаётган ёзувчиларда замон ва ҳикоя услуби тубдан фарқ қилади.

1.2. Зулфия Қуролбой қизи хикояларида инсон руҳияти тасвири

Ўзбек адабиёти учун тўқсонинчи йиллар жиддий ўзгаришлар даври бўлди. Бу хусусда гап очишдан мақсад шуки, ҳозирги адабиёт ҳақида гапириш учун айнан ўша давр адабиётига тўхталиш лозим. Чунки адабиётда рўй берган барча эстетик, бадиий, мазмун ва сифат ўзгаришлари ўша даврдан бошланган. 1991 йилда Ўзбекистонда тарихий воқеа – Мустақиллик юз берди. Бу халқимиз ҳаётининг барча соҳасига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Негаки, илгари яшагандай яшаб бўлмасди, янгича асосларда яшаш йўли ҳали топилмаганди. Бу ҳол иқтисодиётимиздан то адабиётгача акс-садо берди. Аввало, барча соҳаларимиз миллийлашди. Миллий иқтисодиёт, миллий адабиёт, миллий санъат каби тушунчалар ҳаётга кириб келди. Уларнинг мазмуни тубдан янгиланди. Дейлик, иқтисод илгари тўла давлат бошқарувида бўлган бўлса, энди мамлакат аҳолиси тасарруфига ўтди. Санъатнинг барча турлари халқлар дўстлигини тараннум этишга йўналтирилганди. Ҳозир эса, Аристотель таъбири билан айтганда: “Санъат – санъат учун” бўлиб қолди.

Азал азалдан асар бадиияти тасвир самимияти, жозибали тили, шоирнинг адабиётдаги, онгимиздаги, фольклордаги анъаналардан ўз усулида фойдаланиши билан белгилаб келинган. 80-йиллар охири 90-йиллар бошларига келиб ижодкорлар учга бўлиниб қолишди. Биринчи тоифага собиқ шўролар тузумини улуғлашга одатланган ижодкорлар кирарди. Улар ижтимоий сиёсий тузум ўзгаргач илҳомнинг ягона ва битмас-туганмас манбаидан айрилиб қолишди. Иккинчи тоифа мустабид тузумдан озор чекканлар. Бундайлар ҳар сафар ошиб ўтиши зарур бўлган тўсиқнинг емирилганлигидан шошиб қолишди. Учинчи тоифа эса юқоридаги иккаласидан фарқли ўлароқ, асарни изтиробли қалб маҳсули деб тушунган ижодкорлардан иборат. Ва мана шу тоифа ижодкорлар ўзбек

адабиёти ривожини янги йўлга буришга ҳаракат қилишди. Шу тарика истиқлол даври адабиёти вужудга келди.

Адабиётда рўй берган ҳеч бир ҳодиса ижтимоий илдиздан узилган эмас. Қаҳрамон кечинмалари баёнидангина иборат асар ҳам ижтимоий – унда жамиятда юз бераётган ҳодисалар туфайли қаҳрамонда уйғонган туйғулар тасвирланади. Шунингдек, қаҳрамон ҳам жамият аъзолари билан бевосита ёки билвосита мулоқотга киради. Ижодкор айна шу ташқи муҳит таъсирида пайдо бўлган ҳиссиётларни бадиий тасвирлаш воситасида ижтимоий онгга таъсир кўрсатади. Зотан, *“Адабиёт санъатлар санъатидир. Уни бошқа ҳеч қайси санъатга тенглаштириб бўлмайди. Бошқа санъатлар ихтисослашган, у – йўқ. Қолганлари бир таркибли, у эса синтетик. Адабиёт санъатларнинг ҳаммасини ўз ичига олади”*¹⁵. Бу кудрат фақат адабиётдагина инсон моҳияти, ўзлиги бор бўйича намоён бўла олиши туфайли туғилади. У мантиқ ва мантиқсизлик, ҳиссиёт ва мушоҳада, улуғворлик ва тубанлик, илоҳийлик ва соддалик уйғунлашиб кетган бадиий сўз орқали инсон руҳини англашга интилади. Адабиёт – борлик ва йўқлик. У инсонга оид барча нарсага бирдай боғлиқ, олам эса инсон учунгина яралган. Ҳар бир ҳодиса адабиётда юз беради, адабиётдан келиб чиқади, адабиётга қайтади.

Инсоният тарихида юз берган барча муҳим воқеалар, унутилмас ҳодисалар, кескин ўзгаришлар аввало ижодкор қалбида, сўнг сўзда ва ниҳоят, амалда намоён бўлади. Ижодкорда кўпчиликда бўлмаган энг кичик ўзгаришни ҳам олдиндан сезиш, унинг аҳамиятини теран англаш иқтидори борлигининг биологик ёки ижтимоий сабабини топиш мушкул. Чунки истеъдод – ижодкор онги, шууридан ташқарида мавжуд, унинг кундалик маъносидан узилган, ўзгача хислатлар касб этган сўзга дўниши илоҳий, бир қадар жунунваш жараён.

¹⁵ Анри Барбюс. Золя в 1932. В книге “Называть вещи своими именами”. – М., 1986, С. 76.

Ҳар қандай ўзгаришни, у қанчалар мантиқсиз, ғайриинсоний бўлмасин, суюмли қилишнинг энг ишончли ва синалган йўли уни адабиётга кўчиришдир. Шу сабабли ҳам ҳукумат тепасига келган ҳар қандай янги ҳукмрон синф, табақа, партия ёки гуруҳ ишни, аввало, адабиётни ўзига бўйсиндириш, ҳеч бўлмаганда, ўз манфаатларига мослашга уринишдан бошлайди.

Ташқи омил ва таъсирларнинг ижодкор асарларида қанчалар ва қай кирралари билан бўй кўрсатиши унинг шахсига боғлиқ. Адиб давр ҳодисалари пайдо қилган туйғуларни умуминсоний фалсафий қарашлар билан уйғун ҳолда асарига кўчира олса, унинг ижоди даврлар оша яшайверади. Кечинмалар давр доирасини ёриб чиқа олмаса, улар ҳам давр каби ўткинчи бўлади. Инсон учун кечинмалар муҳимроқ. Чунки уларни туғдирган сабаблар ҳам, натижа ҳам тезликда эсдан чиқади, ўша пайтда туйилган бетакрор туйғу эса бир умрга қолади. Инсон кечинмалари унинг кимлиги, яшаган даври, миллатию эътиқодидан қатъи назар, ўзгармас бўлади. Ахир қувонч ва қайғу, кўрқув ва ҳаяжон, муҳаббат ва нафрат, бурч ва масъулият туйғулари инсон пайдо бўлганидан то ҳозирга қадар ўзгармаган, ўзининг ибтидоий шаклида. Фақат уларнинг келиб чиқиш манбалари ва намоён бўлиш шакллари ҳар сафар турличадир.

Ҳар ким дунёни аслидай эмас, кўрганидай, ҳис қилганидай, тасаввур этганидай қабул қилади. Оламнинг аслида қандайлиги фақат Яратувчисига маълум. Шу боис ҳам адабиётда мутлақ дунё ўзи ўткинчи бўлган инсон туйғуларидан келиб чиққан ҳолда нисбий тарзда тасвирланади.

Адабиёт қолипларга бўйсунмаса-да, маълум ички қонуниятлар доирасида мавжуд бўлади. Чунки ҳар қандай қурилма таяниши лозим бўлган устунни талаб этади.

Деярли ҳамма адабиёт тўрт таркибий қисмдан иборат бўлади: **образлар, мазмун, мавзу (мақсад)** ёки ахборот, фикр ҳамда **услуб**. Яхши ёзувчи шу тўрт унсурни тартиб билан жамлаган ҳолда ижод қилади.

Ёзувчи ўз асарида биринчи унсур бўлмиш образларга бирор фаолият ва фикрни сингдира билиши, драма ва новеллалар, биография ва автобиографияларнинг бош марказида образларнинг қизиқишлари ётади. Ҳатто шеър ҳам образларга тааллуқли бўлади, яъни шоир шеърнинг асосий образидир.

Бадиий ижодда образлардан сўнг мотивация туради. Мотивация образлар фаолиятини асослаш, далиллаш демакдир. Ёзувчи образларни шундай тасвирлаши лозимки, ўқувчи уларнинг ҳатти-ҳаракатлари тушунарли ва мантиқан тўғри эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилиши керак.

Образлар маълум асосда маълум маконда ҳаракатланишади. Макон жуда нисбий тушунча. У реал ҳаётдан бутунлай узилган, фақат образ мантиғи талаб қилган ўлчамда мавжуд бўлиши мумкин. Бадиий персонажлар ўзларини ўқийдиган одамлар каби коинотда эмас, балки шу дунёда яшади. Улар доим ҳаракатда ва яшаб турган дунёлари – макони олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қилишади. Макон воқеаларнинг пайдо бўлиш нуқтаси, инсон ҳаётини кўрсатишнинг бошқача йўлидир. Агар Ҳулкар Тошкентда эмас, Навоийда, Даврон эса Марғилонда яшаганида, теварак-атрофга муносабатлари нуқтаи назаридан улар бутунлай ўзгача одамлар бўлишади.

Бадиий асарнинг яна бир таркибий қисми сюжет ҳисобланиб, у асардаги образлар билан рўй берган воқеалар ҳақида маълумот беради. Сюжет муайян вақт мобайнида содир бўлган воқеалардан ташкил топади. Воқеаларни ҳикоя қилиш, очиб беришнинг шаклланган тартиб-қоидаси йўқ.

Асар моҳиятини ташкил этадиган қаҳрамонлар орасидаги ўзаро алоқа-муносабатлар тизимига сюжет дейилади. Сюжет бир қанча таркибий қисмлардан иборат. Булар экспозиция, тугун, воқеалар ривож, кульминация ва ечимдир. Воқеалар кечган жой, даврнинг ижтимоий манзараси, образ ўсган муҳит, шарт-шароитлар тасвири экспозициядир.

Сюжетдаги воқеаларнинг бирор тугундан кейинги ривожланиш жараёни воқеалар ривожидеяи. Кульминация мазкур воқеалар жараёнининг авж пардаси, юқори чўққисидир. Ечим ҳикоя бошида қўйилган тугуннинг ҳал бўлиши, воқеа хотимаси ҳисобланади. Ижодкор танлаган реал воқеалар, у ёритган муаммолар умумлашмаси бадиий асар мавзусидир.

Бадиий асарга асос қилиб олинган фикр ва мақсад унинг мавзуси бўлади. Мавзу образ ва сюжет орасидаги алоқани ривожлантиради. Мавзу китобхонни огоҳлантириб, яхшироқ яшашга йўналтириши мумкин.

Жиддий ёзувчилар асарларида ҳаётини ҳаяжон акс этган иборалар ишлатиш тарафдоридир. Яхши ҳикоя китобхонни автор билан ҳамфикр қилиб, ўқувчини унинг ҳулосасига олиб келади.

Услуб – ёзувчининг сўз ва жумлалардан ижодкорона фойдаланиш йўли. Кенгроқ олиб қаралганда эса ёзувчининг қайси сўзга қайси сўз мос келиши, қайси бобдан кейин қайсиси бўлиши лозимлигини интуитив тарзда белгилашидир. Ва айнан шу жиҳат бир ёзувчининг асарини иккинчисидан ажратиб туради. Китобхон илк сўзларданок “Бу фалончининг асари” дея оладиган тарзда асар битиш эса ижодкорнинг қанчалар қалами чийралгани, услуби бетакрор ва самимийлигини билдиради.

Зулфия Қуролбой қизи асарларида муаллиф дастхати дарҳол кўзга ташланиб туради. Ҳоҳ у ҳикоя, ҳоҳ роман бўлсин, қўлланган сўзлар, қаҳрамонларга берилган чизги, воқеалар интиҳоси дарҳол муаллифни ошкор этади.

Зотан адибага оламни кўрганидай, бирор ёрқин бўёқлару силлиқлашларсиз тасвирлаш хос. Унинг асарлари китобхон кўниккани, истаб кутгани сингари яхшилик билан тугамайди. Ижод намуналарининг деярли 80 фоизидея бош қаҳрамон ноҳуш вазиятга тушиб, ўша вазият қурбонига айланади. Масалан, “**Машаққатлар гирдобидея**” романида бугунги кунимизда пайдо бўлаётган асосий унсурлар бўртиб кўзга ташланади. Яъни ҳамма ўз тирикчилиги билан овора, ҳамма пул топиш

илинжида, биров билан бировнинг иши йўқ. Асар бошдан-оёқ енгил ва саргузаштнамо руҳда ёзилгани, ҳикоячининг ўзи ва бошқа қаҳрамонларга аяб муносабатда бўлгани ҳолда асар тўлалигича инсон фожеасини ёритади.

Зулфия Қуролбой қизи қаҳрамонлар характери яратиш ва психологик ҳолатини очишни тўла ҳикоячи ихтиёрига ташлайди. Ўзи воқеалар ривожига аралашмай, бадиий мантикка зуғум қилмай, борни борича тасвирлайди. Бунда у асосий эътиборни ҳикоячи нутқи қаҳрамонлар руҳий ҳолатини қанчалар ифодалай олаётганига қаратади. Портретлар яралиши ва уларда руҳий ҳолат намоишида ёзувчи реал тасвирдан, ҳаққоний бўёқлардан фойдаланган:

“Икки кундан кейин баракда яна бир киши пайдо бўлди. Бу Камолиддин эди. Икки қўли, икки оёғи йўқ, махсус аравадада ўтирган ёшгина йигит... гуладан фарқи йўқ эди. Тилли-жағли гўла...

.... Гапираётган “гўла”га қараш оғир эди”¹⁶.

Бундай ифода усули ижодкорга ўз фикр-туйғуларини ўзи туйган тарзда бошқаларга етказиш, уларда ҳам худди шу ҳисларни яратиш имконини беради. Бу асл адабиётнинг вазифасидир. Ёзувчи фикрларни бир-бирига аңлатиш қуроли, шу билан бирга фикрни туғдириш ва уюштириш воситаси ҳам бўлмиш тилдан жуда унумли фойдаланади. Айнан тил, қўлланган сўзлар ва уларнинг ишлатилиш тартиби туфайли Зулфия Қуролбой қизи асарлари қаҳрамонларига ўқувчилар ёзувчи каби муносабатда бўлишига эриша олган. Китобхон худди муаллиф каби баъзан Насибага ачиниб қараса, баъзида энсаси қотади, Донишдан нафратланса-да, унга ичи ҳам ачийди, ҳаёти барбод бўлган қизга, бевақт нобуд бўлган Ҳусанга эса астойдил қайғуради.

Маълумки, ёзувчи фикрини ифодалаш учун танлаган йўл унинг услуби ҳисобланади. Масалан, ошни биров қўлда ейди, биров қошиқда, биров иссиқ, биров совуқ ва ҳ.к. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Зулфия

¹⁶ З.Қуролбой қизи. Машаққатлар гирдобини. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010, 110-111-бетлар.

Қуролбой қизи услубида шафқатсизлик аралаш ўта ҳаққоний тасвир етакчилик қилади. Албатта, адибнинг барча ижод намуналари “Аёл” ва “Тафаккур” каби тўла, бошдан-оёқ шу йўсинда битилган эмас. Аммо уларнинг барчасида, ҳеч бўлмаганда битта қаҳрамон ёки бирор лавҳа реал ҳаётнинг ўзи каби шафқатсиз тусга эга.

Фикримизни “**Машаққатлар гирдоб**и” романидан олиган қуйидаги парча билан далилласак:

“Мен уни пайқамагандек индамадим, шунда у шу қадар қизариб-бўзариб, ғазабдан қалтираб кетдики, иложи бўлса, даст кўтариб улоқтириб юборса ёки ерга юмалатиб коптокдек обдон тепкиласа, топтаса, кейин товонлари билан хумордан чиққунча эзгилаб, абжагимни чиқариб йўқ қилиб таишласа!”¹⁷

Келтирилган парча 37 та сўздан иборат бўлса-да, ўқувчи уни ортиқча зўриқишу тин олишларсиз осон ва шиддат ўқиб чиқади. Умуман, бундай узун бўлса-да, шиддатини, темпини сақлаб қолган жумлалар З.Қуролбой қизи ижодига хосдир. “О, ҳаёт”, “Момо Ҳаво”, “Тафаккур”, “Ўлим ҳеч нарса эмас”, “Аёл қиёфасидаги ажал”, “Ҳилола” каби ҳикояларининг барчасида шундай жумлалар учрайди:

“Мен умрим бино бўлиб қилмагаан ишларимни баракдаги ҳаётим давомида жуда осонлик билан ўзлаштирган, яъни бир вақтлар тамаки тутунига кўнгли айнийдиган одам гирт кашандага, ароқни кўрса, кўчанинг нариги томонига ўтиб кетадиган банда, спиртни сув қўшмасдан ичадиган пиёнистага, бировга озор беришдан чўчиб юрадиган ўта камсуқум банда сал гапга пов этиб ёниб кетадиган муштумзўрга айланган бўлсам-да, ҳали-ҳанузгача бегона аёлга мулозамат қилишни, гап билан кўнглини овлаб ўтиришни ўргана олмаган нодон эдим”.

Юқоридаги парча ҳам 68 сўздан иборат бўлса-да, бир зарб билан узилишсиз ўқиб чиқилади, китобхонга мушкулот туғдирмайди. Ёзувчи

¹⁷ З.Қуролбой қизи. Машаққатлар гирдоб. –Т.: Ф. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010, 124-бет.

бунга аниқловчилардан унумли фойдаланиш, тафталогияга йўл қўймаслик, уюшиқ бўлакли гапларни маҳорат билан териб чиқиш воситасида эришган.

Ижодкор қаҳрамон портретини киши кўз шундай гавдалантириб қўйишга уста. Бунда у қаҳрамон табиатини очиб берадиган сўзларни жуда топиб ва ўрнида ишлатади:

“Қамолиддин ҳайрат билан юзимга тикилди:

– Наҳотки? Наҳотки мен янглишган бўлсам? Мен-а?!”¹⁸

Зулфия Қуролбой қизи асарлари бош қаҳрамонлари маънавий соҳага яқинроқ, баъзан ижодкор бўлишади. **“Армон асираси”** романидаги Хулкар Армон ижодкор билан ҳамкасб. Истеъдодли кишиларга хос тарзда у ҳиссиётларга берилувчан, айтиш мумкинки, ҳиссиётлар етовида яшайдиган одам бўлиши, атрофдагилар фикри, тирикчилик, нон топиш ташвишлари, умуман, бутун олам билан иши бўлмаслиги, ўз кўнгли билангина ҳисоблашиши лозимдай. Аммо бош қаҳрамон ижодкор бўлишбилан бирга аёл, ОНА ҳамдир. Унинг зиммасида рўзғорни бутлаш, фарзандларни ҳеч кимдан кам қилмай катта қилиш, жамиятнинг соғлом, тўлақонли аъзосига айлантиришдай масъулият ётибди. Шу боис у ўзлигига қарши бориб, менини синдириб яшайди. Бозорчада савдо қилади, пул учун газетага енгил-елпи, воқеалар баёнидангина иборат асарлар ёзади. Ўзини тобора йўқотаётганини англаса-да, фарзандлар олдидаги бурч уни ҳаракатлантираверади.

3.Қуролбой қизи сўз тагига сўз қўйиб, тағмаъно бекитиб ёзадики, бу ўқувчини изланишга, ҳеч бир ифодани бефарқ ўтказиб юбормасликка, асарни синчиклаб, ҳеч нарсани кўздан қочирмай ўқишга мажбур қилади, унинг бадиий савиясини ўстиради. Айнан шундай ифода усули туфайли китобхон **“Машаққатлар гирдоби”** романида ҳикоячию унинг ҳамхонаси пойтахт меҳмони, не бир илинж, орзу етовида қачонлардир Тошкентга келиб қолган олис вилоятликлар эканлигини дарҳол фаҳмлайди. Бу ҳикоячи ўз нутқида қўллаган **“қовзонгандай”, “ошна”, “сахройи”,**

¹⁸ 3.Қуролбой қизи. Машаққатлар гирдоби. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010, 111-бет.

“**жигит**”, “**истанса**” каби шевага хос сўзлардан англашилади. Ёзувчи тадқиқотимиз объекти бўлган асарларининг деярли барчасида шу усулдан унумли фойдаланган. Ҳеч кимга ҳеч қандай таъриф бермай, барча қаҳрамонларни ифода замирида яширин тағмаёно ёрдамида китобхон кўз ўнгида гавдалантира олган. Тўғри, “**Машаққатлар гирдоб**” романида Ҳаким Назарич, Дамир Пўлатович, Ксения, Гулруҳнинг ташқи кўринишлари, айниқса, рус аёллариники алоҳида аҳамият билан, таърифланган. Лекин адиба мазкур портретларни қаҳрамонларнинг ички дунёси, тутумлари мантиғини очишга ёрдам берувчи очкич тарзида келтирган. 3.Қуролбой қизи қаҳрамон ҳаётининг мураккабликлари, ташвишлари, чиқиб кетиш мумкин бўлмаган вазиятларга тушиб яшашини китобхоннинг раҳмини келтириш, йиғлатиш учун ёзмайди. Адиба тирик одамни яхши ва ёмон, кучли ва ожиз, эзгу ва жирканч қирралари билан кўрсатади. Унинг асарларида қаҳрамон ҳамиша ҳаракатда, ўзгаришда бўлади. Умуман, **изтироблар гирдоб**даги **инсон шахсияти динамикасини кўрсатиш** 3.Қуролбой қизи ижодига хос асосий хусусиятлардан биридир.

Бу жиҳатдан “**Машаққатлар гирдоб**” ва “**Армон асираси**” романлари айниқса диққатга сазовор. Даврон ҳам, Сафар ҳам, Ҳулкар Армону Дониш, Насибалар ҳам жуда кўп жиҳатлари билан пойтахтга бахт излаб келадиган барча ёшларга ўхшайди. Романтика, орзу, интилиш, алданиш, чарчоқ, афсус, армон – барча-барчаси атрофимизда ҳар куни минглаб одамлар қалбини банд этаётган таниш туйғулардир. Шунинг учун ҳам ўқувчи қаҳрамонларни ўзига яқин кўради, муаммоларини чиндан тушуниб етади, у билан бирга ечим излайди, тополмаса, қийналади. Донишдаги телбанамо иштиёқ, Насибадаги улкан бардош, Ҳулкар Армоннинг ўзлигидан узоқлашишга бўлган беҳуда уринишлари, Давроннинг ҳаётда ҳаммаси ҳч бир ҳаракатсиз ўз изига тушиб кетишига бўлган асоссиз ишонч – буларнинг барчаси атрофдаги шундай кишиларга

муносабатнинг ўзгаришига, уларни бирмунча аяб, англаб бошлашга олиб келади.

“**Машаккатлар гирдоб**”нинг қаҳрамони жуда катта муҳаббатга ноил бўлган ва шу боис ҳам уни йўқотиб қўйиш хавфидан ўта изтироб чекаётган, ҳатто бутун ҳаёти издан чиқиб кетар даражада кайғураётган бахтсиз ошиқ. Бу табиий. Чунки фақат чин туйғуларгина эгасини чиндан безовта қилиб, азоблайди: “*Охирги ўйдан эсхонам чиқай деди. Ахир....мен энди ҳаётимни Гулруҳсиз тасаввур тасаввур қилмай қўйгандим...*

Бирдан беҳад таранглашган асаб толаларим тарс ёрилиб, тубсиз жаҳаннам қаърига қулагандай ҳис этдим ўзимни. Қўрқув ва хавотир – мана шулар мени қулатди. Дунёда миллионлаб кўз кўриб ишонмайдиган мўъжизалар яратилган-у, нима учун ўлимнинг чораси топилмаган?”¹⁹

Муаллифнинг ўзига хослиги ҳикоядаги персонажлар номини танлашдаёқ кўринади. Масалан, “**Аёл**” ҳикоясидаги Нафиса, “**Ҳилола**”даги Ҳилола каби персонажлар исми жисмига монандлиги билан эсда қолади. Бундан ташқари ҳикояларда қаҳрамон руҳий ҳолатига мос тимсоллар топилганлиги аниқ сезилади. Чунончи, “**Аёл қиёфасидаги ажал**” ҳикоясидаги “оппоқ нур” қабилидаги сифатлаши қаҳрамоннинг ўлими муқаррарлигига бир ишорадек туюлади. Чунки муаллиф уни прологдаёқ оққа, яъни кафанга ўраган эди. Энг муҳими, бу ҳикояда муаллиф янги мавзу ва ўзига хос характери гавдалантирган. Ҳикоя бош қаҳрамони мулла Ашур бўлиб, у фарзандсизлик азобини бошдан кечиради. Шу билан у аёл макрига учади ва ўзини-ўзи бадном қилади. Мулла Ашурнинг ҳаракатларидан мулла мулла эмас, ўз дардини даволай олган чин мулладир, деган хулоса чиқади. Мазкур ҳикоя инсон ким бўлишидан қатъий назар унда яхши ва ёмон хусусиятлар жамланиши лозимлигини тушунилишига ёрдам беради.

Зулфия Қуролбой қизининг “**Ҳилола**” ҳикояси ҳам аёл тақдири билан боғлиқдир. Бу ҳикоя ҳар бир китобхонда ўзгача таассурот

¹⁹ З.Қуролбой қизи. Машаккатлар гирдоб. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010, 174-бет.

колдиради. Унда Ҳилола исмли қизнинг аламли тақдири, фожиаси ҳикоя қилинади. Ҳикоя шундай бошланади: *“Уч кунлик ҳилолни кўрганмисиз? Нозиккина, рангпар, хира ёғду сочиб турувчи уч кунлик ҳилол...*

Бир қарасангиз ёрқин, яна бир қарасангиз заррин нурлари борлиқни ёритишга кучи етмаётгандек беҳол... Унга тикилаётганингизда кимдир ёдингизга тушмайдими? Йўқми? Мен эса...

*Мен эса ҳар доим ой янгиланганида қорамтир осмоннинг бир четида ийманибгина турган ҳилолни кўришим билан Ҳилолани ёдга оламан”*²⁰.

Ҳикояда Ҳилоланинг дугонаси тилидан айтилган ушбу сўзларда қизнинг энди чиққан ой каби нозик шу билан бирга ойнинг кучи қоронғу осмонни ёритишга етмаганидек, у ҳам жисмонан заифлиги туфайли бу дунё ташвишларини кўтара олмай ҳаётдан эрта кетганлигига ишора қилинади. Шунингдек, Ҳилола – форсча сўз бўлиб, маъноси ой деганидир. Ҳикоя номланишидаги рамзийлик ҳам шундан. Демак, ёзувчи ҳикоя номи ва унинг мазмунини уйғунлаштиргани эришган.

Ёзувчи қизга шундай таъриф беради: *“Ҳилола ҳилол мисоли нозик, рангпар юпқа лаблари қонсиз... Куюқ киприкли шаҳло кўзлари гоҳ маъсум, гоҳ қайғули, баъзи-баъзида кайфияти аъло вақтларида шўхлик-мўғомбирлик билан боқади. Сочини ҳар доим силлиқ тараб, турмаклаб юради ва бу унга жуда ярашарди. Китобларда тасвирланган ойимқизларга ўхшаб кетарди”*²¹. Шу ўринда адибанинг портрет яратиш маҳоратини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Унинг сўзларни ўз ўрнида, маҳорат билан қўллаши Ҳилола образини кўз олдингизда яққол намоён этади. Хамма қизлар турмуш қуришни, оилали, фарзандли бўлишни истайди. Чунки ҳеч ким ёлғиз қолишни хоҳламайди. Ҳилола ҳам ана шундай қизлардан бири. Унинг кўнглида орзулари лиммо-лим. У ҳам бошқа қизлар каби келин бўлишни орзу қилади. Лекин бу орзуси унга қимматга тушади.

²⁰ Зулфия Куролбой қизи. Ёвузлик фариштаси. – Т., 2005, 65-бет.

²¹ Зулфия Куролбой қизи. Ёвузлик фариштаси. – Т., 2005, 65-бет.

“**Ҳилола**” ҳикоясини ўқиган китобхон кўнглида бош қаҳрамон тақдирига нисбатан алам ва ачиниш ҳисси пайдо бўлади. Ҳилола ҳаётда ҳеч кимдан кам бўлмаган даражада ўқимишли, меҳнаткаш, шу билан бирга ўз севимли касбига эга бўлишига қарамай, бошқа қизлар каби тўқис бахтни орзу қила олмайди. Бунга сабабчи ҳикоя бошида Ҳилоланинг ота-онаси бўлиб кўринади. Аслида бунга биргина сабаб, Ҳилола жисмонан заифлиги, яъни, унинг гемофилия касаллиги эди. Ҳилола шундай яратилган эди. У ҳатто бошқалар ачиниб қарайдиган Шомаҳмуд аканинг хотинига ҳам ҳавас қилиши, шунингдек, “қорасон” касаллиги туфайли аёли вафот этган, ёши олтмишдан ошган Сафар акага турмушга чиқиш истаги борлигини дугонасига айтиши ҳикоядаги қаҳрамон бахтсизлигини кўрсатиб берувчи таъсирли ўринлар ҳисобланади. Ҳилола турмуши давомида қанча қийинчиликларни бошидан ўтказиб, энди ўзига муносиб бахт топганда ҳаётдан кўз юмиши асарнинг аламли хотимаси ҳисобланади. Туғма хасталик туфайли Ҳилоланинг турмушга чиқа олмаслиги маълум бўлади. Бундай ҳолатда у ҳалок бўлиши мумкинлигини яхши биларди. Лекин шундай бўлишига қарамай ўз жонини орзулари йўлида қурбон қилади, ўлимига тик боради, Ҳилола гарчи тўйдан кейин яшаган бўлса-да, унинг орзуси ушалгани, ҳамма қатори бахтга эришганини ёзувчи ҳикоя контекстида бериб ўтади.

Бу ҳикоя орқали Зулфия Қуролбой қизи оила муқаддаслиги, ўзбек аёлининг орзуси, бировнинг севикли ёри, фарзандларнинг онаси бўлиш нақадар бахт эканлигини кўрсатишга муваффақ бўлган.

“**Ҳилола**” ҳикояси таъсирчан чиқиши учун муаллиф бир қатор тасвирий воситалардан фойдаланган. Бунга иқрор бўлмоқ учун қуйидаги парчани эслаш kifоя: *“Дўстим, нарҳинг баладлигида бирортасини ушлаб қолсанг-чи. Вақтинг ўтгандан кейин нарҳинг ҳам ўз-ўзидан тушиб кетади. Биласанми, йигитлар қизлар ҳақида нима дейишларини? Йўқми? Унда эшитиб ол: 18-19 ёшларни “упаковка”даги, 20-21 ёшларни “прилавка”*

даги, ундан нариёғини “утилний” дейишар экан. Бизга ўхшаб “утилний” бўлиб қолмасингдан ҳаракатингни қил”²².

Ушбу парчадаги “упаковка”, “прилавка”, “утилний” сўзлари рус тилидан кириб келган бўлиб, муаллиф воситасида йигитларнинг қизларга берадиган баҳосини ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

Кўрамизки, Зулфия Қуролбой қизи Ҳилола тимсолини яратар экан, аёллар дунёсининг кўпчиликлари. хусусан, эркакларга яхши маълум бўлмаган томонларини чиқаришга ҳаракат қилган. Ёзувчи ҳикояларидаги бундай тамойил адибанинг улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой томонидан адабиёт олдига қўйилган буюк вазифани бажариш йўлидан бораётганлигини кўрсатади. Л.Н.Толстой: “*Бадиий адабиётнинг вазифаси инсон қалби тўғрисидаги ҳақиқатни ифодалашдан иборатдир*”, – деган эди. Гўё шу сўзларга амал қилгандек, Зулфия Қуролбой қизи инсониятнинг бир қисми бўлмиш аёллар тўғрисидаги ҳақиқатни юзага чиқаришга интилади. Унинг ўзи аёл бўлгани учун ёзувчи аёл дунёсининг сир-синоатлар, нозик товланишлари ва бошқаларга номаълумроқ томонлари анча таниш ҳамда яқин ҳисобланади. Қайсидир жиҳати билан бир-бирига яқин кишиларнинг ўзларига хос руҳий дунёларини ёки акс эттиришлари амалиётда қайта-қайта исботланган ҳақиқатдир. Бунга иқдор бўлиш учун жуда қизиқ мисоллардан бири сифатида XX асрда Россияда яшаб ўтган кўзи ожиз ёзувчи Ф.И.Шоевга кўзи соғлом одамларнинг портретини, ташқи қиёфаларидаги ўзгаришларни яхши тасвирлай олмаётгани ҳақида шикоят қилган экан. Ўшанда Ф.И.Шоев: “*Сен кўзи ожизлар ҳақида ёзавер. Кўзи соғлом одамлар ўзлари ҳақида сендан яхшироқ ёзиб оладилар*”.

Қайсидир жиҳатга, хусусан, жинсий томондан ўзаро яқин кишиларнинг бир-бирларини ҳаётини ва ички оламини яхшироқ билиши тўғрисидаги фикрини шоира Гулчехра Жўраева ҳам: “*Келин бўлган билар келин аҳволини, ёр-ёр*”, – деб ифодалаган экан. Шундай қарашларнинг ҳаққонийлигига иқдор бўлган Зулфия Қуролбой қизи ҳозирга қадар

²² Зулфия Қуролбой қизи. Ёвузлик фариштаси. – Т., 2005, 69-бет.

Ўзининг бор истеъдодини ва маҳоратини аёл қалби тўғрисидаги ҳақиқатни рўёбга чиқаришга сарфламоқда. Шунинг оқибатида Зулфия Қуролбой қизи насрининг энг асосий хусусиятларидан бири аёл қалби тўғрисидаги ҳақиқатни ифодалашдан, унинг ҳаётий характери гавдалантиришдан иборат бўлиб қолмоқда.

Зулфия Қуролбой қизи ижодини кузатар эканмиз, унда адибанинг, асосан, оддий, ночор, ҳаёт зарбалари ва қийинчиликлари олдида иложсиз қолган аёллар образини яратишга уринаётганига гувоҳ бўламиз. У кўпроқ аёллар дунёси, руҳияти, орзу ва қувончлари, изтиробларини маҳорат билан тасвирлайди. Чунки ёзувчи буни аёл сифатида жуда яхши билади.

Адибанинг “Қуёш мен томонда “ҳикояси ўқувчини аламли ўйлар гирдобига тортади. Унда тақдирнинг шафқатсизлиги, адолатсизлигидан азтироб чеккан аёлнинг руҳий ҳолатлари алам-изтироб билан қаламга олинади. Ҳикоядаги Гўзал образи, тақдири кишини бефарқ қолдирмайди. Гўзал ва Тоҳирнинг икки фарзанди бор. Улар турмуш ташвиши ва қувончларини бирга баҳам кўришади. Лекин иқтисодий қийинчиликлар уларни кўп қийнайди. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам бирин жойда ишламайди. Биргина Тоҳирнинг устачиликдан топганлари рўзғорни зўрға тебратишга етади, холос. Баъзан болаларнинг оч қолиши ёки бўлмаса Гўзал тайёрлаган ва ўзи “*шарманда шўрва*” деб атаган пиёз шўрвага нон бўктириб еяётган болаларнинг ҳолатидан она қанчалик эзилаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Гўзал ўзи пул топишни эрининг ёнига киришни, рўзғорга ҳисса қўшишни хоҳлайди. Шу сабабдан у бекатга чиқиб писта сотмоқчи бўлади, лекин у ернинг ҳам ўз эгалари бор экан:

“Бекатга келиб, энди халтасининг бўғзини ечган ҳам эдики, тепасида тўладан келган, қалпоқли аёл пайдо бўлди.

– Бу ер менинг жойим. Иди, другой место иши!

Бундай вазиятни кутмаган Гўзал довдираб қолди.

– Ахир одам гавжум жойда савдо қилмасам, қаерга бораман?

– *Эта мне не касается! Бор йўқол дедим сенга! Кўзингни уриб чиқармасимдан йўқол*²³, – дея унга бу ердан “туёғини шиқиллатишини” буюради. Кейин Гўзал мастава қилиб, бозорга олиб чиқади. Лекин бу ҳам натижа бермайди.

Тоҳирнинг баъзан уйга келмаслиги, кеч қолганлишлари, турли хил баҳоналарни тўқишлари Гўзални ҳавотирга солади: Ҳаммасига чидаса бўларди. Аммо эрининг уйга келмай қолиши Гўзалга бошқача таъсир қиларди. Ҳарчанд ўзини босишга ҳаракат қилмасин, эри эртаси кун эрталаб ёки кечга яқин (шундай вақтларда у уйига уч-тўрт кун эртароқ қайтадиган бўларди) эшикдан кириб келганида уйни нахс босиб кетаётгандек туюларди Гўзалга. Бир марта у эрига бу ҳақда гапирган ҳам эди.

“Шунда Тоҳир:

*– Мен ишляпман, хотин. Ишляпман. Ҳар кун ишга кеч бориб, ерта қайтиб, сенинг олдингда ўтиргандан нима фойда? Балки мен ҳаммоллик қилаётгандирман? Балки арава судраб юргандирман!”*²⁴.

Шундай жанжаллардан биридан кейин Гўзал аразлаб уйидан чиқиб кетади ва подездда тонг оттиради. У “эрим мени бироздан сўнг, жаҳлидан тушгач уйга олиб киради”, – деб ўйлайди. Лекин Гўзал ўйлаганчалик бўлмайди. Тонг отгач ғурури баланд келиб, онасининг уйига боради. Онаси уни эриникига олиб борганида, Тоҳир уларни ичкарига киритмайди, болаларини ҳам кўрсатмайди. У Гўзални ҳақорат қилиб, хиёнатда айблайди. Аслида Тоҳирнинг ўзи Гўзалга хиёнат қилган, бошқа аёлга “илакишган” эди. Гўзалнинг аразлаб кетиши унга айни муддао бўлади. Гўзал фарзандларини ўзи билан қолишини хоҳлайди. Суд уларга олти ой муддат беради, бу пайтда Тоҳир уйига бошқа аёлни, яъни тўрт йил аввал никоҳлаб олган хотинини олиб келади, Гўзал болалари бошқа аёл билан

²³ Зулфия Куролбой қизи. Ёвузлик фариштаси. – Т., 2005, 43-бет.

²⁴ Зулфия Куролбой қизи. Ёвузлик фариштаси. – Т., 2005, 45-бет.

яшабини тасаввур ҳам қила олмайди. У аёл ҳам Гўзални уйга киритмайди, фарзандларини ҳам кўрсатмайди.

“Эшик зарб билан очилди.

Остонада... Остонада ўзга бир аёл турарди! Гўзал оғиз жуфтлагунга қадар аёл чаққонлик қилди.

– Болаларингиз сизни кўришни исташмайди. Отаси уларни паркка олиб кетди...

– Сиз... Сиз кимсиз? – Гўзалнинг қуруқшаган лабларидан шу сўзлари учди.

– Тоҳирбекнинг хотини!

– Ахир менман-ку унинг хотини!

Гўзалнинг кўзлари дахшатли равишда чақнаб кетди.

– Хотин дегани уйда ўтиради.

– Ха деганда кўчага қочиб чиқмайди.

– Юзимга солмаган бир сен қолувдинг...

– Тўрт йилдан буён эр-хотинмиз.

– Никоҳ ўқитганмиз, иккита боламиз бор.

– Тўрт йил!...

– Ха, Тоҳирбек сизга айтишига қийналиб юрганди.

– Пайтдан фойдаланиб қолибсизлар-да.

– Тайёр уй-жой...

– Менинг ўз уйим бор. Менга фақат эр керак, – деди аёл зарда билан ва тарақлатиб эшикни ёпиб қўйди”²⁵. (55-56-бетлар).

Эрининг хиёлати, адолатсизликлари оқибатида Гўзал руҳий касалликка чалинади.

Ушбу ҳикояни аёл руҳиятининг гўзал бадиий талқини дейиш мумкин. Ёзувчи мазкур ҳикояда хиёнат натижасида фарзандларидан айрилган онанинг психологиясини ёрқин очиб берган.

²⁵ Зулфия Қуролбой қизи. Ёвузлик фариштаси. – Т., 2005, 55-56-бетлар.

Зулфия Қуролбой кизи ижодида “Аёл” ҳикояси алоҳида ўрин эгаллайди. Юқоридаги ҳикоялардаги сингари унда ҳам адиба аёл руҳияти, ўзига хос томонларини қаламга олади. “Аёл” ҳикояси қаҳрамони Нафиса оилали, фарзандларнинг онаси. Лекин ноҳақ ишдан бўшатишга эри ва болаларининг аҳволи уни ишлашга мажбур қилади. У гарчи олий маълумот эгаси, ўқитувчи бўлса-да, иш топа олмайди. Нафиса охри мактаб ҳовлисини тозаловчи фаррош сифатида ишлашга мажбур бўлади. Ахир ҳеч бир она ўз фарзандларини оч-наҳор қолишини истамайди-ку. Бу ишга аввалида кўника олмаса-да, хўрлиги келиб қийналса ҳам Нафиса ҳаммасига дош беради.

Нафисанинг бўшаб қолган ўқитувчилик ўрнига ишга қабул қилиниши ҳикояда алоҳида ўрин тутади:

“... директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Матлуба Темировна уни хонасига чақирди:

– Бир ўйнаб берасиз энди, Нафиса опа, - дея кулиб қаришилади у... Битта ўқитувчимиз таътилга кетаётганди, ўрнига ман сизни тиқиштирвордим.

– Йўғ-е, ростданми?

– Ҳа, мани уялтирмайсиз энди Дилбар опамларнинг олдиларида. Ишлайман деган кўп лекин ман сизнинг ҳовли супуриб юрганингизни кўриб жса галати бўлиб юрардим. Шу учун...

– Раҳмат, умрингиздан барака топинг”²⁶.

Бу ҳолат ҳикоя қаҳрамонининг қийинчиликларини сабр-тоқатлилик билан енгиб ўтганига далилдек таассурот уйғотади. Аввалига ўқувчилар унга ўқитувчи сифатида кўника олмайди. Ўзи ҳам анча қийналади. Шунинг учун энди у ўз устида кўпроқ ишлашга ҳаракат қилади. Ҳатто болалари ва эрига қарашга кўп вақт ажрата олмайди.

Ҳикоядан англашиладики, аёл киши сабр-бардошли, тоқатли бўлиб, бир эркак киши қила оладиган ишни қилишга қодир. Нафиса фарзандлари

²⁶ Зулфия Қуролбой кизи. Ёвузлик фариштаси. – Т., 2005, 143-бет

камоли учун тинмай меҳнат қилади. Ҳикоядаги ҳамкасби Шаҳноза Алиева фожиаси Нафисага кўп нарсаларни англатади. Унга ҳаёт фалсафаси ҳақида сабоқ беради. Бутун оиласининг ташвиши ёлғиз ўзининг бошига тушган Шаҳноза Алиева образининг фожиаси ҳар кимни ўйлантиради. Ҳамкасбининг ўлими Нафисани изтиробга солади. Ҳаётнинг шафқатсизлиги одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати, оқибатсизлиги унга азоб беради.

Ҳикояни ўқир эканмиз, ёзувчининг жамиятда рўй бериб турадиган, биз кўпда эътибор бермайдиган ҳолатларни бадиий талқин қилганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳикояда ҳам адибаниннг кўпчилик асарларидаги сингари аёл образи забун, ночор ҳолатда тасвирланган.

Ҳикоячи – муаллиф киши инсонга хос туйғуларни барча нозик кирралари, бетакрор жилвалари, кутилмаган портлашлари билан жуда яхши билади ва жуда яхши кўрсатади. Қиссадаги бирор қаҳрамон туйғуси юқумсиз, оний эмас. У китобхонни ҳам таъсирлантириб, бир неча кун давомида ҳаёлини банд этиб юради. Мудира, Нафиса, жанжалкаш она, Шаҳноза опа – буларнинг барчаси тирик, бизга таниш одамлар. Уларни унутиб бўлмайди. Нимаси биландир китобхонни ўзига мафтун этиб, яна нимаси биландир нафратлантириб қўйган асар қаҳрамонлари тақдир зарбаларидан синиб қолмаган, улар ўзлари тўғри, муҳим деб билган нарса учун ўзига хос кураш олиб боришди.

Демак, Зулфия Қуролбой қизи насрининг аён кўриниб турган асосий хусусиятларидан бир аёл дунёсини ҳар томонлама бадиий тадқиқ этиб, психологиясидаги кўпчиликка номаълум бўлган энг нозик тебранишларни ҳам юзага чиқараётганлиги ҳисобланади. Бу тебранишлар ўзаро бирлашиб, инсониятнинг бир қисми бўлмиш аёл қалби тўғрисидага ҳақиқатни кўп томонлама ва ёрқин ифодашга хизмат қилади.

Зулфия Қуролбой қизи асарлари фожеавий руҳ етакчилиги ва воқеаларнинг кескин ривожини билан ажралиб туради. Беозор, ғарибгина Нафиса (“Аёл”), бироз шаддод, аммо покиза Гулруҳ (“Машаққатлар

гирдобӣ”), дарвешнамо амаки ва ғўр Зухра (“Армон асираси”) кабиларнинг аянчли тақдири фикримиз далилидир. Бу қаҳрамонлар ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаганлари, ҳамма виждони буюрганидай яшаши лозим деб ҳисоблаганлари, ҳеч кимни алдамай, барчага яхшилик қилишга интилиб яшаганлари ҳолда ҳар қадамда шафқатсизликка дуч келадилар. Ҳамма уларни алдашга, фойдаланишга, ерга уришга интилади. Ўзбек адабиётида жамият ва шахс муаммосига бу қадар кескин ва кўламдор ёндашилиш ҳолати сийрак учрайди. Ёзувчи асарларига муаммонинг долзарблиги, замонавийлиги, ечимнинг фавқулодда ёки китобхон кутганидай бўлиши у қадар аҳамият қаратилмайди. Назаримизда, айнан шу жиҳат ҳам уларнинг ютуғини таъминлайди. З.Қуролбой қизи асарлари ютуғини қаҳрамонлар самимийлиги, ҳатти-ҳаракатлари ишонарлилиги, тасвир маромининг силлиқ, барқарор эмас, кескин бурилишлар, қизғин нуқталарга бойлиги, айниқса, тилнинг ифодалилиги таъминлайди. Эътибор қилинг: *“Гулруҳ шахмат тахтасини столга қўйиб мен томон юрди. Атиги ярим қадам қолганда тўхтаб кўзларимга тикилди. Мен бу сонияларни ҳанузгача унута олмайман. Бир кўришдаёқ мени асир этган нафис ва мулойим чехра... Меҳр ва нурга йўғрилгандай чақноқ нигоҳлар...”*²⁷.

Таҳлил воситасида мазкур фасл юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

– З.Қуролбой қизи асарларининг бирортасини қаламга олинган мавзунинг долзарблиги жиҳатидан баҳолаш мумкин эмас. Бу унинг бадиий ютуғи, ижодкор сифатида эришган муваффақиятидир. Адиба учун ҳодисани кўрсатишдан, одамнинг руҳиятини тасвирлаш биринчи ўринда туради;

– муаллифнинг ижод намуналари, ўзаро муштарак жиҳатлар мавжудлигига қарамай, ҳар бири алоҳида қиёфа, ўз йўсинига эга. Бу асарларни кўз югуртириб ўқиш кифоя қилмайди, синчиклаб ўқиш ва идрок этиш талаб қилинади. Адиба асарларидаги воқеалар мароми бир-бирига

²⁷ З.Қуролбой қизи. Машаққатлар гирдобӣ. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2010, 164-бет.

ўҳшаб кетса-да (таҳлилга тортилган роман ва ҳикоялар каби), тасвир ўзгачалиги устувор. Шу боис уларнинг ҳар бири китобхонда айри, мутлақо фарқ қиладиган туйғулар уйғотади;

– З.Қуролбой қизи асарлари муаллифнинг ички эҳтиёжи туфайлигина яратилган. Адиб учун замон талабига жавоб бериш, барчани қизиқтираётган бирор муаммони кўтариб чиқиш эмас, ўз кўнглини безовта қилган муаммони, замондош руҳий эҳтиёжини ифодалаш муҳим;

– адиба асарлари омадсиз, айтиш мумкинки, пешонаси шўр кимсалар ҳақида. Уларда муҳаббати ҳам, нафрати ҳам бетайин, нима мақсадда яшаётганлиги ҳақида бирор марта ўйлаб ҳам кўрмаган кишиларнинг фожиаи кечмиши ўта синчковлик билан акс эттирилган;

– адиб шафқатсиз тасвир маромидан фойдаланади, асар қаҳрамонлари сийратидаги қашшоқликни ҳеч пардаламай, аямай кўрсатади;

– З.Қуролбой қизи инсоний фазилатлардан маҳрум, бахти қаро, уқувсиз, меҳру оқибатсиз қаҳрамонлари ҳақида ёндирувчи киноя билан ёзади;

– “Машаққатлар гирдоби” ва “Армон асираси” романларидаги иложсизлик, чорасизлик китобхонни сиқиб юборади. Ва айнан шу ҳолат уни асарда тасвирланган воқеаларга жиддий ёндашиш, ҳаётда ҳам шундай бўлишига ёўл қўймасликка ундайди. Яъни адиб “бундай қилма, ёмон бўлади” дейиш ўрнига ўша ёмонликнинг ўзини кўрсатиб, кўпроқ самарага эришган;

– ҳар икки романда ҳам муаллиф қаҳрамонлар ҳақидаги барча гапларни ўзи айтади. Уларни бутун иллатию фазилати билан эринмай тавсифлайди. Бундай ифода тарзи бироз мушукул. Чунки муаллифнинг ҳамиша ҳам холис қолиши қийин. З.Қуролбой қизи эса бунинг уддасидан чиқа олган;

– муаллиф асарларида руҳий ҳолат тасвирининг ҳаққонийлигига сифатларни уюштириб келтириш орқали эришади;

– ҳар икки роман ҳам, ҳикоялари ҳам мафкурадан холилиги туфайли, фақат адибни чиндан безовталантирган кечинмалар тасвиридан иборатлиги туфайли жуда самимий чиққан;

– тадқиқот объектларини текишириш асносида З.Қуролбой қизи инсон руҳиятини тадқиқ этувчи, ҳиссий кечинмалар, умуман, инсон ички дунёси билан шугулланадиган адиб сифатида намоён бўлади;

– муаллиф асарларида типик одам учрамайди, ҳар бир қаҳрамони тип — ҳеч кимга ўхшамаган алоҳида бетакрор одам;

– асарларида адиба панд-насиҳат қилиб эмас, ҳис қилдириб, воқеа иштирокчисига айлантириб, туйғу ҳосил қилиб ўқувчи маънавиятига таъсир қилади;

– З.Қуролбой қизи асарларида қаҳрамон воқеа етовида юрмайди. Адиба учун воқеа қаҳрамоннинг ички дунёсини чуқурроқ очиш, руҳиятини тўлароқ англаш воситаси. Шу жиҳат асарлар бадииятини таъминлаган — асарда устини кул босмайдиган руҳий ҳолатлар тасвирланган ўринлар жуда кўп (Хусаннинг ўлими, Гулруҳнинг операцияси, жувоннинг Давронни танлаши, Алишернинг шифохонадаги аҳволи ва ҳ.к.)

II БОБ. ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ АСАРЛАРИДА ЖАҲОН АДАБИЁТИГА ХОС ЖИХАТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

2.1. Зулфия Қуролбой қизи асарларида миллий

ўзига хослик ва умуминсоний қадриятлар ифодаси

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда машҳур рус ёзувчиси А.А.Фадеев ўша вақтдаги адабиётнинг таъсирчанлиги анча пасайиб кетаётганлигидан норози бўлиб, бунинг сабаблари устида жуда ўринли мулоҳаза юритган эди. Ўша пайтларда унинг гувоҳлик беришича, кўпчилик бадиий асарлар таъсирчанлигининг пайиб кетишига уларнинг аксарияти қизиқарли қилиб ёзилмаганлиги сабаб бўлган. Бадиий адабиётнинг асосий фазилатларидан бири ҳисобланмиш қизиқарлилик пасайиб кетишига эса асарларда кескин тўқнашувлар, драматик лавҳалар, кутилмаган зиддиятлар йўқлиги асос бўлган. Чиндан ҳам урушдан кейин узоқ вақтларгача ўзбек адабиётида ҳам жуда ночор ҳамда китобхонни деярли мутлоқо қизиқтирмайдиган жуда кўп асарлар яратилган эди. Бу тажрибани яхши англаб етган ва ҳисога олган Зулфия Қуролбой қизи ўз ҳикояларини имкон борича қизиқарли ҳамда китобхонга таъсирчан қилиб ёзишга интилмоқда. Унинг шу интилишлари ҳақида ўйлар эканмиз устоз танқидчи Озод Шарафиддиновнинг қайта-қайта такрорлаган бир мулоҳазаси беихтиёр ёдга тушади. Озод Шарафиддиновнинг айтишича: “Китобга муносабатда танқидчи билан китобхоннинг фарқи яққол сезилади. Агар оддий китобхон қайсидир асарга қизиқиш сезмаса давомини ўқимай қўя қолади. Танқидчи эса ундан фарқли ўлароқ асар қизиқарли ёки зерикарли бўлишидан қатъий назар уни охиригача ўқиб чиқишга мажбур. Акс ҳолда танқидчи асар юзасидан аниқ фикр айта олмайди”.

Зулфия Қуролбой қизи ҳозирга қадар китобхонни ҳам, танқидчини ҳам зериктирмайдиган, яъни, таъсирчан, қизиқарли ҳикоялар ёзишга ҳаракат қилиб келмоқда. Унинг шу пайтгача эълон қилинган ҳикояларидан маълум бўлишича бадиий асарни қизиқарли қиладиган омиллардан бири

ноанъанавий сюжет ҳисобланади. Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида ноанъанавий сюжет воқеаларни ҳаётдагидан бошқача тартибда жойлаштириш, асарни кутилмаган ҳодисадан бошлаш, “сир сақлаш” усулидан унумли фойдаланиш, турли-туман чекинишларга кенг ўрин бериш ва бошқа воситалар ёрдамида яратилади. Бунга иқрор бўлмоқ учун ёзувчининг бир нечта ҳикоясини таҳлилдан ўтказиб кўриш кифоя.

Зулфия Қуролбой қизи – кўплаб асарлари билан мунаққидлар назарига тушган истеъдодли адиба. Асарларида инсон коинот маҳсули тарзида гавдаланади. Унинг қаҳрамонлари умуминсоний қиррага эга – Дилдор ўзбек миллатига, турмуш қурмаган ўзбек қизига мутлақо хос бўлмаган хатти-ҳаракатларни қилади. Никоҳсиз сартарош йигит билан, сўнг ўғри билан яшайди. Аммо ҳалоллик, масъулият, интизом, фидойилик каби инсоний фазилатларга эга, қолганлардан ҳам шуни қатъий талаб қилади. Албатта, Ғарбда оддий ҳолдек қараладиган эркак-аёл муносабати бизнинг менталитетимизга хос эмас. Лекин “Туноҳ” ҳикоясини жаҳон адабиёти таъсиридан йироқ, деб ҳам бўлмайди. Умуман олганда фольклор ва классик адабиётнинг ўлмас анъаналарисиз, жаҳон адабиётининг таъсирисиз ўз-ўзидан яралган ва ривожланиб боровчи адабиёт бўлиши мумкинми? Ёзма адабиёт таъсирисиз фольклор бўлиши мумкин, аммо фольклорсиз адабиёт бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, жаҳон маданиятининг илғор анъаналарини мужассамлаштирган адабиёт бўлиши мумкин, лекин танҳо туғилган, танҳо яшайдиган ва танҳо ривожланадиган адабиётнинг бўлиши мумкин эмас. Юқорида келтирилган бу саволларга қуйидагича жавоб беришимиз мумкин: Бу ҳикояда икки адабиётнинг вобаста бўлиши гўзал мевалар берган ва бериши табиий. Ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд оғзаки ва ёзма адабиёт синтезлашган чоғда ижодкор маҳорати муҳим роль ўйнаган. Унинг нутқини лўнда ва қисқа деб бўлмайди, албатта, бироқ рамзий бўёқдорлик, яширин маъно ёзувчининг фикр ва ғоясини ёрқин-тиникроқ ифодалашга эришган деб айтишга ҳақлимиз. 3.Қуролбой қизининг ҳикоя ва романларида фольклор

мотивлари ва ривоятлар, фольклоризмнинг ранг-баранг кўринишлари янгича жило топди. Халқ донолиги бўлган фольклор – асрлар ёзувчи учун битмас-туганмас ижод чашмаси эканини намойиш этди.

Пўлат образи ҳам бир қарашда баҳолаш мушкул бўлган характерга эга. Унинг ўғрилиги инсоний ва диний мезонларга мутлақо мос келмагани ҳолда ўзбек эркагининггина қўлидан келадиган мадрликни қилади, олий ҳиммат кўрсатади. Пўлат Дилдорга майл кўзи билан эмас, илоҳий бир гўзал хилқат деб қарайди, унга ёнида эканлиги кифоя, ҳеч нарса талаб қилмай чуқур муҳаббат билан суяди. Гулни кўрганда қанчалик завқланса, қанчалар мафтун бўлса, Дилдорга ҳам шундай муносабатда бўлади, нозик, мафтункор ва жозибали гулдай кўради.

Адиба ҳикояларидаги миллий руҳ миллийликни сақлаш, миллатимизга хос бўлган ғурур ва инсонийлик тамойилларни қаламга олишда кўринади. Гулруҳ, Даврон, айниқса, Сафарали (**“Машаққатлар гирдоби”**), Насиба, Маъмурнинг ака ва укаси (**“Ўлим ҳеч нарса эмас”**) каби ўз эътиқодига содиқ қолган образлар каби ўқувчини тўлқинлантириб юборади.

Дарҳақиқат, адибанинг ҳикояларини ўқирканмиз бир-биридан қизиқ, ажойиб, бироқ ибратли ҳаётий воқеаларнинг гувоҳи бўлаётганидай ҳис этамиз ўзимизни. Унинг қаҳрамонлари билан танишар эканмиз, худди орамизда Ҳилола (**“Ҳилола”**), Нафиса (**“Аёл”**), Шоира (**“Ёвузлик фариштаси”**), Тангриберди (**“Таффакур”**), Нафиса (**“Момо Ҳаво”**) ва Малика (**“Тўхтаб қолган вақт суратлари”**) ларни учратгандек бўламиз.

Нимани ёзиш эмас, қандай ёзиш муҳим, деганларидек сўнгги йилларда бошқа йўналишларда бўлгани каби ҳикоячиликда ҳам воқеани ўзгача услубда бериш кучайди. Реалистик ҳикояларда ижодкор нима демоқчи бўлгани яққол сезилиб турса, кейинги йиллардаги ижод намуналари кишини ўйлашга, фикрлашга ундайди. Бир сўз билан айтганда, асарга сўнгги нуқта қўйилгандан сўнггина унинг ҳаёти бошланади. Бу кўпчиликда жаҳон адабиёти таъсирида ёзилган, деган фикрни уйғотмоқда.

Бу таъриф ҳам 3.Қуролбой қизи ҳикоялари доирасидан ташкарида, деб бўлмайди. Зотан, унинг асарлари узоқда қолган ўтмиш деб эмас, айтилганда ҳис қилинаётган, англанаётган онгу шуурга боғланади. Бу фалсафий мантиқ излаш, янги маъно кенглигини кашф этиш имконини беради. Адиба ҳар бир воқеа, ҳодиса, деталлар фалсафий маъно ташиган ўзбек дostonларига хос усулни, назаримизда, ўз асарларига олиб кира билган. Улардаги инсонга, мантиққа муносабат ўзгача, кенгрок, ибтидо ва интиҳо орасидаги чексизлик, ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураш бошқача тусга эга, одамнинг ботини зоҳирига сира ўхшамайди, зоҳир фақат кийим бўлиб қолади (**“Момо Ҳаво”**). Агар алдамчи шаклни, алдамчи зоҳирни четга суролсангиз, қаерда яшамасин, қайси динда бўлмасин, қай тилда гаплашмасин, одамнинг моҳияти бирлашади, бир хил тусга киради. 3.Қуролбой қизи асарларидаги жаҳон насрига хос тамойиллар илдизи шунда кўринади.

Адиба асарларидаги қаҳрамонлар ўзлигини топишга интилаётган кишилар. Улар ҳали “мен”ини топганлари йўқ, лекин топишга интилишади. Ўзларининг кимликларини муҳокама қилаяпти. Муҳит деган салобатли ва залворли оқим йўқотиб юборган ўзларининг қалблари ва фикрларини излаб юрган кишилар. Шу боис қаҳрамонларга қўйилган исм аксар ҳолларда улар эга бўлган феъл-атворга мутлақо зид бўлади.

Жаҳон ҳикоячилиги ривожда, айтилса, Лотин Америкаси адибларининг ҳиссаси катта. Улар яратган бадиият хазиналари бутун дунёда севилиб ўқилган ва ўқиб келинмоқда. Бунда колумбиялик Габриэль Гарсиа Маркес, гватемалалик Мигель Анхел Астуриас, кубалик Алехо Карпентьер, мексикалик Карлос Фуэнтес ва аргентиналик Хулио Кортасарни мисол қилиб келтириш мумкин. 3.Қуролбой қизи ҳикоялари қаҳрамонлари ҳам Хулио Кортасар ҳикояларидаги қаҳрамонлар каби руҳий азобга тушади. Буни адибанинг **“Тафаккур”**, **“Аёл”**, **“Ўлим ҳеч нарса эмас”** ҳикояларида кўрамиз. Кортасарнинг **“Даҳшатли туш”** билан 3.Қуролбой қизининг **“Тафаккур”** ҳикояси орасида муштараклик бор.

“Дахшатли туш”да летаргик уйқуда ётган қиз сергак, бедор, уни қуршаб олган кишилар эса уйқуда бўлади. Кортасар ҳикоя сўнгида қаҳрамонини уйқудан уйғотади ҳамда ўқувчисини бир залп билан тушларнинг эгри-бугри кўчаларидан чиқариб юборади ва уни ўз ҳаёти билан рўбарў қилиб кўяди. З.Қуролбой қизида эса ҳамма аҳмоқ, ношуд, уқувсиз, нуқсонли одам санайдиган Тангриберди аслида атрофдаги ҳурматланаётган кишилардан минг марта баланд, кўзи очик, тафаккури уйғоқ бўлади. Жамият, унда қарор топган ақидалар туфайли Тангриберди ногиронга айланади. Энг дахшатлиси, бунга ўз падари бузруквори восита бўлади. Летаргик уйғудаги қиз каби Тангриберди ҳам узоқ муддатлик қарахт – на ўлик, на-да тирик ҳолга тушади. Ва соғлом ҳаётга қайтгани ҳамон атрофдагиларнинг ҳамон кундалик икир-чикир ташвишлар пайдо қилган жаҳолат уйқусида экани, хаста тафаккури билан улардан ҳамон устун эканини англайди. Дунё ишларига қўл силтаб, шахмат оламига шўнғийди.

Жаҳон ҳикоячилигида самарали ижод қилган бошқа бир талай адиблар ҳам бор. Улар қаторида З.Қуролбой қизи услубига бир қадар яқин бўлган Кафкада инсон фожиаси биринчи ўринга кўтарилса, Камюда изтиробни англаш, уни таҳлил этиш кучли (“**Жараён**”да Йозеф К., “**Вабо**”да Месси). Уларда озод одамнинг қиёфасизликка айланган қиёфаси очиқ ташланган. Қиёфасиз одам – озод бўлгани билан маънан қул бўлиб қолаверади (Дониш, Довур тегирмончи, Маъмур). Бу унда ҳаёт бемаъни деган инстинктни шакллантиради.

З.Қуролбой қизи уруш даврида яшамаган, 80-йиллар охиридаги сиёсий ва ижтимоий воқеалар (Ўзбекистон ҳаётидаги) дан таъсирланган. Кафка ва Камю каби бутун жамият ҳаётини издан чиқариб юборувчи нохушликларга дуч келмаган. Улар нацизмга қарши курашдилар, ҳаёт ва ўлим кураши гувоҳи бўлдилар, иқтисодий ва маънавий инқироз улар тафаккурида ҳаёт маънисиз деган фикр шаклланишига сабаб бўлди. Инсонларнинг уруш туфайли оқибатсизлиги, индивидуализмнинг

кучайиши иждокорлар асаридаги абсурднинг асосий белгилари: йўлсизлик, умидсизлик, тушкунликни келтириб чиқарди.

3.Курулбой қизи истиқлолдан олдинги ва мустақилликнинг илк йилларидаги мушкул дамлар, адолатсизликлар, чорасиз вазиятлар гувоҳи бўлган, балки бошидан ҳам ўтказгандир. Бу таъсир унинг “Машаққатлар гирдобини” ҳамда “Армон асираси” романларида, айниқса, бўртиб кўзга ташланади. Адиба асарларида яққол кўзга ташланадиган хусусият жумлаларнинг узундан узоклиги. Бу айнан Марсель Прустни ёдга солади. Чунки унинг “Завол топган вақтни излаб” туркум романларида жумлалар узунлиги уч-тўрт саҳифагача чўзилган.

Фикримиз далили сифатида адибанинг диқатга сазовор ҳикояларидан бири “**О, ҳаёт**” таҳлилига киришсак. Ёзувчи мазкур асарида бошқаларидан фарқли аёлларни ёки иложсиз инсонларни эмас, балки, “етмиш беш” ёшни қаршилаган чолни танлайди. Бош қаҳрамон бўлган Назар чол шу ёшга етса-да, бошқа оқсоқоллардек қариликни осонгина тан олиб уни қабул қилган эмас. Аксинча, ҳаётга муҳаббати, иштиёқи яшашни ва яна яшашни истаган қария сиймосидир.

Айни дамда асар воқеалари ҳаётийликка яқин. Бироқ адибанинг тасвирларида ушбу воқеаларнинг жўн ифодасини кўрмайсиз. Аксинча, ҳаётга, яшашга меҳри-муҳаббати, иштиёқи жўш уриб турган ва танасида қони қайноқ бўлган инсоннинг интилишларини ишонарли тарзда тасвирлайдики, беихтиёр инсон бунчалик яшашни яхши кўради, ҳаётни севади, – деб ўйга толасан киши. Унинг қариган чоғида ҳам ўлимни тан олишни истамаслиги, ҳаётни тарк эришни ўйламаслиги нимадан? Табиатидаги нафси аъммонликми ёки қалбидаги чин муҳаббатми? Адиба ҳикояда бу каби саволларга ўрин қолдирмайди. Аммо ўқувчи қаҳрамоннинг ҳаёти, ҳолати билан яхшироқ танишиб броман сари шудай саволарнинг туғилиши табиийдир.

Адиба қаҳрамони Назар чолнинг ҳолати ҳамда кечинмаларини ўқувчининг кўз ўнгида рўй бергандай тасвирлайди. Унинг ҳикоясида

баёнчиликдан кўра тасвирларнинг ўрни юқори эканлигини кўришимиз мумкин: *“Чол бундан етмиш беш йил муқаддам эмас, худди куни кеча тузилгандай оламга ҳайрат нигоҳи ила боқиб, ҳеч ундан кўнгил уза олмайди. О, ҳаёт! Мана шу мислсиз ёруғликни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди, аҳир! Тип-тиниқ осмон, ям-яшил барглар, аллақандай, чол ҳатто номини ҳам билмайдиган ажойиб гулларнинг ёқимли ҳиди, ариқчада жилдираб оқаётган сув! Э-ҳе, буларни қандай қилиб кўз қияди”*²⁸. Мазкур манзаралар инсон ҳиссий кечинмаларининг ёрқин ва ажойиб, ҳаққоний ифодаси. Назар чолнинг ўлишни истамаслиги фақатгина яшашни хоҳлаши, ундан мақсади нима эканлигини ҳам худди шундай манзара ва тасвирлар, тасаввурлар, ҳиссий кечинмалар орқали очиб бррилади. Ҳаётни, яшашни севган чол “беҳаловат” бўлиб, ўзи учун битта ҳақиқат яратади. Адиба уни куйидагича тасвирлайди:

“Йўқ, ҳаммаси ёлгон, – дерди иски бир нидо, – одамлар ўлимдан чўчимаслик учун нариги дунёни ўйлаб топишган. Бу дунёдан ўтганимиздан кейин бутунлай йўқ бўлиб кетмас эканмиз, деб ўзларига тасалли-таскин бериш мақсадида ўйлаб топилган сафсата! Аслида! Аслида ўлдинг – учдинг! Тамом!” (230-бет).

Муаллиф қаҳрамонидаги шу каби қарашлар ва руҳий кечинмалари орқали ўзининг ўлим ҳақидаги тасаввурларини ҳам билдириб ўтади.

Назар чол образи мураккаб образдир. Қайсар, инжиқ, дийдаси қотиб кетган чолнинг тўлиқ характери ўғли Алишернинг ҳалокатга учраб, касалхонага тушиши ҳамда тўсатдан вафот этиши воқеасида аниқ очиб берилган. Шу куни у туни билан ўғлининг ёнида ўтириб чиқади. *“Тонгга яқин сал кўзи илингандек бўлган экан, аллақандай инграганга ўхшаши овоздан чўчиб уйгонди. Қараса Алишер! Икки кўзи отасида, нимадир демоқчи бўлади-ю, ҳеч чоғи келмаяпти.*

– Уриниб қоласан, болам, гапирма, – зорланди чол.

²⁸ Зулфия Қуролбой қизи. Қуёш мен томонда. – Т.: “Янги аср авлоди” 2005, 215-бет.

Алишер бир неча сония отасига қаттиқ тикилиб турди-да, сўнг маъюс жилмайди ва беозоргина кўзларини юмди. Шу кўйи ўғли кўзларини қайта очмади”²⁹.

Ўғлининг ўлим олдидаги ҳолатидан отанинг қандай аҳволга тушгани, қалбидан қандай изтироблар ўтаётганини муаллиф матнда ўқувчига кўрсатмайди. Бироқ қаҳрамон қалбини ўлим кўркуви тарк этмасада-да, яшаш илинжи унда барибир кучлилик қилаверади. Гарчи бу ўлимни муаллиф чол-кампирни эсанкиратиб қўйди, дейди. *“Айниқса, Ойнисахон билан келини ўзларини еб қўйишиди. Бироқ ёлғиз Назар чол тирик арвоҳдек ҳовлида гимирлаб юрарди*”³⁰.

Шунда ҳам муаллиф Назар чолнинг ирода ва бардошини ўлим кўркуви сўндирмаганлигини тасвирлаб ўтади.

“О, ҳаёт” ҳикоясида Назар чол образи билан биргаликда унинг кампири Ойнисахон ва “ҳалокатдан” вафот этган ўғли Алишер ҳамда унинг келини иштирок этади. Энг қизиқарли жиҳати шундаки, ҳар учала қаҳрамоннинг вафоти ҳам чол кўз ўнгида содир бўлади.

Дарвоқе, муаллиф воқеаларнинг шу тарзда ноанъанавий кечишидан ўз олдига қўйган бадиий ғоя ва мақсадни очиб беришда усталик билан фойдаланади. Бош қаҳрамоннинг ҳолати, характери, воқеаларга муносабати ва бадиий нутқи ҳикоя ғоясини ёритадиган асосий воситалар сифатида хизмат қилади.

Ҳикояда адиба ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Ҳикоя сюжет чизиғида бош қаҳрамоннинг ёши “етмиш беш”, “саксон бир” ва охирида ёшининг нечага кирганини ҳисоблаб ҳам қўймай қолди, дея ўзгартиришларга учратади.

Ҳикоя тили содда ва равон. Баёнчилик эмас, бошқа ҳикояларидагидек муаллиф аниқ тасвирларга ўрин берди. Тирикликнинг ўзи катта бахт деб ҳисоблаган қаҳрамони кечинмалари, ҳолатларининг ҳам

²⁹ Зулфия Куролбой қизи. Қуёш мен томонда. – Т.: “Янги аср авлоди” 2005, 230-бет

³⁰ Зулфия Куролбой қизи. Қуёш мен томонда. – Т.: “Янги аср авлоди” 2005, 231-бет

жўн ифодаларини келтирмайди. Айнан ана шу манзараларда қаҳрамоннинг сиймоси теранроқ намоён бўлади. Ўлишни истамаган Назар чол ҳикоя сўнггида ҳам ўлмайди. Бу образ орқали муаллиф инсон иродасининг кучлилигини, унда истак туғилдими унга албатта етишишини кўрсатиб беради. *“Тирикликнинг барча воситаларидан – кўриш, эшитиш, юришдан маҳрум”* бўлган чол ўз истаги билан ҳаётда ўлмай яшайди. Ҳикоя охирида унинг ўз нутқида ҳам шу истак ифодаланади: *“... аввалгидан равшанроқ мулоҳаза юришиб кўнгли қувончга тўлади: - Мен энди ҳақиқий ҳаётимни яшаяпман! Мен яшаяпман!”*³¹

Демак, “О, ҳаёт!” ҳикояси Зулфия Куролбой қизи насрининг яна бир энг муҳим фазилатини, яъни унинг турмуш манзараларидан инсон руҳини очишда фойдаланиш соҳасида катта маҳорат эгаси эканлигини англашга имкон беради.

*“Зулфия Куролбой қизининг бадиий-маънавий таъсир кучи жиҳатидан соф ижтимоий йўналишидаги етук асарлардан алсо қолишмайдиган “Ёзсиз йил” ҳикоясида она тимсолини яратади. Ҳикоянинг сюжет қурилиши пухта ишланган, воқеалар тадрижи персонажлар руҳий эврилишлари таҳлили билан уйғунликда моҳирона ифодаланган”*³², – деб таъкидлайди адабиётшунос олим Умарали Норматов.

Ҳикоя қаҳрамони Собир автоҳалокат туфайли ногирон бўлиб қолади. Бу мудхиш фалокатдан онахон – Бувгул хола ўғлидан ҳам кўра қаттиқ изтироб чекади. Ҳикояда холанинг хаста ўғил кўнгли, ороми деб чеккан захматлари таъсирли тарзда кўрсатилган. Ҳаётнинг турмуш нағмасини қарангки, Собир шу ҳолда қишлоқнинг тенги йўқ сулуви Марваридга кўнгил беради, қиз ҳам ўз навбатида йигитга ошиқ-у шайдо. *“Уларнинг Лайли-ю, Мажнун севги достонини эслатадиган ишқий муносабатлари ҳар қандай таъма, хирс ва нафс майлидан ҳоли, икки фаришта ошиғу маъшуқанинг соф қалб талпинишларидан иборат. Айни шу жиҳати билан*

³¹ Зулфия Куролбой қизи. Қуёш мен томонда. – Т.: “Янги аср авлоди” 2005, 236-бет

³² Умарали Норматов. Она шаънига қасида. // “Ёшлик”, 2010. 5-сон, 7-бет.

асар бугунги ўзбек адабиётида урф бўлган ишқий кечинмалар талқинидан бутунлай фарқ қилади”³³. Икки ёш орасида яширадиган ҳеч қандай сир йўқ. Ҳар икки томон ҳам орадаги мудҳиш кўргиликдан воқиф. Аммо бу ҳол уларнинг кўнгил майлларига асло тўсиқ бўлолмайди. Улар бир умрга бирга бўлишга қатъий аҳд қилганлар. Бироқ йигит томонда жоҳил ака, қиз томонда эса бағритош ота – икки ошиқ майлига тиш-тирноғи билан қарши турадилар. Фақат онаизоргина ўғли билан қиз қалбининг, қиёси йўқ чин муҳаббатининг ягона ҳимоячисига айланади. Қишлоқда тарқалган ҳар хил ғийбат, паст-баланд гап-сўзлар катта ўғил билан қиз отаси ҳуружини аланга олдиради. Жоҳиллар кўли баландд келиб, Марваридни яқин қариндоши ўғлига зўрлаб узатадилар. У қайтиб келади, сўнг уни оёқ етмас тоғ қишлоғига унаштирадилар. Собир жим туролмайди, ҳаста бўлишига қарамай қиш чилласида унинг ортидан боради, севгилисининг албатта қайтиб келиши ваъдасини олиб, бир дунё қувонч билан қайтади. Энди унинг ҳам, онанинг ҳам кўксига умидсизлик бир дам чекиниб, яшаш иштиёқи жўш уради. Лекин бу қувончли дақиқалар узоққа бормайди, ваъда ушалмай қолади.

Асардаги бу воқеалар руҳий-психологик ҳолатлар таҳлили жўрлигида китобхонни ларзага соладиган тарзда тасвирланган.

Собир янги йил арафасида келишга ваъда қилган Марваридни интизорлик билан кутаётир, аммо ундан дарак йўқ. Шу вақтдаги Она билан боланинг ҳолати тасвири кўнгилларни зир титратарди: “... *деразадан кўчага интизор тикилиб турган Собирнинг бир маҳал елкалари силкина бошлади, Бувгул хола, кўнгли вайрон ҳолатда, ўғлига томон талпинади. Шу пайт бирдан Собир она томон ўгирилади. Дунёнинг бутун дард-алами кўзларида жам... Унинг қонсиз юзига йирик-йирик томчилар думалайди. Энди Собирга ҳаммаси аён, ўзининг узоқ яшамаслигини ҳам, Марвариднинг келмаслигини ҳам, келтирмасликларини ҳам билади, билади-ю, онасидан яширади, худди онаси ундан яширгандай...*” Ҳикоядаги бу ҳолатга

³³ Умарали Норматов. Она шаънига қасида. // “Ёшлик”, 2010. 5-сон, 7-бет.

мунаққид Умарали Норматов *“Маишхур “Асрор бобо”даги чол билан кампирнинг мудҳиш сирдан воқиф ҳолда, бир-бирини асраш ниятида бир-биридан сир сақлаш ҳолатини – кўнгилларини зир титратадиган вазиятни эслатади, тақлиддан бутунлай ҳоли ноёб бадиий лавҳа”* – дея изох беради.

Қарангки, ошиқ йигитнинг ҳаёт шами ўчай деб турганида ҳам, ҳаётга иштиёқи, висолга умиди бутунлай сўнмайди. Ошиқ йигит тақдирида мўжиза рўй беради, гўё Машраб янглиғ аршнинг кунгурасида ёр висолига эришади. Ўша висол чоғи Марварид Собирга қарата асл муддаосини ошкор этади: Фақат унинг юрагинигина севишини, бошқаси асло қизиқтимаслигини дангал айтади. *“Бошқа ҳеч бир аёл бундай демаган бўлар эди. Шунинг учун ҳам уни телбаларча севиб қолгандим-да”*, – дея онасига сўнгги дил розини изҳор этади.

Асар қаҳрамони Собир жон таслим қилганда онаизорнинг усунга суянганича *“Мен ёмон қолдим, сен яхши бор, болам, ”* – деган сўзларини дуодай ожизона такрорлаб турганини кўриб, юрак-бағрингиз эзилиб кетади.

Маълум бўлаяптики, ҳикоя персонажлари қисмати билан боғлиқ кўпчилик, руҳиятидаги изтироблар боиси ижтимоий омиллардан ҳоли. Ҳаётда юз бериб турадиган тасодиф осий, тошбағир бандаи ожизларнинг қилмишлари тарзида талқин этилган.

“Ёзсиз йил”даги она образи ғурур ва қадрият тимсолидир. У учун вақт ва ўғли ўша ҳолича қотиб қолган, ўзгаришлар, Марварид ота-онаси туяётган ҳис-туйғу, изтиролар унга таъсир қилмайди. Уни ҳаётга боғлаб турувчи ягона ришта – ўғли Собир. Аканинг ҳам меҳри бор, аммо бу ҳиссиёт тирикчилик ташвишлари остида йўқолиб кетаёзган. Асардаги психологик ҳолатлар асосан нигоҳдан фойдаланилди: қаҳрли, маъсум, вазоҳатли... Бу бошқа ҳикояларга ҳам хос.

Марварид узатилганда онасини кўргани келган Маматкул Бувгул энанинг кичрайиб қолганини кўради. Маркеснинг *“Ёлғизликда юз йил”* асарида қари кампир Урсула қариб, кичрайиб қолади, уни беланчакка

чақалокдек солиб шкафга солиб қўйишади. Бувгул энанинг ғам-андух ва иложсизликдан кичрайиб қолиши ўша Урсулани ёдга солади. Шу билан бирга, Бувгул энани “Алпомиш” достонидаги қалмоқ алпларининг онасига ҳам қиёслаш мумкин! Яъни Сухайл кампир олти алпнинг мағлубияти сабаб юртидан бош кетишига чидай олмайди. Бувгул эна эса ўғли Собирнинг ногиронлигини ҳеч қачон тан олмайди. Бу ерда адиб ўзбекнинг нафақат эркаги, балки аёлининг қатъиятлилиги, орийатлилиги, бардошлилиги, шу билан бир қаторда, ўзининг мақсади йўлида ноҳақлик, билиб билмасликка олиш билан бўлса-да, мақсадидан қайтмаслигини ўзгача услуб билан очиб берган.

Ҳикояни ўқиган киши унга қандай сингиб кетганини билмай қолади. Адибнинг ўзига хос услуби, характер яратишдаги маҳорати ўз “мен”ини кўрсатади.

“Ёзсиз йил”, “Тафаккур”, “Момо Ҳаво”, “Муҳаббат ва нафрат”, “Кўланка” – даҳшатли ҳикоя. Уларда одамларни қийнаш, жазога тортиш ва буни табиий, деб қабул қилишдай инсон фожиаси ва даҳшатлари акс эттирилган. “Тафаккур” ҳикоясида инсоннинг мутеликка кўникиб қолишдай мудҳиш ҳолатда хотиржам яшайвериши кўрсатилган.

“Тафаккур” ҳикояси мутолаа давомида Рюноски Акутагаванинг “**Батат бўтқаси**” ҳикояси ёдга тушади. Унда ҳам хўрланган, ҳақоратланган, чеккага суриб чиқарилган қаҳрамонда бир воқеа билан ғурур бўй кўрсатади ва ўз ҳаётидаги кўп нарсаларга ойдинлик, аниқлик киритади. Тангрибердининг уйдан қочмоқчи бўлиши, айниқса, раисга пўписа қилиш лавҳаси каби.

“**Аёл қиёфасидаги ажал**”да ҳаёл билан реал воқелик якка ҳолда психологик ҳолатларни очади. Масалан, “*Унинг ҳуши ўзида эмасди. Кечгача ғалати кайфиятда юрди. “...Лоладек қизариб кетган” аёл ҳали у ердан, ҳали бу ердан қараб тургандек*”. Ёки “*Мулла Ашур яна ўша томонга юз бураркан, у ерда ҳеч ким йўқлигини кўриб капалаги учди.*

“*Ҳозиргина ... Ҳозиргина турган эди-ку!*”. Энг ширин нарса – жондан айрилиш, қазо вақти етгани Мулла Ашурнинг ҳис-туйғулари ёрдамида очиб берилади.

“**Гуноҳ**” – тирноққа зор эркак ва аёл орасида пайдо бўлган муносабат ҳақида. Ҳар икки аёлнинг ҳам тенг юкли бўлиши китобхонни ўйга толдиради, умидни узмаслик, ҳалол яшаш шартлигини ёдга солади. Адиба ҳар бир иш учун жавоб бериш ҳам бор, демоқчи. Ҳикоядан олинadиган таассурот яхлит ва ёқимли эмас. Балки ҳар бир банданинг ҳам у дунёдаги ажри ҳам ёқимли бўлмас.

Маълумки, дунёнинг ривожланиши адабиётларнинг бир-бирига таъсирисиз кечмайди. Бир пайтлар Ғарбнинг ўзи Шарқдан жуда кўп таъсирланиб, кўп нарсаларни ўзлаштирган. Мисол учун, Лотин Америкаси ҳам Шарқ, ҳам Ғарб, ҳам Япон анъаналарини сингдириб олган. Адабиётларни бир-биридан узиб ривожлантириб бўлмайди. З.Қуролбой қизи қаҳрамонлари (“**Момо Ҳаво**”, “**Муҳаббат ва нафрат**”, “**Гуноҳ**”) ғарбона тутумга эга бўлиш билан бирга миллий илдиздан буткул узилиб кетмаган. Унинг халқ оғзаки ижодини ёдга солувчи, фақат ўзбек миллатигагина хос бўлган урф-одатларга асосланган ҳикоялари ҳам борки, булар ижодкорнинг ўзбек ва жаҳон адабиётидан бирдек бохабарлигини кўрсатади. “**Кампирлар**” ҳикояси сюжетини ўзбек анъаналари, тафаккур тарзидан хабари бўлмаган одамнинг англаши ва қабул қилиши бироз қийин. Бизда юкли аёл икки йўл — ҳаёт ва ўлим орасида туради, деб ҳисобланади. Жисмоний ўзгаришлар бўлажак она руҳиятини ҳам ниҳоятда тасъирчан ва сезгир қилиб қўяди. Инсон кўзидан ниҳон латиф оламу улардаги яратикларни ҳам илғай олади.

Зулфия Қуролбой қизининг “**Кўланка**” ҳикояси сюжети “тақдири азал” тушунчаси асосига қурилган. Киши ўз тақдирига ёзилган нарсагагина эгалик қила олади. Бировнинг ёзуғини ўзиники қилиш учун ўзликдан бутунлай воз кечиб, ўша “бирров”га айланишга тўғри келади. Ҳикояда айнан ушбу фикр ноодатий сюжет асосида ёритилган. Сюжетнинг

ноодатийлиги шундаки, ўз дўстининг хотинига эга бўлишни истаган бош қаҳрамон охир-оқибат дўсти билан бир қабрда ётишга, унинг қисматини ўз бўйнига олишга мажбур. Икки дўст бир қабрга тушади. Бунга сабаб улар бир кизни севадилар. Аммо кизга уларнинг биттасигина, яъни Бехруз уйланади. Бироқ Бехрузнинг ўлими дўсти Самандар учун яна муҳаббат сари йўл очади. Энди у ўзи севган аёлга уйланади. Лекин Дилдор бу иккинчи турмушини қабул қила олмайди. Тасодифан хотирасини йўқотган Дилдорнинг бахти учун Самандар дўсти “Бехруз”га айланади. Қолган бутун умрини у ўзи боқиб олган чақалоқ ҳамда ўзини унутишга мажбур қилган “Бехрузнинг хотираси”билан яшайди. Охир-оқибат ўлимидан сўнг уни Бехруз ётган қабрга қўядилар.

Бу ҳикоя ўз хусусиятига кўра фалсафий – фантастик асар деб баҳоланиши мумкин. Бироқ асарда бир қатор бири-бирига бағишланган, иккинчисини тақозо этмайдиган воқеалар ривожланадики, бу ғализлик оддий ўқувчининг ҳам ғашини келтиради. Бироқ дастлаб асарнинг ижобий томонларига, ижодкор ютуқларига кўз ташлаймиз. Муаллиф асар қаҳрамонларига танлаган номлари унинг дастлабки ютуғидир. Асар бош қаҳрамони Самандар. У ўз исмига муносиб тарзда барча истакларига эришиб, бахтли бўлади. Унинг кўнглидан кечган тилаклар сирли тарзда доимо амалга ошади. Дилдор билан ўзи ўртасидаги тўсиқ – Бехрузнинг ўғлига ёмон ният билан боқади. Гўдак зотилжам касалидан вафот этади. Самандар Дилдорни ёлғиз ўзиники бўлишини истайди ва бунга эришади. Бехруз. Бу исм асар охирларига келиб ўз салмоғни кўрсатади. Хотирасини йўқотган Дилдор қошига Самандар Бехруз – янги кун бўлиб келади. Шу кундан бошлаб улар ўз бахтларини қайта топадилар.

Самандарнинг биринчи хотини Муҳайё ўта ақлли бўлиб, гарчи севилмаса-да, эрига доимо бахт тилайди. Барча хоҳишларини муҳайё қилишга интилади.

Ҳикояда севики эридан айрилган аламзада аёлни ўзини бахтли бўлишга нолойиқ ҳисоблаши, янги муҳаббатни қабул қилишга ўзини ҳуқуқсиз сезиши ажойиб ечимлар орқали берилган.

Самандарнинг ҳам севги бобидаги омадсизлик ҳамда омади, бахт кетидан келган бахтсизлиги ёрқин бўёқларда чизилган. “Менга унинг нафратдан қимтилган лаблари керак эмас”, – дейди у. Дилдорни никоҳига олиб ҳам унинг қалбини забт эта олмаган ошиқ ўз ниятига эриша олмайди. Дилдорнинг биргина севги тўла кўзлари, боқишлари учун Самандар ўзлигидан воз кечишга тайёр эди.

Ҳикояда шу каби ўзига хосликлардан ташқари воқеалар тизимида айрим ғализликлар ҳам учрайди. Аёл ўзи қаттиқ нафратланган кишисининг ёнида яшай олмайди. Аёл психикасидаги “душман” лик туйғуси бунга йўл қўймайди. Севики эри ҳамда ўғлининг ўлимига сабабчи деб билган кишиси ёнида Дилдор ҳам хотин бўлиб яшай олмасди. Айниқса, унинг Самандар никоҳ ўқитмасдан уйланганда “уялмасангиз, ихтиёрингиз!” дейиши ўзига сира ёпишмаган. Асар сюжети бир маромда ривожланиб боради, аммо ундаги ечим бир сўз билан айтганда, сира кутилмаган топилма.

“Шундай қилиб, мен сенга эврилдим дўстим”, – деган Самандар Дилдорга уйланади. Лекин аввалроқ у Дилдорни деразадан отиб юборади. Гарчи бир метр чиқмаса-да, деразадан улоқтирилган Дилдор чет эл филмларида кўп учрайдиган қаҳрамонларга ўхшаб хотирасидан айрилади. Асар бошдан охир чет эл филмларида учрайдиган ғайритабиий воқеалар занжири асосига қурилган. Бир занжирда ҳар бир воқеа ижодкор мақсадига кўра исталган йўсинда содир бўлади. Сира боғланиш йўқ қисмлар эса “ғаройиблик” шиори остида мажбуран пайванд қилингандек таассурот қолдиради. Масалан, Самандар билан навбатдаги жанжалда Дилдор тўсатдан “Деразадан улоқтирилиш” режасини таклиф қилади ва эри кучли муҳаббатига қарамай, уни улоқтириб юборади. У бир соатга ўрнига

чўзилиб, деразадан улоқтирилган хотинининг уйига қайтишини кутади. Дилдор хотирасидан айрилиб, ҳовлида ётар эди...

Ҳикоя сарлавҳаси пухта танланган. Асар ғоясига кўра, биров тақдирига ҳавас қилган киши охир-оқибат унинг қабрига тушади, унинг ёзиғига эғалик қилади деган фикр образлар орқали очиб берилган.

“Кўланка” ҳикояси тажрибасидан аён бўлишича, инсоний тафаккурдан ажралишдек ноанъанавий унсурдан фойдаланиш Зулфия Қуролбой қизи ижодига ҳозирча ҳар хил натижаларга олиб келмоқда.

Зулфия Қуролбой қизининг “Тафаккур” ҳикоясини ўқир эканмиз, Омон Мухторнинг “Ффу...” номли асари беихтиёр ёдга тушади. Ўша романда бир ота тепса тебранмас, калтафаҳмроқ бир ўғли учун бозордан ақл сотиб олади. Йигит шу қадар ақлли бўлиб кетадики, бутун шаҳарни ўзига бўйсундиради. Аммо ота бундан кўрқиб ўғлига бошқа ақл сотиб олишга қарор қилади ва ўртамеъёна ақлни ўғли учун топиб келади. Эндилидаги ақл билан бутун шаҳарни қўлга олиб улгурган ўғил тамоман ўзгаради. Тоққа чиқиб кетишга қарор қилади. У ёлғизликни, ғарибликни истаб қолади. Бир бурда нон-у, сув билан умр ўтказа бошлайди.

Зулфия Қуролбой қизи ҳикоясида бир одамнинг икки хил тафаккур билан яшаганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат корейс кино филмларидаги хотирасидан ажлалган кишилар тушган вазиятга ўхшаб кетади. Мазкур ўхшашликда ҳам ўзбек ҳикоялари сюжетида илгари деярли учрамаган ноанъанавийликни кузатишимиз мумкин. Сюжетдаги бу ноанъанавийликни ҳикоя қаҳрамонининг эс-хуши ўзидалиқ чоғлари билан фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлган вазиятлари ўзаро уланиб кетиши натижасида вужудга келади.

Ҳикоя қаҳрамони Тангриберди исмли йигит болаликдан шахматга меҳр қўяди. Йигит учун бу ўйин тақдирга, ҳаёт мзмунига айланиб қолган. Лекин унинг отаси бунга кўника олмайди. Ўғлининг бу “бало” дан қайтариш учун нима қилса, қилиб кўрарди. Аммо ўғил ҳам ўз аҳдида муқим турарди. Йиллар ўтиб, ўғлининг қочиб кетишидан хавфсираган ота

уни уйлантириб кўяди. Энди иккинчи бир инсон, келиннинг ҳам ҳаёти дўзахга айланади. Шу ғурбатли ҳаёт чигилларида йигит ногирон бўлиб қолади. Унинг бу ҳолатга тушишига йигитнинг қишлоқда ҳақиқат ва адолат кураш даражасига кўтарилишига сабаб бўлади. Тангрибердининг қишлоқдаги иллатлар тўғрисидаги ҳаққоний фикрлари колхоз раисига маъқул келмайди. Оқибатда раис қишлоқдаги икки барзанги йигитни ёллаб, Тангрибердини ярим ўлик ҳолга етгунича калтаклатади. Фақат ёзувчининг маҳорати туфайли ўқувчига аён бўлса-да, бутун қишлоқ учун сирли ҳодисадек сақланиб қолаверади. Раис бунга эришмоқ учун ниҳоятда усталик билан ўйлаб топилган тadbирлардан фойдаланади. У калтакланган йигитга хайрихоҳлик кўрсатгандек бўлиб кўриниш учун уйига телевизор юборади. Натижада, раиснинг қилмишлари қор ёғиб, излар босилиб кетганидек сирлилигича қолаверади ва қишлоқдаги тартибсизликлар авж олаверади. Тангриберди эс-хушини йўқотган, узоқ вақт давомида унинг ота-онаси ҳам оламдан ўтиб кетадилар ҳамда хотини болалари билан уйига кетиб қолади. Тангрибердининг тафаккури ўз ҳолига қайтаётганлиги аён бўлади. Тангрибердининг дастлабки тафаккури ва ногиронликдаги ақли кўп рамзий маъноларни ифодалайди. Орзулар билан ёниб яшаётган ёш Тангриберди биқик ҳолатдаги қишлоқ аҳли орасида марварид донаси мисол эди. У қишлоқдан чиқиб кета олмаган Шовқи муаллимининг болалиги армони эди гўё. Тангрибердининг ногиронликкача бўлган ҳолати тафаккурининг биқикликдан чиқиши ҳаракати эди. У шу қишлоқнинг асл фарзандига оми фуқаролари қаторига қўшилади. У ўз орзу ва мақсадларини, ўзлигини унутган бир қоп гўштга айланиб қолади. Қизғин ва таъсирчан сюжетга эга бўлган бу асардан нафақат маиший ҳаётдаги ўзаро зиддий талқиннинг аянчали оқибатларига, балки бутун инсониятнинг тақдири, руҳиятига тааллуқли бир олам маънони англаш мумкин.

Асар сўнгига бориб, тўшакка михланган Тангриберди ташландик бир одамга айланиб қолади. Ўзидан сассик, кўланса хид чиқариб, бадани куртлаб кетади. Лекин уни яна ўрнидан турғизган “юр”, “юр” дея

кичкиришга сабабчи бўлаган нарсаси, олдинги ўз тафаккури эди. Уни уйғотган омил сифатида ҳикояда телевизор орқали намоёниш қилинган жаҳон чемпиониининг ўйини кўрсатилади. Телевизорга тикилиб туриб, Тангриберди шахмат чемпиониининг хатосини топади ва худди шу воқеадан йигитнинг тафаккури тикланаётгани маълум бўлади.

“Тангриберди жаҳон чемпиониининг ҳар бир ҳаракатини, ҳатто кўз қараишларини ҳам эътибордан қочирмасдан ўйинни кузатарди. Унинг бутун вужуди кўзга айланган, экран ичига кириб кетгудек бўлиб ўтирарди.

Бир маҳал тош қотиб ўтирган жаҳон чемпиониининг қўли ҳаракатга келади. Бармоқлари “от” нинг бошини тутади.

Шунда... Шунда... Тангриберди ўтирган жойидан қалқиб тушади.

- Йўқ! Йўқ дея пичирлади у ҳаяжонланиб. - “От” ни қўя тур! “Рух” ни С 8 дан С 4 га юр! Шунда... Ана шунда... !»

Худди шундай лавҳаларни кўзда тутиб, танқидчи Умарали Норматов Зулфия Қуролбой қизига ёзган “очиқ хат”ида ҳикоянинг мазкур ўрнида муаллиф истеъдоди ярқираб кўринганлигини алоҳида таъкидлаб, ғоятда таъсирчан манзаралар чизгани учун унга тасаннолар айтиш лозимлигини уқтирган эди.

Демак, “**Тафаккур**” ҳикоясида Зулфия Қуролбой қизи насрнинг ўзига хос фазилатларидан бири, яъни бир инсон тимсолида икки хил руҳий ҳолатдаги қаҳрамон образини яратиш маҳоратига эга эканлиги яққол кўзга ташланади. Худди шуни ҳисобга олиб, мунаққид Умарали Норматов асарни сўнгги йиллардаги ўзбек ҳикоячиликнинг ютуқларидан бири сифатида баҳолайди.

Зулфия Қуролбой қизи ижодига назар ташлайдиган бўлсак, унинг асарларида ҳаётнинг бир бўлагини кўришимиз мумкин. Адибанинг ҳикояларида атрофимизда яққол кўриниб турган, ҳозирги даврда бизни ўйлантираётган долзарб муаммолар ҳамда воқеа-ҳодисалар муҳим ўрин тутади. Зулфия Қуролбой қизининг ҳикояларидаги оддийлик, халққа яқинлик ижодкор услубига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Унинг

“**Икки манзил**” ҳикояси бу фикрнинг яққол далили бўла олади. Асар воқеалари икки: бир-бирига умуман қарама-қарши бўлган кишилар ўртасида рўй беради.

Оилавий муносабатларда онанинг қизига бефарқлигини, отанинг камалишини, аканинг ичкиликка берилиб, ўқишдан ҳайдалганини, олтита укасининг бебош қолганлигини кўриш мумкин. Оиладаги бу муаммолар ёлғиз қизнинг бўйнига юклатилган.

Зулфия Қуролбой қизи ушбу ҳикоясида икки: бир-биридан ёш, мавқеи, дунёқараши, ижтимоий келиб чўқиши жиҳатидан бутунлай фарқ қиладиган кишилар орасидаги муҳаббат туйғусини кўрсатган.

Адиба ижод намуналарида миллий адабиёт билан бирга жаҳон адабиёт таъсирининг мавжудлиги мазкур ҳикоя қаҳрамонлари исмсизлигида ҳам кўриш мумкин: жаҳон адибларининг кўпчилиги қаҳрамонларига исм қўймай қандайдир маъно юклайди. З.Қуролбой қизи қаҳрамонлари исмсизлиги сабаби – улар фикри, демакки, қиёфаси йўқ одамлар ва шу боис улар исмсиз қолган. Ҳикоядаги образлар ўз исмини топишга интилаётган кишилар. Улар ҳали исмини топганлари йўқ, лекин топиш учун интиляпти. Ўзларининг кимликларини муҳокама қиляпти. Муҳит деган салобатли ва залворли оқим йўқотиб юборган ўзларининг қалблари ва фикрларини излаб юрган кишилар. Адибанинг исмли қаҳрамонлари исмсизлардан кўпроқ – уларнинг бари ўзлиги ва ўзларининг мустаҳкам қарашларига эга образлардир. Уларни бу қарашлардан қайтариб бўлмайди. Шунинг учун исм қўйилган. “**Икки манзил**” ҳикояси қаҳрамонларига исм қўймай, уларни эркак ва аёл деб аташнинг ўзи ҳам улар орасидаги масофа жуда узоқлигини кўрсатади.

Воқеалар ривожидан давомида эркак ва қизнинг бир-бирига мутлақо қарама-қаршилиги суҳбатларида, мулоҳаза ва характерларида намоён бўлади. Эркакнинг муҳаббат ҳақида ёниб гапирганлари, замон ўзгариб ёшлар бу туйғуга енгил-елпи қараётганлигини тушунтириши қиз учун насихатдек туюларди.

Демак, “**Икки манзил**” ҳикояси Зулфия Қуролбой қизи насрининг яна бир фазилатини, яъни унда иккита бир-бирига зид характерлар яратиш йўли билан ҳаётдаги долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш хусусияти яққол намоён бўлади.

Таҳлилга тортилган ҳикояларнинг барчасидан ўзининг оригинал ғояларини ифодалаш учун ноанъанавий сюжет яратиш Зулфия Қуролбой қизи насрига хос асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади, деган хулоса келиб чиқади.

3.Қуролбой қизи ҳикоялари таҳлили ва назарий мулоҳазалар мазкур фасл юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– ҳар бир миллат фольклорида халқнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, хулқ-атвори, маросимлари, ҳаётдаги яхши ёмон ҳодисаларни баҳолаши, нафосатни тушуниш тарзи, ахлоқий маънавий фазилатлари ифодаланган бўлади;

– 3.Қуролбой қизи асар (“**Кампирлар**”, “**Қадимий кўшиқ**”, “**Аёл қиёфасидаги ажал**”, “**Кўланка**”) ларида фольклор мотивлари ва ривоятлар, фольклоризмнинг ранг-баранг кўринишлари иштирок этган;

– ёзувчи романларида оғзаки ва ёзма адабиёт синтезлашиб кетган (ҳар икки роман саргузаштларга, қаҳрамонлар қийинчиликлари тасвирига бой бўлиб, иккиси ҳам яхшилик билан хотима топган);

– ижодкорнинг нутқини лўнда ва қисқа, деб бўлмайди, албатта, бироқ рамзий бўёқдорлик, яширин маъно ёзувчининг фикр ва ғоясини ёрқин-тиникроқ ифодалашга эришган;

– XX асрда ишлаб чиқариш муносабатлари, капитализм ривожлангани, инсон ҳар томонлама моддий эҳтиёжини қондира олгани ҳолда инсоният бахтли бўлиб қолмаган. Юз берган жаҳон урушлари натижасида адабиётда тушкунлик, йўлсизлик, умидсизлик оқими – абсурд шакланган, бу 3.Қуролбой қизининг аксар ҳикояларига хосдир (“**Тафаккур**”, “**Аёл**”, “**Ёзсиз йил**”);

– адиба ижод намуналарида миллий адабиёт билан бирга жаҳон адабиёт таъсири ҳам сезилади,бу айрим асарларидаги қаҳрамонларига исм қўймаслигида кўринади: жаҳон адибларининг кўпчилиги қаҳрамонларига исм қўймай қандайдир маъно юклайди.

2.2. Адиба асарларида аёллар образи

“Тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан Истиқлолга эришилганига кўп бўлгани йўқ. Бинобарин, унинг ижтимоий, маънавий ва ўзга белгиларини айириб кўрсатиш анчагина мушкул. Айни вақтда ўтган йиллар шундай салмоққа, шундай ўзгартувчилик қудратига эгадирки, халқ психологияси, дунёни идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш тарзида шунчалик катта ўзгариш ясадики, аввалги бир неча ўн йилларда ҳам бундай қилиб бўлмасди³⁴”.

Бу нарса адабиётга ҳам таъсир ўтказмай қолмади, албатта. Чунки янги тузум одамларни илгаригиси каби коллективлаштиришга эмас, балки ҳар бирини алоҳида шахс сифатида кўришга йўналтирилганди.

Одам чуқурлашгани, кишиларнинг интеллектуал-руҳий савиялари кўтарилгани сари уларнинг индивидуал жиҳатлари яққолроқ намоён бўлаверади. Фақат теран ўйлайдиган кимсаларгина танҳоликка интиладилар. Чунки уларнинг ўзлари билан, кўнгиллари билан қиладиган ишлари бор. Ўйламайдиган одам учун ёлғизликдан катта фожеа йўқ. Шу боис бугун адабиёт оммавий эмас. Илгариги каби катта-катта йиғину тадбирларда битта китобни ҳамма бирдек севиб, мақтаб, ёки бирдай танқид қилиб ўтира олмайди. Бугунги адабиёт ўта индивидуал адабиётдир. Чунки бугунги одамнинг ўзи алоҳида одам. Кечагина фақат бирор ижтимоий табақа вакили бўлган инсон бугун ўз қарашлари, ўз диди, ўз тасаввури ва принципига эга бўлган шахсдир. Шахслиги теранлашмаган миллатнинг қизиқишлари бир хил ёхуд бир-бирларига яқин бўлади. Шахсияти теранлашган миллатнинг ҳар бир аъзоси ўз олами билан яшайди. Бундай одамлар оломон бўлолмайди, тўдалаша олмайди. Ва шунинг учун ҳам бугун ҳаммани бирдай ром қилиши мумкин бўлган нарсанинг бўлиши мумкин эмас.

Бадий асарлар қаҳрамони ҳамиша бирор кураш: синфийми ёки ўзи биланми ё бирор образ биланми, банд ҳолда тасвирланиши ҳам ўтмишда

³⁴ Қ. Йўлдошев. “Ёниқ сўз”. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006 йил, 15-бет.

колди. Эндиги бадий адабиёт эса одамнинг туйғулари, ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатларини тасвирлай бошлади.

Тадқиқотимиз объекти бўлган З.Қуролбой қизи асарларига ҳам шу ҳолат хос. Унинг роман ва ҳикояларида олам гултожи, мукаррам яратик ҳисобланган Инсон шайтоний нафси туфайли гуноҳга мойил, қилган гуноҳлари туфайли қабихликлар қилишга ҳам қодир, шу билан бирга қилган гуноҳларини ўйлаб қийналадиган мураккаб мавжудот тарзида гавдаланади. Ёзувчи ўқувчига ақл ўргатмайди, ҳаётга тайёрламайди, ундай қилиш тўғри, бу нотўғри дея йўл-йўриқ кўрсатмайди. У ҳис уйғотишга уринади. Чунки Абдулла Қаҳҳор айтганидек: *“Билган билиб қўявериши мумкин. Ҳис қилган ҳис қилиб қўявермайди”*. З.Қуролбой қизи бутун ижоди давомида шунга амал қилади. Қай бир асарини олманг, барчасида ўқувчини изтиробга соладиган, қувончга тўлдирадиган, умуман, безовта қиладиган жиҳат мавжуд. Унинг асарларини бефарқ, ҳиссиз ўқиб бўлмайди. Ёзувчи асарларида типик, яъни барчага таниш, барчага ўхшаш одамни эмас, балки тип – алоҳида, ҳеч кимга ўхшамаган, бетакрор одамни тасвирлайди.

Ўзбек адабиётида аёллар образига ҳамиша эҳтиёт бўлиб ёндашилган. Аёл фаол иштирокчи сифатида гавдаланган бадий асарлар жаид адабиётдан эътиборан кўрила бошлади. Унгача аёлнинг ўзи эмас, маъшуқа, шоирнинг илҳом париси, гўзаллик тимсоли сифатида ижодкор кўнглида уйғотган туйғулари таърифланарди. Аср бошидан аёлга маиший юк ортиб бўлса-да, аёл образига қўл урила бошлади. Уруш йиллари адабиётида жангчини кутаётган она, сингил, ёр, урушдан сўнг барча соҳада эркалар билан баробар фаолият юргизаётган тенг ҳуқуқли индивид, 1980 йиллар охирига келиб эса, жамият, тузум, оғир шароит қурбони тарзда ижтимоий юк билан ифодалан бошланди.

Истиқлол даври адабиётида дастлаб қатъий тамойиллар, шаклланган адабий қарашлар йўқ эди. Чунки илгаригиси эскирган, янгиси ҳали такомиллашмаганди. Бу даврда таржимага кўп қўл урилганлигини боиси

хам шунда. Айнан шу даврда ўзбек китобхонлари турк адабиёти намуналаридан баҳраманд бўлишди.

Йиллар ўтиб, барча соҳа каби адабиёт ҳам бир қадар сокин, барқарор тус олгач, аёл образи бадиий адабиётга ўзининг барча қирраси билан кириб келди. Саломат Вафо асарларида туркона жангари табиатли, бирмунча ёввойи, исёнкор аёл гавдаланса, Дилбар Саидова асарларида мулойим, меҳрибон, кечиргувчи, кенг феълли чин ўзбек аёли тасвирланади.

З.Қуролбой қизи асарларида иштирок этадиган аёл образлари Саломат Вафо асарларидагига ўхшаб кетади. З.Қуролбой қизи ҳам С. Вафо каби сўзни авайлаб ишлатмайди. Куйдирувчи сўзни, сескантирувчи сўзни ҳам, жойи келса, аямай қўллайди. Шунинг учун ҳам бу аёллар ёқимсизроқ, совуқроқ бўлади. Ва шу боис ҳам китобхон хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Айнан оғриқли сўзлар эсан чикмайдиган образ яратишга ёрдам беради.

З.Қуролбой қизи асарларига образларни, бу айниқса, аёл образларида бўртиб кўзга ташланади, силлиқлаб, иллатлардан халос этиб киритмайди. Ифлос одамни бутун ифлослиги билан, бутун жирканчилиги билан кўрсатишга уринади. “Машаққатлар гирдоби”даги Санобар билан Гулруҳ образларини олайлик. Бир-бирига бутунлай зид бўлган икки олам. Санобар бефаҳм, тепса-тебранмас, сурбет, хунук семириб кетган, ёшига нисбатан қари кўринади. Гулруҳ андишали, тортинчоқ, пазанда, одамий, аслидагидан анча ёш кўринади. Саноар ношуд эри билан кўнгилсиз турмушининг ҳиссасини бошқалардан чиқаришга уринади. Ҳаётнинг аччиқ синовлари олдида ёлғиз, ҳимоясиз қолган, энг яқин деб билган кишисидан ёрдам у ёқда турсин, оддий тушуниш кўрмаган Гулруҳнинг ҳолатлари тасвиридаги оғир юк китобхонни ўйлашга мажбур қилади.

Саломат Муҳаммад Вафо ва Зулфия Қуролбой қизи романлари ҳозирги даврнинг муҳим ва мураккаб муаммоларини дадил кўтариб чиққанлиги билан адабиётимизда сезиларли ҳодиса бўлди. Лекин фақат мураккаб муаммоларни жасорат билан кўтариб чиқишнинг ўзи ёзувчининг

ёки адабиётнинг катта янгилиги ҳисобланмайди. Агар шундай бўлганида, публицистика бадиий адабиётнинг етакчи жанрига айланиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Зулфия Қуролбой қизи насрининг асосий фазилатларидан бири шундаки, у ҳозирги замон ҳаётининг кўплаб мураккаб муаммоларини, оғриқли масалаларини дадиллик билан кўтариб чиқишнинг ўзи билан чекланиб қолмасдан уларни имкон даражасида кенг кўламда таъсирчан шаклда, қизиқарли тарзда ва ибратли хулосалар чиқаришга имкон берадиган йўсинда бадиий талқин этишга интилмоқда. Адабиётнинг публицистикадан фарқли томони шундаки, у қаламга олган ҳар қандай ҳаётий муаммони завоҳил билмас янгилик, яъни диний тарзда акс эттиради. Шундай акс эттиришга интилиш натижасида сўнгги йилларда Зулфия Қуролбой қизининг **“Армон асираси”** ва **“Машаққатлар гирдобини”** номли романлари юзага келди.

Адибанинг **“Армон асираси”** романида оддий одамларнинг оддийдан ҳам жўн ташвишлари акс эттирилган. Романда миллат тарихи тараққиётининг ҳал қилувчи босқичидаги улкан ижтимоий воқеалар, сиёсий эврилишлар эмас, балки ўз мавжудлигини таъминлашга-да ночор кунини кўришга зўр бериб уринаётган, аммо шуни ҳам уддалай олмаётган кишиларнинг аянчли тақдирлари тасвирланган.

“Армон асираси” романида ўзлигини сақлаш, ўз қиёфасига эга бўлиш имконига эга бўлмаган одам, уни ҳамиша турланиб-тусланиб туриш, эшилишга мажбур этадиган вазиятлар ва шу ҳолатда тирикчилик ўтказишга маҳкум шахсларнинг мавжудлигидаги фожиавийлик ҳамда уларнинг сезимларидаги кишини ларзага солувчи жиҳатлар улкан хайрихоҳлик билан тасвирланган. Айни вақтда асарда ҳар қандай ёмон шароит ҳам чинакам одамнинг шахсиятидаги ўзак сифатларни ўзгартира олмаслиги акс этган. Романнинг мазкур хусусиятлари ҳақида адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев қуйидагича мулоҳаза юритади: *“Одатда, романдан ҳаётдаги воқеаларнинг ижтимоий салмоққа эга қаҳрамон табиатини очишга хизмат қиладиганларини саралаб тасвирлаш талаб*

қилинади. Зулфия эса воқеаларни муҳим – номуҳимлигига ажратмайди, қаҳрамонлари ҳарактерини ўта жўн, майда ва ҳатто тубан маиший воқеалик фонида кўрсатишдан ҳам тап тортмайди. Бу хил ёндашув кўп ўринларда, образларнинг моҳиятини очишда сдибага қўл келган”³⁵.

“Армон асираси” романида энг кўп ўрин эгаллаган на Насиба, на умри фожиалар гирдобидида ўтган Дониш, на прототипи муаллифнинг ўзи дейиш мумкин бўлган Хулкар Армон, на қисматга аччиқма-аччиқ яшаётган Беҳзод ва на ёвузлиги билан ҳамманинг кўнглига дахшат солиб турувчи Талгат, нафақат ижтимоий ҳаётни ўзгартира олади, балки ўз тирикчиликларини тузук йўла қўя олишади. Уларнинг бирортаси ҳам қаҳрамон даражасига чиқа олмаган кишилар. Шунчаки кун кечириб яшаб бўлмаганидай, тирикчилик ўпқонига ютилган одам ҳам қаҳрамон бўла олмайди.

Асарда фавқулодда ҳолатга тушан одамларнинг таран руҳий ҳолатлари, рўй берган ҳиссий-маънавий эврилишлари маҳорат билан кўрсатилган. Жумладан, асарда йўқчилик туфайли ўзбек аёлининг ўзидаги эзгу сифатлардан айрилиб бориш жараёни таъсирли акс эттирилган:

“Насиба ҳам жаврай-жаврай охири тинди. Ётоқхонага кириб, ешикни ичкаридан қулфлади. Кейин бурчакда турган сандиққа ўхшаш қутини очиб, унинг ичидан чоғроққина бошқа бир қутини – афтидан, бу эгизак буюмлар қандайдир йиғма мебелнинг бўлаклари эди – олиб уни тиззасига қўйди-да, қопқогини очдида, ичидан бир даста эски-янги пулларни олиб, шоша-пиша санай бошлади. Саноқ охирлаган сайин унинг ранги ўчиб, борарди. “Вой ўлсин, балоям қолмабди-ку”, - дея пичирлади ўзига-ўзи”³⁶.

Маънавият жуда юксак тушунча, лекин у ўзгармас ва турбун ҳодиса эмас. Одамдаги маънавий сифат ҳаётнинг ўзида, унинг таъсирида шаклланади, ўзгаради ва юксалади. Романда тўғри йўлга қўйилмаган ҳаёт

³⁵ Йўлдошев Қ. Азобда тобланган одамлар тасвири. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2009, 4-бет.

³⁶ Зулфия Куролбой кизи. Армон асираси. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2009, 14-бет.

одамнинг моддий ҳолатигагина эмас, балки маънавий – ахлоқий сифатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ёрқин акс эттирилган.

Зулфия Қуролой кизи тимсоллар моҳиятини ёрқин очувчи кирраларни яхши билади. Шунинг учун ҳам у Насибанинг руҳиятидаги эврилишни тўлиқ кўрсата олган. Романда соддагина Насиба текширадиган, хатти-ҳаракатларини тафтиш қиладиган ўй кишиси – сифатида тасвирланади. Насиба тимсолида адоқсиз машаққатлар, сўнгсиз азоблар ҳам эзгуликка умид ва одамларга ишонч туйғусидан айиролмаган ўзбек аёли тасвирланади. Оиласи тинчлиги, болалари соғлиги, ерининг хотиржамлигинигина ўйлайдиган бу аёл дунё муаммоларини ҳал этишни даъво қилмайди, шохона ҳаётни орзуламайди, одам қатори яшашни истайди холос.

Насиба қаҳрамон ҳам эмас, донишманд ҳам эмас. Лекин у одамнинг тириклиги фақат азоблардан иборат бўлиши мумкин эмаслигини билади, осамларга ишонади ва эзгу кунлар келишига чинакамига умид қиладди. Охири кун келиб унинг ҳам омади юришиб қолар. Ахир дунё ўзгаришга юз тутмоқда!³⁷

Донишнинг саъй-ҳаракатларию Ҳулкар Армоннинг жимгина кўллови оқибатида забун аҳволга тушган Насибага киши бир томондан ачинса, иккинчи жиҳатдан, жаҳлланади. Чунки одам тушган ҳолати, оғир аҳволи учун ҳамиша асосан ўзи сабабчидир. Эрк ва саодат ҳеч қачон ҳеч кимга биров томонидан тақдим этилмайди. Уни ҳар ким ўзи қозониши, ўзи учун кўлга киритиши керак. Ўз эркини таъминлай олмаган кимса танқид ва ёзғиришга лойиқ. Руҳи кишанланган, эркин бўлмаган Насиба Дониш ёки Талгат бўлмаса, бошқасининг чангалига тушиб, яна шўрига шўрва тўкиларди. Бу аниқ. Чунки Насиба табиатан мунис, фидокорлигу қурбон бўлишга руҳан мойил қиз эди. Қиссада Ҳулкар Армон тилидан айтилган гапларни ўқиб шу хулосага келиш мумкин. Ҳулкар Армон ҳам вақтида

³⁷ Зулфия Қуролбой кизи. Армон асираси. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2009, 37-бет.

Насиба каби андишаликкина, нозиккина, ўзини ўйламайдиган бўлган. Аммо турмуш зарбалари, ҳаёт синовлари, эрининг латтачайнарлиги, ишхонасидаги муҳит – ҳаётида юз берган ва бераётган барча ҳодисалар унинг дийдасини қотириб ташлаган. Унда биргина умид қолган – фарзандларим катта бўлса, аҳвол ўзгаради, ана шунда ўзлигимга қарши бормай яшай бошлайман.

Ана шу умид уни улуғлайди. Зеро, шайтон ва унинг йўлидан кетаётанларгина умиддан маҳрумдирлар.

Ким билади, балки Ҳулкар Армон фақат яхшиликни кўзлаган, ўзи тушган ҳолга Насианинг ҳам тушишини истамагани боис тинмай қарз берган, Донишнинг лотерея ҳақидаги хомаёлларига пишанг берган, уни ўтқазиб, кўзини очишга уринмагандир. Чунки Насибадаги ҳаёт қийинчиликлари, йўқчилик, зарбалар синдира,бука олмаган ўзбекона тутум, ўзгаришсиз қолаётган феъл-атвор унга хуш келар, ҳавасини кўзгарди.

Ҳулкар Армон жуда қабарик, даҳшатли, ҳатто баъзи ўринларда ваҳший қиёфа касб этадиган образ. Ҳулкар Армонга қўйилган исм ёки тахаллус бежиз эмас. Асар ўқилиши жараёнида, айниқса, кутилмаганда келган газетчи йигитнинг Ҳулкар Армонга пул эвазига ижодга ундаши, аёлнинг хонага қамалиб олиб, сериалини тугатмагунча чиқмай ёзиши, дилидан кечаётган иқрори лавҳасидан сўнг бу аёлнинг ичи дардларга тўла ва улар чиқишга йўл тополмай пишиб, етилиб турганига, сал туртки кифоя, ўзлари отилиб чиқиб кетишига амин бўлади киши.

Мана шу образ 3.Қуролбой қизи қаламига мансуб яна бир роман “Машаққатлар гирдоби” қаҳрамонларидан бири Санобарни эслатади. Бу образ бош қаҳрамон Гулруҳ – ўзи каби савдогар, дадил, шижоатли, шу билан бирга беғубор, бола каби самимий, ёрдам сўрагандан борини аямайдиган, ўзида йўқ бўлса, бошини фалокатга қўйиб бўлса-да топиб берадиган аёлнинг тақдирини синдиришга жуда уринади. Ундаги бу ғараз, кўролмаслик сабаби романда мана дея очик кўрсатилмагани ҳолда, матн

остидан синчков ўқувчи бунга боис Санобарнинг Гулруҳга жуда ҳаваси келиши, унга ўхшаш орзуси борлиги, аммо зинҳор ўхшай олмаслигини яхши билиши, шу боис аламзада бўлиб, уни ёмон кўриб, ҳатто нафратланиб ҳам қолганини илғайди.

Гулруҳ эса илгари ҳам оғир кунларга тушган, бир неча бор синиб, бошқатдан ўзини тиклаб олган эди. Зотан унинг асл касби жаррроҳлик эди, ҳар кун инсон ҳаётини ҳал қилиш, ўлим ёқасидан олиб қолиш ёки ўлимига сабаб бўлишдан машаққат билан бир неча бор тўкнашишига, шу билан яшашига тўғри келган эди. Шу боис ҳам у савдони танлайди, савдо иши таваккалчиликни талаб қилади. Баъзан яхши бўлса, баъзида ишлар умуман юришмайди. Аммо Гулруҳни қийнаётган муаммо мол-мулк, пул эмас, марҳум бемори ҳақидаги хотиралар, унинг ўлимида ўзини айбдор ҳис этиш эди. Бу туйғу, виждон азоби бутун вужуди, миясини пармалаб, ҳар сониясини заҳарлаб турганди. 3.Қуролбой қизи асарларини ўқиган одам улардаги шафқатсизликдан эзилиб кетади.

Адабиётда аёл ҳамиша нафосат, меҳрибонлик ва шафқат тимсоли сифатида тасвирланиб келганди. Аммо “Аёл”, “Момо Ҳаво”, “Муҳаббат ва нафрат”, “Туноҳ”, “Армон асираси” асарларида аёллар ўз табиатларидан келиб чиққан ҳолда энг қора, жирканч бўёқларда тасвирланган. Хусусан, “Момо Ҳаво” ҳикоясидаги Нафосат образи ўзбек адабиётида янгилик аташ мумкин бўлган салмоққа, бадий юкка эга. Ўқирман ҳикоя сўнгига қадар Акбар билан бирга Нафосатни суяди, унга топинади, ҳар сонияда ундан миннатдор бўлади, яхши ҳам шундай аёллар бор деган таскин билан кўнгли кўтарилади, Акбарнинг тақдиридан хотиржам бўлади, унинг ногирон қизи кўчада қолмайди, уни Нафосат тузатиб юборади деган ишончда юради, ҳатто Акбардай ичкиликбоз, масъулиятсиз, иродасиз, ўзини тия олмайдиган инсонга тақдир Нафосатдай бетакрор, ақлли, андишали, фидокор, чинакам ўзбек аёлини рўбарў қилди экан, дея ёзғиради ҳам. Аммо ҳикоя сўнггидаги биргина “самимият ўпирилиб

тушганди...’’³⁸ жумласи юқоридаги каноатларнинг барчасини йўқка чиқаради, сокин, хотиржам ҳолдаги ўқирманни ҳаловат оғушидан бешафқат, муздек оқим бағрига ташлайди.

3.Қуролбой қизи киши табиатидаги иллатга бармоқ нуқишни хуш кўради. Уни алоҳида олиб, бўрттириб, умуман тарашламай, силлиқламай китобхонга тақдим этади. Бу ерда ҳам Нафосатни пардозламайди, тарашламайди, фақат қилмишлари, гап-сўзларини бирма-бир гавдалантириб бораверади, ўқувчини Акбар каби беҳабар ҳолда ушлаб туради. Бу жуда қийин вазият – ижодкорга асар охирига қадар холис қолиш, қаҳрамоннинг асл табиатини пинҳон тутиш, унга муносабати ёмон ё яхши эканини билдирмаслик ҳар бир ижодкорнинг ҳам кўлидан келавермайди. 3.Қуролбой қизи умуман одамни, шу билан бирга аёлнинг сирли табиатини ҳам жуда яхши билишини намоён этган.

“**Машаққатлар гирдоб**и” романидаги Санобарнинг пул ишлаб қолиш, озод бўлиш илинжида Гулруҳни мардикорларнинг иш берувчиси Ҳаким Назаричнинг шартига кўнишга ундаши билан “**Армон асираси**” даги Зухранинг ўз эҳтиёжини қондириш, аламзадалигини унутиш, бозордагилар олдида мен адашмайман дея бир кўрсатиб қўйиш истагида ҳашаматли бинода ишлай бошлаши орасида муштараклик бор. Фарқи Санобар уни озодлик учун қилган, Зухра эса яхши ёки ёмоннинг фаҳмига бормагани учун қилганди. Шу ўринда китобхонга ҳам, бошқа қаҳрамонларга ҳам енгилтабиат кўринган Зухра табиатининг яширин жиҳатлари намоён бўлади. Донишнинг кўзларига қарай олмай, ўзини танимаганга олиб кетгани қизнинг ҳали у қадар сурлашиб, тубанлашиб улгурмагани, уни қутқариш, тўғри йўлга солиш имкони ҳамон борлигини билдиради.

Адиба асарнинг бирор ерида на Насиба ё Гулруҳни шарм-хаёли, иболи деб, на Зухра ё Ксенияни ҳаёсиз, сурбет, пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган пасткаш деб таърифлаган. 3.Қуролбой қизи уларнинг

³⁸ 3.Қуролбой қизи. Ўлим ҳеч нарса эмас. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2011, 25-бет.

барчасини ҳаракатда кўрсатган. Китобхон кўз ўнгида қаҳрамон табиати унинг гап-сўзлари, тутумидан аёнлашиб бораверади.

Инсон ўзига яхшилик қилган одамдан миннатдор бўлиши қийин. Уни ҳамиша миннат хавфи қийнайди. Ўзига ёрдам берган кишининг олдида тили қисик бўлиб юриши, унинг қўлига қараб қолганлиги, бировга қарамлик туйғуси киши кўнглидаги эзгуликларни емириб юборади. Ёки ҳамиша ёрдам беришига ўрганиб қолиб, мазахўрак бўлиб қолишади. **“Машаққатлар гирдоби”** романидаги Пўлат Дамирович образи ҳам шундай. У аёли берган пулларни нотўғри йўлларга сарфлайди, ҳамиша аламзада бўлиб, гастербайтерлардан ўч олиб, уларни таҳқирлашдан хузурланиб юради. Гулруҳга бирдан қизиқиб, ҳатто “севиб” қолиши ҳам унинг турмуш ўртоғи олдидаги тили қисиклиги туфайли эди. Рафиқасидан қарздор экани учун уни жуда ёмон кўради, шу билан бирга, яхши ҳаётни хоҳлагани учун ундан айрилиб кета олмайди. Ўз навбатида, Пўлат Дамировичнинг аёли ҳам буни яхши билади. Вақти-вақти билан эрининг танобини тортиб, тартибга чақириш учун кескин чоралар кўриб туради. Шу ерда З.Қуролбой қизи ўзбек аёллари билан бошқа миллат вакиллари орасидаги фарқни жуда гўзал, ғашга тегмайдиган шаклда кўрсата олган. Ўзбек аёли ижтимоий-моддий аҳволидан қатъи назар, эр олдида бир поғона паст туради, ҳеч бўлмаса шундай рол ўйнайди.

Насиба ва Гулруҳ орасидаги ўхшашлик нафақат уларга таъсирини ўтказган аёллару иккисининг ҳам ҳаётлари издан чиқиб кетганида, балки ҳар икки аёлнинг ҳар куни ҳаётнинг шундай оғир синовларию атрофдагиларнинг қақшатқич зарбалари, билмасдан айтгандай қилган пичингу таъналари, ерга урмоқчи бўлиб қилган ҳаракатларию ўзини устун кўйишга уринишлари, эслашнинг ўзидаёқ нафратланиб кетадиган кишиларининг улар васлига интилиши (Насибага Талгат, Гулруҳга Ҳаким Назарич ва Пўлат Дамирович) – шунча азобларга дош бериб яшашнинг уддасидан чиқа олганида ҳам кўринади. Улардан бирини эски-туски бозорга, бирини эса Россияга олиб борган сабаб эса одамларнинг

бешафқатлиги, жамиятда бундай софдил, покиза шахсларга ўрин йўқлигидир.

3.Қуролбой қизи асарларида аёл ўзининг бутун адабиёт аҳли неча минг йиллардан буён кўниккан латофати, назокатидан маҳрум бўлиб, яланғочлашди. Ёзувчи бу борада жуда шафқатсиз, хатто баъзи ўринларда ошкора хузур билан аёлларнинг жирканч, майда гапу мантиқсизлигини кўрсатади. Бунда сўзларни ҳам териб-териб, эринмасдан, ҳеч нарсани унутмаган тарзда бирма-бир қўллайди.

Одам яралишидан тақдирга асир, банди. Шунинг учун ҳам у банда, деб аталади. “Банда” – банди, кул, деганидир. Шох Эдип тақдирга чап бермоқчи бўлиб тадбир кўргани сари фожиаси чуқурлашаверди, аҳволи оғирлашаверди. Балки тақдирга тан бериб ўтираверганида ўз отасини ўлдирмаган, онасига уйланмаган, мамлакат бошига кулфат келишига сабабчи бўлмаган бўларди. У айдбор эмас, у юқоридагиларнинг барчасини соф виждон, яхши ният билан, энг асосийси, ғофилларча қилган. Аммо тақдирида шундай битилгани боис ҳам падаркушга, онасига уйланган дўзахийга айланади. Тақдир ишига аралашмоқ, уни ўзгартирмоқ инсон кўлидан келадиган, инсон ихтиёридаги юмуш эмас. Буни ҳар бир шарқлик сингари А.Йўлдош қаҳрамонлари ҳам чуқур англашади. Улар тақдирга чап бериш ёки уни алдашга уринишмайди, тақдирга пешвоз чиқиб, уни борица қабул қилишади. Негаки, исломий тарбия, шарқона яшаш тарзи кишига Яратган иродаси туфайли энг оғир вазиятлардан ҳам халос бўлиши, энг охирги дақиқада ҳам кутилмаган бир ердан имдод келиб қолиши мумкинлигига ишонч туйғусини беради. Мабодо, бундай бўлмаган тақдирда, нариги – чин дунёда саодатга етишига умид уйғотади. Асл мўминни умид ҳеч қасон тарк этмайди. Ноумид – шайтон, деганлари бежиз эмас. Ўлими яқинлигини касал ҳам, унинг яқинлари ҳам охирги нафасгача тузалишидан умид қилиб, неждир мўъжизани кутиб туришлари шундандир.

“Одам ва қисмат, шахс ва тақдирбитик ўртасидаги муносабат тадқиқи, хоҳ фалсафада бўлсин, хоҳ адабиётда, ўз-ўзидан абсурдга олиб келади. Негаки одам ақли етган ҳодисани изоҳлай билади, мантиқий ниҳоясини кўриши мумкин бўлган ҳолатларда башиорат қила олади. Аммо у ҳеч қачон ўз тақдирини била олмайди. Киши ҳаёти исталган бир сонияда мутлақо кутилмаган ва башиарий мантиққа мувофиқ бўлмаган ўзанга тушиб кетиши мумкин³⁹”.

Инсон тақдири, умуман, бутун ёруғ олам илоҳий ақл асосида яралган ва бошқарилаётир. Унда инсоннинг бўлиш-бўлмаслиги фақат инсоннинг ўзигагина аҳамиятлидир. Ҳайвонот, наботот дунёлари инсонларсиз мавжуд бўла олади, аммо инсоннинг уларсиз яшай олиши даргумон. Шу ҳолида яна баъзи инсонларнинг тақдир ҳукмига аралашишга, унинг йўналишини ўзгартиришга уринишлари аянчли. Санобар ўзининг қисмат олдида қанчалар ожиз яратик эканлигини англаб етмаган аёл. У ўз ҳадди имкониятларини билмайди, ўзини бутун коинотни бошқараётган илоҳий иродадан алоҳида, ҳатто, айтиш мумкинми, тенг ҳисоблайди. Ўз наздида омади чопиб турган, Ҳаким Назарович ёки Пўлат Дамировичнинг беҳаё таклифига кўниши керак бўлган Гулруҳнинг бахти очилиши йўлида кўллаётган барча тадбирлари қизни тобора жарлик ёқасига келтириб кўяётганининг фаҳмига ҳам шу боис етмайди. Ахир у тақдир эгаси, у қўл урган ишнинг охири ёмон бўлиши мумкин эмас. Шундай бўлган тақдирда ҳам ҳечқиси йўқ, бир иложини қилиб, жуда бўлмаса Наргизани сотиб, қутилиб кетиш мумкин.

“**Армон асира**”да эса Ҳулкар Армон тақдирга тан беради, унга исён қилмайди. Йўқотгани учун курашмайди, аммо ўзини-ўзи еб битиради. Ким билади, балки унинг ўтмишида ҳам Санобар каби “беминнат” ёрдамчилару Пўлат Дамировичлар бўлгандир. Балки шу сабабли ҳам у суйган касби, турмуш ўртоғидан айрилгандир. Бу ёғи китобхонга қоронғу.

³⁹ Қ. Йўлдошев. “Ёниқ сўз”. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006 й., 162-бет

“**Армон асираси**”ни ўқиган китобхон бир нарсага амин бўлади: Хулкар Армон ва Насиба аввал-бошдан бу дунёнинг одами эмасди. Улар бу дунёга, бундай одамларга увол. Тақдири фожеий якунланиши ҳам китобхонга элас-элас аён эди. Чунки юракда бундай туйғуларни кўтариб юриш, уларни ҳар куни бошдан қайта кечириш вужудни ғолдан тойдириши, асабларни ишдан чиқариши тайин эди. Хулкар Армоннинг қисматиға қийноқда умр кўриш ёзилган эди. Ва у буни ғайришуурий тарзда сезарди ҳам. Шу боис у тақдирға ҳеч қандай тадбир кўрмади, балки кучоқ очиб пешвоз чиқди.

Муаллифнинг ютуғи шундаки, таҳлилға тортилган асарлардаги бирор образ биз шу пайтгача кўникиб келган, тасаввуримиздаги одатий қаҳрамонларға ўхшамайди. Улар ўз табиатиға эға ва фақат шу табиатларидан келиб чиққан тарздагина ҳаракат қилишади. Санобар (“**Машаққатлар гирдоб**”), Султонмуроднинг хотини (“**Қадимий қўшиқ**”), Нафосат (“**Момо Ҳаво**”), Хадича (“**Ёзсиз йил**”) ларнинг бу қадар бефаҳм, тўнкамижозу Гулруҳ (“**Машаққатлар гирдоб**”), Шоҳсанам (“**Қадимий қўшиқ**”), Насиба (“**Армон асираси**”)ларнинг шунчалар нозик, андишали, тортинчоқ, масъума бўлиши мумкинлигига ўқувчини ишонтира олади. Адиба образлар ҳатти-ҳаракатини тадқиқ қилишдан эринмайди. У воқеликнинг ташқи томони, оқибатни кўрсатишға шошилмайди. Ҳар бир оқибат муайян сабабнинг боласи эканлигини қаҳрамонлари тақдири мисолида кўрсатади. Ҳар бир қаҳрамон ҳатти-ҳаракати, феъл-атвориға мос тақдирға эға бўлади, шу билан бирға унинг табиатини пешонасига битилган тақдири ҳам белгилайди, деган қараш 3.Қуролбой қизи асарларига сингдирилган.

Чиндан ҳам, Насиба бошқа инсонға турмушға чиққанида ҳам аҳвол ўзгармас эди. Унинг феъли шу қадар юмшоқки, уни сал яқиндан таниган кишининг дарров хўжайинлик қилгиси келиб кетади. Ва аксинча, эҳтимол чинакам “шаҳзода”сини учратган ва у билан турмуш қуриб, жуда бахтли бўлмаса-да, бу қадар фожеий ҳам эмас, тинчгина яшаши мумкин эди.

Такдир мана шундай “агар бўлганда” “шундай бўларди” каби афсус ва армонлардан иборат ўзи. Чунки инсон ақли етган ҳодисаларнигина изохлай олади, ниҳоясига мантқан ета олган ҳодисаларнигина башорат қилиши мумкин. Аммо тақдирини ҳеч қасон била олмайди. Ўзиникини ҳам, ўзганикини ҳам. Киши ҳаёти мутлақо кутилмаганда, бир сониянинг ичида бутунлай ўзга оқимга тушиб кетиши мумкин. Ва бунда бандасининг кўлидан ҳеч нарса келмайди.

Дарҳақиқат, агар Насиба бошқа турмуш курганида эҳтимол воқеалар бутунлай бошқа йўсинда ривожланган бўларди. Аммо тақдирга тадбир йўқ. Такдирдан қочиб қўйилган ҳар бир қадам кишини айнан тақдирга яқинлаштираверади. Жаҳон адабиёти дурдонаси, фожей кўлами билан ўқучилар қалбини неча асрлардан бери ларзага солиб келаётган Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедиясини олайлик. Эдип туғилганида қоҳинлар унинг келажакда ўз отасини ўлдириб, ўз онасига уйланишини башорат қилишади. Бу машъум тақдирдан қутилиш ниятида шоҳ болакайнинг товонига миҳ қоқиб, ўлдириш учун чўпонга беради. Чўпон гўдакни ўлдиришга қўли бормай, қўшни мамлакатнинг бефарзанд шоҳига олиб бориб беради. Асранди эканлигини билмай улғайган Эдип балоғатга етгач, тасодифан машъум қисматида бохабар бўлиб қолади. Ва бунга йўл қўймаслик учун у мамлакатдан ўзининг асл ватанига қочиб кетади. Йўлда бир қария билан гап талашиб, уни ўлдириб қўяди. Кейин шоҳ эканлиги маълум бўлгач, ўша давр қонунларига кўра унинг тахтини эгаллаб, унинг аёлини никоҳига олади. Яъни қоҳинлар башорат қилганидай отасини ўлдириб, онасига уйланади. Агар Эдипнинг ота-онаси тақдирни ўзгартиришга уринмай, ўзлари катта қилишганида шу фожеа юз бермасди. Зотан бола асл ота-онаси кимлигини биларди. Ёки эр йигит Эдип бундан огоҳ бўлганида тақдирдан қочмаганида асл отаси билан учрашиб, қон тўкмаган, онасига ҳам уйланмаган бўларди. Таассуфки, инсонда “агар” ва “бўларди” деб тусмол қилиш имкониятигина бор, холос.

“...тасодиф отлиг хилқатнинг юзлаб-минглаб унсурлари мутлақо кутилмаганда айни лаҳзаларда мунтаносиб ҳолда жамулжам бўлган ва айнан ушбу лаҳзаларда хонамизда кимнидир кутишмоқда эди. Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди...”⁴⁰»

Шу каби 3.Қуролбой қизи асарларида аёллар орази воситасида ҳам ҳамиша тақдирнинг муқаррар эканлиги, банданинг уни ўзгартириши имконсизлиги, инсон ҳамиша тақдир, ҳаёт олдида ожиз қолиши, тақдир ўйинларига аралашиш инсон ҳаётини фақат ёмонлаштириши тасвирланади.

Ҳар бир инсон ўзини ва атрофини ўраб турган борлиқни идрок этишга, тушунишга интилиб яшайди доим. Уддасидан чиққанларни изохлаб, ўша кузатувлари асосида яшашга интилади. Аммо бандага келажак ҳақида билим берилмаган. Келажак илоҳий парда ортига яширин. Пайғамбаримиз айтганларидай, “Кейинги нафасимни олиш насиб этармикан” деган ўлимга доимий тайёрлик ҳисси ҳар бир мусулмонда мавжуд бўлиши керак. Келажак, биз уни билаолмаслигимиз билан жозибалидир. Агар инсон ўз тақдири қандай кечишини билиш қудратига эга бўлганида эди инсон бугунги тараққиётига эришмаган бўларди. Зотан, ҳаётим барибир мана шундай якунланади, дея ҳамма нарсага қўл силтаб, бепарво яшаш устун бўларди. Чиндан киши ўзини нима кутаётганини аниқ билиб турса, уни ҳеч нарса билан кўрқитиб ҳам, умидлантириб ҳам бўлмайди. У барчасига кўникиб улгуради. Ҳолбуки, қодир Аллоҳ инсонга сўнгги нафасгача тавба қилиш, яхши ишларни амалга ошириш, Ўзига мушкулотларини осон қилишини сўраб илтижо этиш ҳуқуқини ато этган.

3.Қуролбой қизи асарларида ижобий қаҳрамон аёл тақдири аксар ҳолларда аянчли якун топади. Айтиш мумкинки, ҳали яшаши, кўп яхши ишларни амалга ошириши, жамиятга қанча фойдаси тегиши мумкин бўлган шахслар кетиб. Ҳиссиз, атрофдагиларга фақат зарари тегадиган,

⁴⁰ А. Йўлдош. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2003 йил, 34-бет

кўнглида ёруғ туйғуси бўлмаган, аламзада персонажлар эса яхшиларни маҳв этиб, бемалол яшашда давом этаверади.

Адиба барча нарсага юқоридан туриб биров киноя аралаш енгил юмор билан ёндашса-да, тақдири азалга ишонади. Аёл ҳаёт қўлида ўйинчок, вазият ва атрофдагилар қурбони бўлиши мумкинлигини ҳаққоний кўрсатиб беради. Бу ҳам балки бош қаҳрамонга Аллоҳнинг марҳаматидир, синовидир эҳтимол. Ҳар ҳолда бесабаб ҳодиса йўқлиги, Насибаю Гулруҳлар, Шоҳсанаму Ҳилола, Назокату Шаҳноза Алиевналар тақдири азалда қандай битилган худди йўсинда кечгани, фақат атрофдагиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фожеийроқ тус олгани ёзувчи асарларида ишонарли тасвирланган. Ёзувчи ўқувчини ипсиз боғлаб турадиган жўшқин, шиддатли воқеаларни эмас, қаҳрамонлар туйғуларидан келиб чиққан воқеаларни кўрсатишга интилади. Уларда ҳамиша шахс тасвири, унинг катта-кичик дардлари, изтиробу умидлари мавжуд бўлади.

Асл бадийят ё муҳаббат, ёки нафратдан озикланади. З.Қуролбой қизи асарларининг кўпчилиги ҳам адолатсизлик, ёвузлик, худбинлик, олчоқликка нисбатан нафрат туфайли пайдо бўлган. Эрнест Хемингуэйнинг: *“Катта истеъдод, билим ва бахтсиз болалик бўлса, ёзувчи бўлиш қийин эмас”* тарзидаги гапи бежиз эмас. Болалик чоғларида рўй берган қитдай ноҳақлик улкан фожеа, қилдай яхшилик, чексиз саховат туюлади одамга. Айнан болаликда рўй берган воқеа-ҳодисалар ижодкор қалбини тўлқинлантириб, илк уруғларни сепади, унинг қай йўсинда асар битиши, қандай руҳиятли адиб бўлишига ўз таъсирини ўтказади. Шу каби З.Қуролбой қизи битиклари ҳам китобхонга тақдир адибни эртароқ оғир синовларига дучор қилган ёки у болаликдан ўйчан, кузатувчан, таъсирчан, ҳеч нарсани назардан четда қолдирмайдиган синчков бўлган деган тахминга олиб келади.

Танқидчи Қозоқбой Йўлдошев *“Олдинлари асарлардаги адабий тимсоллар ўз номига мувофиқ тарзда тимсол бўларди, яъни бадий асарда тасвирланган персонаж кимларнингдир умумлаштирилган образи,*

*қандайдир ижтимоий қатламнинг вакили саналарди. Эндиликда адабий образ фақат ўзининг тимсоли, фақат ўзининг вакили, холос! Бадиий асарда одамни тўданинг вакили эмас, битта ва бетакрор шахс сифатида акс эттириш, унда бирор ижтимоий қатламга хусусиятни эмас, балки ёлғиз унгагина тегишли яхши-ёмон сифатларни тасвирлаш шу хил эстетик натижага олиб келди*⁴¹ – деб хулоса чиқаран эди.

Асардаги Дониш тимсоли мунаққиднинг бу фикрларини кўп жиҳатдан тасдиқлайди. Уни тушуниш ва ёклаш қанчалар қийин бўлса, қоралаш ва рад этиш ҳам шунчалар мушкул. Бу персонаж табиатини белгилашда ёзувчи позициясининг ноаниқлигидан эмас, балки асарда одам табиатидаги ўзгарувчанлик ва беқарорликнинг тўғри кўзда тутилганидандир. Гарчи романда Донишнинг ўтмиши бир қадар ёрқин рангларда эсланса-да, аслида табиатидаги бетайинлик, ожизлик, қийинчиликларга бетоқатлик унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида кўриниб туради.

Зулфия Қуролбой қизи Дониш образи мисолида ўзгани туймоқ ва тушунмоқ билан унинг учун биргина амалий қадам қўймоқ ўртасида чексиз масофа борлигини кўрсатади. Ёзувчи асарда ижодкор ўз давридан ташқарида, унинг таъсирига берилмай туролмаслигини Хулкар Армон тимсолида нозик ифода этади. Бунда у Хулкар Армон табиатидаги ўзига хосликларни кўрсатиш йўлидан боради.

Шу тариқа қисмат ва инсон муносабатлари ҳақидаги баҳс романнинг бошидан охиригача давом этади. Асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг тақдири ўша муносабатларнинг бирор йўсинда намоён бўлишида талқин этилган. Роман қисматини кутиб ётишни эмас, балки уни муносиброқ қилиш учун тинимсиз интилиш, қийинчиликлар оғушида тозариш кераклигига ўқувчини ишонтира олади. “Армон асираси” романида миллий романчиликка янгилик бўлиб қўшиладиган жиҳатлар анчагина. Зухра,

⁴¹ Зулфия Қуролбой қизи. Армон асираси. –Т.: Янги аср авлоди. 2009, 6-бет.

Талгат, Насиба, Хулкар Армон ва айниқса, Дониш каби образларни ўзбек адабиётидаги янгилик дейиш мумкин.

Зулфия Қуролбой қизи қаламига мансуб **“Машакқатлар гирдобы”** романи аслида дастлаб “Ёшлик” журнали (2007 йилнинг 5-, 6-сонлари ва 2008 йилнинг 1-сонлари)да чоп этилди. Биз таҳлил жараёнида романнинг мана шу вариантыдан фойдаландик.

Романда ҳозирги даврда катта пул топпиш мақсадида Ўзбекистондан ўзга юртларга чиқиб кетган ва мардикорликка ёки “қулликка” тушиб қолган кишилар муаммоси қаламга олинган. Мазкур муаммо ёзувчи эътиборини жалб қилинганлиги унинг ҳозирги пайтда ниҳоятда долзарблик касб этганлиги билан белгиланади. Муаммонинг долзарблигини шундан ҳам яққол англаш мумкинки, ҳозир биргина Россия Федерациясининг ўзида икки миллиондан ортиқ ўзбекистонлик мардикор бўлиб ишлаётган экан. Ундан ташқари ҳозир Қозоғистон, Корея, Швеция, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари сингари мамлакатларда мўмай пул топиш дардида Ўзбекистондан чиқиб кетиб, мардикорликка ёки “қуллик”ка тушиб қолган юз минглаб кишилар мавжуд экан. Улардан кўпчилигининг фожиаи тақдири аксарият ёзувчилар сингари Зулфия Қуролбой қизини ларзага солгани ва қўлига қалам олишга мажбур қилгани табиий бир ҳолдир. Худди шуни кўзда тутиб, романга муаллиф “биргина айби – ёнидаги ҳужжатини йўқотиб қўйгани учун ўзга юртда ғаройиб укубатларни бошидан кечирган йигитнинг севги қиссаси“ дея таъриф берган.

Асар сюжети одатий ўзбек оиласидан бошланади. Бу оиланинг бошқа оилалардан фарқи фарзандсизликдир. Худди шу иллат асарнинг бошланишидаги қаҳрамон кайфиятини белгилайди. Фарзандсизлик асар қаҳрамони Давронда ўзидан, хотинидан, севган соҳасидан қоникмаслик ҳиссини уйғотади: *“Ҳоят истеъдодли бўла туриб ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрган одамлар учрайди. Нокамтарлик санасангизда, аввалдан айтиб қўяй, мен ўзимни шундай одамлар тоифасига қўшардим”*. У давом

этади: *“Хотиним: “Қўнимсиз одамсиз!” дейди менга. Истисно тарзда айтадиган бўлсам, унинг гапида зигирча жон бор”*. Ўзидан қоникмаган одамда шахслик хусусиятлари йўқолиб боради. Қишлоқ, шаҳарлардаги кўплаб кекса ва уларга яқин авлод шу дарддан азоб чекади. Даврон алоҳида бўлишга, йўлини топишга уринмайди. Ўзини ташлаб қўйилгандек ҳис қилади. Қаҳрамон яшаётган муҳит, атрофидагиларнинг феъли ва унга муносабати диалогларда аниқ кўринади:

“- Ишдан бўшадим!.. Ишдан бўшадим!.. Яна такрорлайми?”

- Ҳазиллашманг, - дейди Саодат.

- Ҳазиллашаётганим йўқ.

- Нега бўшадингиз, ахир яқинда киргандингиз-ку ишга?! - дейди Саодат йиғламоқдан бери бўлиб.

- Шунақа бўлиб қолди-да, дедим ўрнимдан туриб каравотда оёғимни осилтириб ўтирганча.

- Хурсандмисиз, нима бало?

- Йиғлайми? Илмий текишириш инситути, деган ишхона куйинишга арзимамайди. На пули...”

Давроннинг охирги жавоби жамиятнинг асл қиёфасини кўрсатгандек гўё. Аммо инсоннинг ўзида интилиш бўлмаса у ҳар қандай жамиятда ўзини ортиқча билади. Энг интим туйғуларни ҳам бозорга солади:

“- Ҳар қалай жўжаларимиз йўқ. Бир амаллаб кунимизни...- дейишингизни биламан, Саодат ув тортганча йиглаб хонасидан чиқиб кетди”.

Шу гап энг сўнгги муносабатларни ҳам узиб юборди ва Даврон Россияга жўнаб кетди. Аммо у ерларда ҳам йўлини топа олмайди. Ишласа ҳам аламига ишлайди.

Асардаги Сафарали қиёфаси жўн, содда, ёруғ, яъни кафтдек намоён. Бу Давронни биров залворли кўрсатади. Дунёдаги етук романлардаги образлар олдида бу қаҳрамонлар хира ва жўн. Сафарали дейди: *“Хотиним*

бунчалик ҳокисор, эпли-шудали бўлмаганида омад менга ҳам кулиб боқармиди?”

Сафаралининг феъли кафтдек намоён бўлишига мисол келтирамиз: *“Хотининг бекорга ташлаб кетмаган экан, ошина. Ростини айтганим учун мендан хафа бўлма. Феълимни биласан-ку”*.

Бу муносабатга Даврон ҳам тезда рози бўлади. Бундай бўлиши мумкин эмас. Тез рози бўлиш учун вазият, кайфият этилиши керак эди. Муаллиф ароқ устидаги сархушликни етарли вазият, етарли кайфият этилиши дея ҳисоблайди: *“... Ҳадемай иккаламиз ҳам энг бадавлат одамларга айланамиз – дейди Сафарали оғзининг таноби қочиб. Ана ўшанда хотинимга: “Пайпоғимни ювиб бер”, – деб бемалол айта оламан!”*

Давроннинг илмий ишимни охирига етказишим учун моддий томондан бақувват бўлишим керак” тарзидаги фикрлаши асардан ниманидир кутаётган ўқувчининг хафсаласини пир қилади. Шундан кейин ёзувчи ўзининг Даврон ва Сафарали каби қаҳрамонларини кутилмаган вазиятга туширади: улар ресторанда тўйгунича ичиб, маст бўлганларидан кейин Москва яқинидаги ўрмонда жойлашган ғайритабиий лагерга олиб кетиладилар. Бундай қамоқхона типидagi лагерлар ҳозир Россияда анчагина бўлиб, унга тушган одамларнинг оғир ва машаққатли меҳнат шароитидан қутилиб кетишлари жуда қийин ҳисобланади. Лагер бошлиқлари паспортсиз қўлга тушган одамларга худди маҳбусларга қилинадиган муомалада бўлиб, уларни хоҳлаганларича ишлатадилар ва катта маошлар ваъда қилиб алдайдилар. Қамоқхона қонун-қоидаларига, тартибларига бўйсунмаганлар қаттиқ жазоланиб, қулдай ишлатилади. Даврон билан Сафарали ҳам шундай.

Шароитга тушиб, гўё деярли қутилиш мумкин бўлмаган нажотсиз аҳволда қоладилар. Китобхон уларнинг тақдирлари нилма бўлишини, яъни сюжет ечими қандай талқин этилишини қизиқиш билан кутади. Воқеалар ривожидан маълум бўлишича, муаллиф ҳам кутилмаган ёки қизиқарли ечим топишга қийналган кўринади. Натижада у романдаги тарангликларни

янада кучайтиришдан воз кечиб, жўн ва оддий ечим такдим қилиб қўя қолади. Қамокхонада пайдо бўлган Гулрух деган чиройли аёл бу ердаги аянчли вазиятга ҳам, шунингдек, романга ҳам нуқта қўяди. Гулрух шу қадар чиройлики, қамокхона бошлиқларидан Назарич ҳам, Пўлатов ҳам унинг атрофида парвона бўлиб, гўё ҳамма нарсани унутадилар. Минглаб мардикор-махбусларни куч билан ушлаб турган бу раҳбарлар бир аёлни зўрлик билан бўйсундириш ва шартларга кўндириш йўлини тополмай, нукул ундан марҳамат кутишлари ғайритабиий туюлади кишига. Бошлиқларнинг фақат Гулрух билан бирга бўлиш мақсадида бутун лагерни тарқатиб юбориб, битмас-туганмас фойда манбаидан маҳрум бўлишлари ҳеч бир ақлга сиғмайди.

Романнинг ечими мувофақиятсиз чиққанлиги ва унда шу хилдаги етарлича далилланмаган ўринлар кўплиги Қозоқбой Йўлдошев ҳамда Нусратилла Жумахўжа сингари танқидчилар томонидан тўғри кўрсатилди. Хусусан, Қозоқбой Йўлдошев романнинг камчиликлари юзасидан куйидаги ўринли мулоҳазаларни билдирган: *“Зулфия Қуролбой қизининг зоят қизиқарли сюжет ва ширали тилга эга “Машаққатлар гирдобии” романида асосан шиддатли воқеалар тасвирга интилганлари учун ҳам тимсолларнинг руҳияти, уларнинг индивидуал қиёфасини акс эттириши борасида кутилган самарага эришилмаган. Асарда қаҳрамонларнинг кўнгил ҳолатлари, руҳий кечинмаларидан кўра улар кечирган саргузаштларни тасвирлашга кўпроқ эътибор қаратилган. Гарчи асардаги деярли барча тасвирларда мантиқий изчиллик, сабаб – оқибат боғлиқликлари бўлишига эришган эса-да, алоҳида шахснинг индивидуал дунёсига киришига етарлича эътибор қилинмагани уларнинг воқеаларни хайрли оқибати борасидаги аҳборатни таъкидлаш устунлик қилади. Айни шу ҳолат равон тилда, жуда саводли ёзилган асарнинг етарлича салмоқли эстетик юкка эга бўлмаслигига олиб келади”*⁴².

⁴² Йўлдошев. Қ. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги. // “Шарк юлдузи”, 2011. №4. 131-бет.

Ечими бирмунча мувафакқиятсиз чиққан бўлса-да, Зулфия Қуролбой кизининг “**Машакқатлар гирдоб**и” романи ўзбек адабиётида Россия бориб “қуллик”ка тушган одамлар қисмати муаммосини илк бор кўтариб чиққан асар ҳисобланади. Бу романнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, улар кишиларимизни мўмай пул кетидан қувиб қутилмаган дахшатлар гирдобига тушиб қолишдан огоҳ этади.

Зулфия Қуролбой кизининг ҳозиргача эълон қилинган икки романи унинг бу жанрдаги маҳорати ҳали ҳикоянависликдаги истеъдоди даражасида камолга етмаганлигидан далолат беради. Шу билан бирга бу романлар муаллифнинг ҳикоячиликда улкан самаралар берган истеъдоди ҳали чексиз имкониятларга эга эканлигини ҳам намоён қилади.

Юқоридагиларга таянган ҳолда биз қуйидаги хулосаларга келдик:

— *З.Қуролбой қизи бир жумлада бир неча сифатни қўллаш ва уч нуқтадан фойдаланиш билан тасвирга залвор ва кўлам бахш эта олган;*

— *адиба асарларида ҳамиша ўзига хос одамларнинг ўта чуқур изтиробини бутун миқёси билан ифодалай билади;*

— *адиба асарларида аёллар асосан икки рангда: оқ ва қора рангларда тасвирланади;*

— *адиба аёллар образини тарашламай, силлиқламай, имкон қадар бутун илати билан тасвирлайди;*

— *айнан тасвирдаги шафқатсизлик адиба асарларининг ўқишлилиги, ёдда узоқ қолишини таъминлайди;*

— *З.Қуролбой қизи асарларида аёлни илгари кўрилмаган ракурсда кўрсатди: илк бор адиба ижодида аёл бунчалар хунук, ёқимсиз тасвирланди. Бундай ёндашув Саломат Вафо асарларигагина хос эди.*

ХУЛОСА

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти бирор ижтимоий тузумнинг акфзаллигини кўрсатиш, ишлаб чиқариш муносабатларини, сиёсий тизимларни мукамаллаштиришга эмас, балки алоҳида бир инсоннинг маънавиятини мукамаллаштиришга йўналтирилди. Бу бадий қаҳрамонларни турли нуқтаи назардан туриб, энг яширин жиҳатигача тасвирлаш имконини берди. З.Қуролбой қизи асарлари ҳам қаҳрамонларни энг тубан қилмишлару энг буюк амаллари чизгисидир. Адиба инсон, инсонлараро муносабатлар ҳамиша ғоят мураккаб, мантиққа мос келавермайдиган, изоҳлаш мушкуллигини англаган ва уларни бутун мураккаблиги билан акс эттиришга интилади. У асарларида мавзу долзарблиги, ҳозиржавоблик, замонасозликка айтарли аҳамият бериб ўтирмайди. З.Қуролбой қизи асарларида воқеа, бирор замон тавсифи тўла қаҳрамон руҳиятини очишга йўналтирилади. Баъзан бундай воқеалар, бундай одамлар ҳаётда бўлиши мумкин эмасдай туюлади ктиобхонга. Аммо аслида ҳам бор гапни боридай айтиш учун ижодкор бўлиш шарт эмас. Мухбирлар ҳам бу ишнинг уддасидан чиқади. *“Энди бадий асар деган талабга жавоб бермоқ учун ҳақ гапни айтишнинг ўзи кифоя эмас... Энди, бизнингча, бадий адабиёт кўнгил ҳақиқатини, руҳ ҳақиқатини кўнгилнинг ўзидек, руҳнинг ўзидек гўзал ва нозик, теран ва кўп маъноли қилиб ифодаламоғи зарур⁴³”*. Ёзувчининг вазифаси ўз бадий ҳақиқатини ўз воқелиги бағрида, ўз эстетик мантиғига мувофиқ, ўз ижодий иқлим шароитига мослаб яратиши лозим. Ва бемалол айтиш мумкинки, З.Қуролбой қизи бунга тўла эришган.

Зулфия Қуролбой қизи миллий истиқлол йиллари ўзбек адабиётига кириб келган ва фаол ижод қилаётган истеъдодли ёзувчиларимиздан бири ҳисобланади. Шу пайтга қадар унинг **“Ёвузлик фариштаси”**, **“Ўлим ҳеч нарса эмас”** каби ҳикоялар тўпламлари ва **“Армон асираси”**, **“Машаққатлар гирдобини”** сингари романлари босилиб чиқди — ҳамда кенг

⁴³ Муртазо Қаршибой. Ҳақ гапнинг ўзи кифоя эмас. // “Жаҳон адабиёти” журналы, 1998 йил, 1-сон.

китобхонлар оммасига манзур бўлди. Айниқса, унинг ҳикоялари танқид ва адабиётшуносликда юқори баҳо олди. Хусусан, танқидчи Умарали Норматов Зулфия Қуролбой қизининг **“Тафаккур”** ва **“Ёзсиз йил”** ҳикоялари ўзбек адабиётида жиддий воқеа бўлганлигини исботловчи махсус мақолалар эълон қилди. Ундан ташқари Зулфия Қуролбой қизи ижоди юзасидан Қозоқбой Йўлдошев ва Нусратилла Жумахўжа сингари адабиётшунослар ҳам матбуотда ижобий фикр билдирдилар. Шуларга қарамай Зулфия Қуролбой қизи насрининг асосий хусусиятлари мавзуи ҳозирга қадар алоҳида тадқиқотларнинг манбаига айланмай келаётган эди.

Зулфия Қуролбой қизи насри, асосан, ҳикоя ва романлардан ташкил топган бўлиб, уларда ёш ёзувчининг ўзига хос овози, армонлари, ўй-фикрлари, шунингдек замондошларининг руҳияти, давр ҳарорати ҳамда Жиззах–Самарқанд колорити яққол сезилиб туради. Улар катта истеъдод билан ёзилганлиги сабабли миллий истиқлол даври ўзбек адабиётининг жиддий ютуқлари қаторидан ўрин эгаллади.

Зулфия Қуролбой қизи насрининг асосий хусусияти – унда ёзувчининг аёл қалби тўғрисидаги ҳақиқатни очиб беришга интилишидир. Ўзининг бу мақсадини амалга оширишда улуғ рус ёзувчиси Лев Толстойнинг **“Адабиётнинг асосий вазифаси – инсон қалби тўғрисидаги ҳақиқатни очиб беришдан иборатдир”**, – деган машҳур қарашига таянади. Зулфия Қуролбой қизи Лев Толстой қарашларидан келиб чиқиб, ўз эътиборини инсониятнинг катта қисми бўлмиш аёллар қалби тўғрисидаги ҳақиқатни жуда таъсирчан ва ишонарли тарзда ифодалашга ҳаракат қилади. Унинг **“Аёл”**, **“Ҳилола”**, **“Қуёш мен томонда”**, **“Аёл қиёфасидаги ажал”** ҳикоялари худди шу интилишнинг ёрқин самаралари ҳисобланади. Мазкур ҳикояларда ёзувчи ўзбек аёли ҳаётининг ранг-баранг манзараларини гавдалантириб, уларнинг руҳий дунёсида юз берган жуда ҳаяжонли, лекин кўз илғамас ўзгаришларни ҳам юзага чиқаришга муваффақ бўлган. Бу ҳикояларда муаллифнинг ўзбек аёли портретини, маиший турмушини, меҳнатини ва орзу-истакларини ўзаро боғлиқликда намоён қилиб

инсониятнинг катта қисмини ташкил этувчи шу хилқат моҳиятини очиб беришга бор маҳоратини сафарбар қилади. Шунга кўра ёзувчининг юқоридаги ҳикоялари аёл борлиғи ва руҳиятидаги китобхон учун номаълум кўплаб қирраларини ва сир-синоатларини очиб берганлиги билан ажралиб туради.

Зулфия Қуролбой қизи насрининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, адиба нима ҳақида ёзмасин, барча-барчасини китобхон кўлидан кўймай, катта қизиқиш билан ўқийдиган шаклда тақдим этишга ҳаракат қилади. Шу йўл билан у адабиётимизда узоқ йиллар мобайнида ҳукм суриб келган бир камчилликнинг барҳам топишига интилади. Ўша камчиликлар тўғрисида гапириб, машҳур рус ёзувчиси А.А.Фадеев уришдан кейинги йилларда адабиётда бадиий асарларнинг қизиқарлилиги, драматизми ва таъсирчанлиги жуда пасайиб кетганлигини танқид қилган эди. Имкони борича қизиқарли ёзишга интилиб Зулфия Қуролбой қизи ўз насрида, кўпинча, бошқа ёзувчилар асарларидагига ўхшамаган, яъни ноанъанавий сюжет яратиш йўлидан боради. Ноанъанавий сюжет ҳикояни китобхон учун кутилмаган жойдан бошлаш, қаҳрамонларни сирли ҳолатларга тушуриш, кескин тўқнашувлар яратиш “сир сақлаш” усулидан унумли фойдаланиш воситасида вужудга келтирилади. Шундай ноанъанавий сюжет асосига қурилган асарлар орасида Зулфия Қуролбой қизининг “Тафаккур”, “Кўланка”, “Икки манзил”. “О, ҳаёт”, “Ёзсиз йил” каби ҳикоялари ажралиб туради. Жумладан, “Тафаккур” ҳикоясида қаҳрамон кўпчилик учун ноанъанавий вазиятга, яъни хотирасидан айрилиш ҳолатига тушурилиб, оқибатда ҳаёт ҳақиқатига етиб келиш жараёни ғоятда таъсирчан шаклда бадиий таҳлилдан ўтказилган. Ноанъанавий сюжет яратар экан, Зулфия Қуролбой қизи имкон борича ҳикояларининг тушунарлилигини сақлашга, яъни баъзи модернизм намуналарида учрайдиган ўта мавҳумликдан йироқроқ туришга ҳаракат қилади. Демак, Зулфия Қуролбой қизи насрининг асосий хусусиятларидан яна бири унда реализмнинг бор шафқатсизлиги билан намоён бўлишида.

Зулфия Қуролбой қизи фақат ҳаётнинг мураккаб муаммоларини қаламга олишнинг ўзи билан чинакам бадиий асар вужудга келмаслигини ва унинг натижасида кўпроқ публицистика туғилишини жуда яхши билади. Шунингдек, у ҳар қандай ҳаётий муаммо бадиий адабиёт воситалари ёрдамида китобхонни ларзага келтирадиган даражада талқин этилгандагина муайян эстетик қиймат касб этишга тўлиқ ишонади. Оқибатда, у ўз насрида, айниқса, **“Армон асираси”**, **“Машаққатлар гирдоби”** сингари романларида ҳаётнинг ғоятда муҳим ва мураккаб муаммоларини китобхон онги ва шуурига кучли таъсир этадиган шаклда образли тарзда талқин этишга бор кучини сафарбар қилади. Ижодкор асарларини ўрганиш ва таҳлилга тортиш натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

- ҳикояда характер биргина эпизод орқали намоён бўлади;
- ҳикояда тасвирлаш мезони ҳудди ҳажм каби чегараланган бўлади;
- ҳикояда ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг турли-туман масалалари кўтарилса ҳам роман ва қиссалардагидек кенг кўламда тасвир этилмайди;
- истиқлол даври ҳикояларининг кўпчилигида фикрлаётган одамлар бош қаҳрамонга айланди;
- ҳикоя жанрида замон тушунчаси муҳим бўлиб, XX аср бошидан то ҳозирги давргача қалам тебратган ва тебратаётган ёзувчиларда замон ва ҳикоя услуби тубдан фарқ қилади.
- 3.Қуролбой қизи асарларининг бирортасини қаламга олинган мавзунинг долзарблиги жиҳатидан баҳолаш мумкин эмас. Бу унинг бадиий ютуғи, ижодкор сифатида эришган муваффақиятидир. Адиба учун ҳодисани кўрсатишдан, одамнинг руҳиятини тасвирлаш биринчи ўринда туради;
- муаллифнинг ижод намуналари, ўзаро муштарак жиҳатлар мавжудлигига қарамай, ҳар бири алоҳида қиёфа, ўз йўсинига эга. Бу асарларни кўз югуртириб ўқиш кифоя қилмайди, синчиклаб ўқиш ва идрок

этиш талаб қилинади. Адиба асарларидаги воқеалар мароми бир-бирига ўхшаб кетса-да (таҳлилга тортилган роман ва ҳикоялар каби), тасвир ўзгачалиги устувор. Шу боис уларнинг ҳар бири китобхонда айри, мутлақо фарқ қиладиган туйғулар уйғотади;

– 3.Қуролбой қизи асарлари муаллифнинг ички эҳтиёжи туфайлигина яратилган. Адиб учун замон талабига жавоб бериш, барчани қизиқтираётган бирор муаммони кўтариб чиқиш эмас, ўз кўнглини безовта қилган муаммони, замондош руҳий эҳтиёжини ифодалаш муҳим;

– адиба асарлари омадсиз, айтиш мумкинки, пешонаси шўр кимсалар ҳақида. Уларда муҳаббати ҳам, нафрати ҳам бетайин, нима мақсадда яшаётганлиги ҳақида бирор марта ўйлаб ҳам кўрмаган кишиларнинг фожиаи кечмиши ўта синчковлик билан акс эттирилган;

– адиб шафқатсиз тасвир маромидан фойдаланади, асар қаҳрамонлари сийратидаги қашшоқликни ҳеч пардаламай, аямай кўрсатади;

– 3.Қуролбой қизи инсоний фазилатлардан маҳрум, бахти қаро, уқувсиз, меҳру оқибатсиз қаҳрамонлари ҳақида ёндирувчи киноя билан ёзади;

– “Машаққатлар гирдоби” ва “Армон асираси” романларидаги иложсизлик, чорасизлик китобхонни сиқиб юборади. Ва айнан шу ҳолат уни асарда тасвирланган воқеаларга жиддий ёндашиш, ҳаётда ҳам шундай бўлишига ёўл қўймасликка ундайди. Яъни адиб “бундай қилма, ёмон бўлади” дейиш ўрнига ўша ёмонликнинг ўзини кўрсатиб, кўпроқ самарага эришган;

– ҳар икки романда ҳам муаллиф қаҳрамонлар ҳақидаги барча гапларни ўзи айтади. Уларни бутун иллатию фазилати билан эринмай тавсифлайди. Бундай ифода тарзи бироз мушукул. Чунки муаллифнинг ҳамиша ҳам холис қолиши қийин. 3.Қуролбой қизи эса бунинг уддасидан чиқа олган;

– муаллиф асарларида руҳий ҳолат тасвирининг ҳаққонийлигига сифатларни уюштириб келтириш орқали эришади;

– ҳар икки роман ҳам, ҳикоялари ҳам мафкурадан холилиги туфайли, фақат адибни чиндан безовталантирган кечинмалар тасвиридан иборатлиги туфайли жуда самимий чиққан;

– тадқиқот объектларини текшириш асносида З.Қуролбой қизи инсон руҳиятини тадқиқ этувчи, ҳиссий кечинмалар, умуман, инсон ички дунёси билан шуғулланадиган адиб сифатида намоён бўлади;

– муаллиф асарларида типик одам учрамайди, ҳар бир қаҳрамони тип — ҳеч кимга ўхшамаган алоҳида бетакрор одам;

– асарларида адиба панд-насиҳат қилиб эмас, ҳис қилдириб, воқеа иштирокчисига айлантириб, туйғу ҳосил қилиб ўқувчи маънавиятига таъсир қилади;

– З.Қуролбой қизи асарларида қаҳрамон воқеа етовида юрмайди. Адиба учун воқеа қаҳрамоннинг ички дунёсини чуқурроқ очиш, руҳиятини тўлароқ англаш воситаси. Шу жиҳат асарлар бадииятини таъминлаган — асарда устини кул босмайдиган руҳий ҳолатлар тасвирланган ўринлар жуда кўп (Хусаннинг ўлими, Гулруҳнинг операцияси, жувоннинг Давронни танлаши, Алишернинг шифохонадаги аҳволи ва ҳ.к.)

– ҳар бир миллат фольклорида халқнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, хулқ-атвори, маросимлари, ҳаётдаги яхши ёмон ҳодисаларни баҳолаши, нафосатни тушуниш тарзи, ахлоқий маънавий фазилатлари ифодаланган бўлади;

– З.Қуролбой қизининг асар (**“Кампирлар”, “Қадимий кўшиқ”, “Аёл қиёфасидаги ажал”, “Кўланка”**) ларида фольклор мотивлари ва ривоятлар, фольклоризмнинг ранг-баранг кўринишлари иштирок этган;

– ёзувчи романларида оғзаки ва ёзма адабиёт синтезлашиб кетган (ҳар икки роман саргузаштларга, қаҳрамонлар қийинчиликлари тасвирига бой бўлиб, иккиси ҳам яхшилик билан хотима топган);

– ижодкорнинг нутқини лўнда ва қисқа, деб бўлмайди, албатта, бироқ рамзий бўёқдорлик, яширин маъно ёзувчининг фикр ва гоёсини ёрқин-тиникроқ ифодалашга эришган;

– XX асрда ишлаб чиқариш муносабатлари, капитализм ривожлангани, инсон ҳар томонлама моддий эҳтиёжини қондира олгани ҳолда инсоният бахтли бўлиб қолмаган. Юз берган жаҳон урушлари натижасида адабиётда тушкунлик, йўлсизлик, умидсизлик оқими – абсурд шаклланган, бу З.Қуролбой қизининг аксар ҳикояларига хосдир (“Тафаккур”, “Аёл”, “Ёзсиз йил”);

– адиба ижод намуналарида миллий адабиёт билан бирга жаҳон адабиёт таъсири ҳам сезилади, бу айрим асарларидаги қаҳрамонларига исм қўймаслигида кўринади: жаҳон адабларининг кўпчилиги қаҳрамонларига исм қўймай қандайдир маъно юклайди.

– З.Қуролбой қизи бир жумлада бир неча сифатни қўллаш ва уч нуқтадан фойдаланиш билан тасвирга залвор ва кўлам бахш эта олган;

– адиба асарларида ҳамиша ўзига хос одамларнинг ўта чуқур изтиробини бутун миқёси билан ифодалай билади;

– адиба асарларида аёллар асосан икки рангда: оқ ва қора рангларда тасвирланади;

– адиба аёллар образини тарашламай, силлиқламай, имкон қадар бутун иллати билан тасвирлайди;

– айнан тасвирдаги шафқатсизлик адиба асарларининг ўқишлилиги, ёдда узоқ қолишини таъминлайди;

– З.Қуролбой қизи асарларида аёлни илгари кўрилмаган ракурсда кўрсатди: илк бор адиба ижодида аёл бунчалар хунук, ёқимсиз тасвирланди. Бундай ёндашув ўзбек адабларидан Саломат Вафо асарларигагина хос эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ. 1997 йил 29 август. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”. Т.6 – Т.: “Ўзбекистон”. 1998.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
4. Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: “Шарқ”, 1999.
6. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар тўплами. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
8. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
9. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.) 2010 йил 7 декабрь.

12. Каримов И.А. Буюк ва муқаддасан мустақил Ватан. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

II. ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР

14. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: “Ўқитувчи”, 1992.

15. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Т.: “Мерос”, 1993.

16. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 1-жилд. Академик Б.Назаров таҳрири остида. – Т., 1991.

17. Анри Барбюс. Золя в 1932. В книге “Называть вещи своими именами”. – М., 1986, С. 76.

18. Аристотел. Поэтика. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1980.

19. Аҳмедова. М. Хулио Кортасар: XX аср маънавий ҳаётдан бир лавҳа. // “Жаҳон адабиёти”. 2009 йил, октябрь.

20. Белинский В.Г. Адабий орзулар: Адабий-танқидий мақолалар // “Адабиёт ва санъат”. – Т., 1977.

21. Бобоев Т. “Адабиётшунослик асослари”. –Т., 2002, 470-471 бетлар.

22. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Т.: “Фан”, 1992.

23. Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1981-1983.

24. Жўракулов У. “Уммон соғинчи”. Сўз боши. “XX аср жаҳон ҳикояси”. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2009.

25. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Т.: “Фан”, 2006.

26. Иззат Султон. Адабиёт Назарияси. 1-жилд. – Т.: “Ўқитувчи”, 1978.

27. Иззат Султон. Адабиёт Назарияси. 1-жилд. – Т.: “Ўқитувчи”, 1979.
28. Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. док. ... дис. –Т.: 1997.
29. Йўлдошев Қ., Қодиров В. Адабий сабоқлар. 7-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “Шарқ”, 2005.
30. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
31. Йўлдошев Қ., Юсупов Ж. Бадий таҳлил асослари. – УрДУ, 2008.
32. Йўлдошев Қ. Азобда тобланган одамлар тасвири. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
33. Йўлдошев. Қ. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги. // “Шарқ юлдузи”, 2011. №4.
34. Йўлдош А. Сунбуланинг илк шанбаси. –Т.: “Янги аср авлоди”, 1997 йил.
35. Йўлдош А. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003 йил.
36. Йўлдошева М.Янгиланишлар мангулиги. –Т.: “Адиб”, 2011.
37. Йўлдош М. Бадий асар таҳлилининг айрим масалалари. –Т.: “Турон-пресс”, 2013
38. Каримов Н. XX асар адабиёти манзаралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
39. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 2004.
40. Мирқосимова М. М. Ўқитувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Пед. фан. докт. дисс. –Т., 1995.
41. Олим С. ва бошқ. Адабиёт. 8-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма –Т.: “Ғафур Ғулом”, 2006.

42. Олим С. ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. – Т., 2006.
43. Қуронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Т.: “Академнашр”, 2008.
44. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1981.
45. Қўшжонов М. Ҳаёт ва қаҳрамон. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1981.
46. Қаршибой М. Ҳақ гапнинг ўзи кифоя эмас. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 1998 йил, 1-сон.
47. Мустақиллик даври адабиёти. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
48. Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2008.
49. Норматов У. Тафаккур ёғдулари. –Т.: “Маънавият”, 2004.
50. Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. –Т.: Шарқ, 1998.
51. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: “Шарқ”, 2007.
52. Расулов А. Танқид, таҳлил, баҳолаш. – Т.: “Фан”, 2006.
53. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т., 2004.
54. Содик С. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: ЎзМУ, 2004.
55. Содик С. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: ЎзМУ, 2005.
56. Содик С. Ҳақиқат ва адолат куёши. – Т., 2011.
57. Султон И. Асарлар. 4 томлик. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1972.
58. Умарали Норматов. Она шаънига қасида. // “Ёшлик”, 2010. 5-сон, 7-бет.
59. Холдоров Д. Тавба-тазаррунинг бадиий талқини // “ЎзМУ хабарлари”, 2006. 3-сон.
60. Худайберганов Н. Сўз курашга чорлайди. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1978.

61. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.
62. Ҳошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. – Т.: “Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти”. 2008. 179-бет
63. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: “Шарқ”, 1989.
64. Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1989.
65. Эшонқулов. Ж. Кафка ва биз. // “Ёшлик” журнали. 2004. 2-сон. 8-бет.
66. Эшонқулов. Ж. Кафка ва биз. // “Ёшлик” журнали. 2004. 2-сон. 8-бет.
67. J. Cortazar. El ultimo round. Mexiko. Siglo XXI, 1970.

III. БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР

68. Зулфия Қуролбой қизи. Ёвузлик фариштаси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2005.
69. Зулфия Қуролбой қизи. Қуёш мен томонда. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2005.
70. Зулфия Қуролбой қизи. Армон асираси. Т.: “Янги аср авлоди”, 2009.
71. Зулфия Қуролбой қизи. Машаққатлар гирдоби. – Т.: “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2010.
72. Зулфия Қуролбой қизи. Ўлим ҳеч нарса эмас. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.
73. Зулфия Қуролбой қизи. Келин. –Т.: “Гулистон” журнали. 2013 йил 3-сон.
74. Саломат Вафо. Оворанинг кўрган-кечрганллари. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.
75. Саломат Вафо. Тилсим салтанати. –Т.: “Янги аср авлоди”, 1998.